O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ватан ҳимояси — иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ
**2009** йил, **9** январь, жума № **2** (2285). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
Пятница, **9** января, **2009** год, № **2** (2285). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда | **E-mail: vatan@rol.uz** | В розницу – цена договорная

ВАТАН ҲИМОЯЧИСИ АНИҚ БИР КАСБ БЎЛИБ, УНИНГ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИ КУН САЙИН ЮКСАЛАЁТГАНИ БЕЖИЗ ЭМАС. БУГУН ЁШЛАРИМИЗ ЎРТАСИДА БУ КАСБГА НИСБАТАН ҚИЗИҚИШ ОРТИБ БОРМОҚДА. ЧУНКИ ЁШЛАРИМИЗ ВАТАНИНИ СЕВАДИ, УЛАРНИНГ ҚАЛБИДА ЭЛУ ЮРТГА МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ ТУЙҒУЛАРИ ЖЎШ УРИБ ТУРИБДИ.

**Ислом КАРИМОВ**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг

# ҚАРОРИ

## Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларнинг навбатдаги чақируви ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2009 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.


2. 2009 йилнинг март-апрель ойларида муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар, шунингдек истисно тариқасида, 2008 йилнинг куз мавсумида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М. Атаев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 6 январь

## 14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ



Бахром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

***Юртимизга қалқон, асл ўғлонлар!***

HAFTADAN HAFTAGACHA

## HAFTADAN HAFTAGACHA

Ватан ҳимоячилари куни олдидан жойларда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш яхши анъанага айланган.

– Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбирлар юқори савияда ва кенг жамоатчилик иштирокида ўтмоқда, – дейди мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Самарқанд вилояти кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Багиров. – Учрашув ва суҳбатларда ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва имкониятлари ҳақида кенг тасаввур уйғотишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшлар профессионал армиямизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ҳарбийларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор ҳақида маълумотга эга бўлмоқда.

●

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлигини янада кучайтиришга доир муҳим вазифалар белгиланган.

– Мардлик ва матонат синови, ўзига хос ҳаёт мактабига айланган миллий армиямизда хизмат қилишни ҳар бир йигит шараф деб билади, – дейди Бухоро вилояти мудофаа ишлари бошқармаси чақириққача ёшларни хизматга тайёрлаш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи, подполковник Шаҳобиддин Хўжаев. – Қуролли Кучлар олдига қўйилган вазифалар нечоғли муваффақиятли бажарилиши чақирилувчиларнинг соғломлиги, жисмоний чиниққанлиги ва маънавий салоҳиятига боғлиқ. Ҳарбий хизматга чақирилувчиларни саралаш жараёнида тиббий кўрикка алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**ЎзА хабарлари асосида тайёрланди.**

## ШУ СОНДА


- **Чегараларимиз ҳимояси – ишончли қўлларда** 3
- **Армия – школа мужества Гордое слово – защитник Родины** 6
- **Ватаннинг бир зарраси** 7
- **Қанча ухлаш кераклигини биласизми?** 9
- **Муҳаббатдан яралган олам** 10
- **Наномайса соч толасидан қанча ингичка?** 11
- **Сигир – рўзғор бақколи** 14
- **Интернет орқали даволаниш мумкинми?** 16
- **Табиий офат билан курашган йигит жасорати** 17
- **Туронзамин жангчилари ҳақида тарихчилар қайдлари** 20
- **Муҳаббатдан юксалар Ватан** 21
- **Достойный подарок атлетов** 22




4 ФОЛИБЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР
ЕТУК ОФИЦЕРЛАР КАМОЛ ТОПМОҚДА



5 ИСТИҚЛОЛ ПОСБОНЛАРИ
ТИНЧЛИГИМИЗ ВА ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ҚАЛҚОНЛАРИ



8 ОИЛА ГУЛШАНИ
ҲУРМАТ, ИШОНЧ ИЛА ҲАЁТ НУРАФШОН



24 МАДАНИЯТ
ГЎЗАЛЛИКНИНГ РАНГЛАРДАГИ ЖИЛОСИ

# ТРАДИЦИИ

Твои герои, Узбекистан!

## НОВЫЙ ИМПУЛЬС ВДОХНОВЕНИЯ

**С офицером Акрамом Каримовым мы встретились впервые тринадцать лет тому назад на полигоне в отдаленном гарнизоне. И все эти годы основная его служба проходит именно там, ведь организация боевой подготовки войск стала практически смыслом жизни боевого офицера. Сегодня передовой офицер с новыми успехами в службе встречает День защитников Родины. Его многолетняя и добросовестная служба по достоинству отмечена медалью «Содик хизматлари учун».**



А тогда еще капитан А. Каримов обеспечивал проведение боевых стрельб танкистов на полигоне, будучи начальником штаба, в том подразделении, которое отвечало за поддержание в исправном состоянии объектов. Благодаря сплоченным действиям военнослужащих так четко был организован весь процесс, что танковым экипажам просто грех было стрелять мимо целей. Мишени появлялись в намеченном месте, а макеты боевых машин «противника» плавно двигались в заданном условиями упражнения направлении. Уже потом, показывая в них пробоины, оставленные меткими выстрелами, офицер Каримов буквально светился от радости, как будто это он сам умело поразил цель. Точно так же гордился он и за своих коллег, когда государственной награды удостоили начальника войскового стрельбища, опытного контрактника.

Дружная «команда» офицера А. Каримова неустанно трудилась во имя того, чтобы на всех объектах полигона, будь то танкодром, директриса БМП или войсковое стрельбище, все мишени управлялись четко и надежно, освещение работало исправно, на всех учебных местах имелись стенды с нужной информацией по всем упражнениям.

Впоследствии не раз этому опытному офицеру доверялась организация показательных батальонных тактических учений. Причем вышестоящее командование и наблюдатели всегда отмечали образцовые действия личного состава полигона.

– Считаю офицера Каримова своим наставником в меткой стрельбе, – говорит победитель финального этапа конкурса на звание «Лучший по профессии» в Вооруженных Силах Республики Узбекистан в номинации «Лучший командир взвода» старший лейтенант Достон Егамбаев. – Благодаря его советам я в прошлом году становился победителем в номинации «Лучший командир группы», а теперь добился такого же успеха в номинации выше. Отрадно, что в этот раз он сам был рядом с нами.

Повсюду, будь то огневой рубеж в стрельбе из автомата или полоса препятствий, финиш дистанции кросса, офицер А. Каримов был среди яростных болельщиков за представителей своего округа. Оттого и выступили его подчиненные превосходно.

Вот и члены семьи уже привыкли к тому, что Акрам Эгамберганович считает полигон пусть не первым своим домом, но тем местом, где проходит немалая часть его служебного времени. Поистине боевой подругой стала супруга Татьяна Владимировна, в воспитании детей взяв на себя основную ношу. Дочь Динара пошла по маминым стопам, она студентка педагогического университета. Зато сын Тимур унаследовал отцовские гены, выбрав местом работы воинский коллектив. Здесь он работает радиотелеграфистом.

Боевому офицеру, закаленному холодами севера нашей страны и палящим зноем юга, тяготы армейской жизни нипочем. Полигоны – его стихия и призвание. А награда Родины дала новый импульс вдохновения, ведь высокая оценка твоего труда всегда окрыляет.

**Майор Шопулат ТУРДИЕВ.**
**Фото Бахрома АБДУРАХИМОВА.**

«Энг илғор мутахассис» танлови ғолиблари

## БИЛИМ ВА ТАЖРИБА УЙҒУНЛИГИ

**Маълумки, жанговар шайликни оширишда ҳарбий хизматчиларнинг юксак маҳорати, малакаси, тажрибаси ҳамда ҳарб илми бўйича эгаллаган билимлари муҳим аҳамиятга эга. Қуролли Кучлар бўйича ташкил этилган, анъанага айланиб улгурган «Энг илғор мутахассис» танлови ҳарбийларимизнинг ҳар томонлама профессионаллашувида катта ўрин тутмоқда.**

Танловдан кўзланган асосий мақсад ҳам Қуролли Кучларимиз жанговар қудратини, посбонлар ҳарбий маҳоратини оширишдан иборатдир. Танлов давомида офицер ва сержантлар соҳа бўйича эгаллаган билим ва маҳоратларни намоён қилиб, илғорлик сари ҳаракат қилишди.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, бугун Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар сабаб, замонавий армиянинг посбони нафақат жанговар билимларни пухта эгаллаган бўлмоғи, балки интеллектуал салоҳияти ҳам юксак бўлиши, ҳар жойда, ҳар қандай вазиятда етакчилик қобилиятини намоён эта олиши лозимлиги талаб этилмоқда. Бу жараёнда эса тинимсиз изланиш, ўз устида ишлаш, билим ва малакани ошириб бориш ҳамда ўқиб-ўрганиш муҳим ўрин тутади. Шунингдек, посбонларнинг ҳар томонлама етук, ўз касби, мутахассислигининг моҳир устаси, бурчига ва шарафли номига муносиб бўлишида мазкур танловнинг аҳамияти чексиз.

Биз қуйида танловнинг ортда қолган ўқув йили якунлари бўйича «Энг илғор взвод командири» ва «Энг илғор гуруҳ командири» номинациясида 1-ўринни қўлга киритган Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти офицерлари Зафар Негматов ҳамда Ойбек Имомовлар ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Бу икки офицер бир вақтда билим юртида таҳсил олишиб, ҳозирги кунда ҳам шу ерда ўз фаолиятларини давом эттириб, курсантларга соҳа билимларини юксак даражада ўргатиб келишмоқда.



– Офицерлар Негматов ва Имомовлар билим юртимизнинг энг фаол, маҳоратли ҳарбийлари ҳисобланишади, – дейди офицер Мақсуд Ҳожиев. – Улар шу кунга қадар кўплаб ютуқларни қўлга киритишиб, барчага намуна бўлиб келишяпти. Шундай нуфузли танловда иштирок этиб, ғолиблар сафидан жой олишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун посбондан кучли билим ва маҳорат талаб қилинади. Уларнинг танловга тайёргарлик жараёнларини кузатибоқ, юқори натижани эгаллашларига амин бўлгандим.

Уларга тайёргарлик жараёнларида офицерлар – Ихтиёр Бобомуродов (жисмоний тайёргарликдан), Обид Гаипназаров (отиш тайёргарлигидан), Шуҳрат Усмонов (тактик тайёргарликдан)лар катта ёрдам беришди.

Дарҳақиқат, офицер Негматов курсантлик кезларидаёқ ҳар томонлама ўзини кўрсатган эди. У кураш бўйича Қуролли Кучлар миқёсида ўтказилган чемпионатда қатнашиб, фахрли ўринни эгаллаган бўлса, Умумармия ўйинларида 2-ўринни қўлга киритган. Билим юртига ўқишга киргунга қадар Самарқанд вилоятининг Тайлоқ туманида жойлашган Республика Олимпиа захиралари коллежида ўқиб, спортнинг миллий кураш ва дзюдо турлари билан шуғулланган. Бу унинг хизмати мобайнида жисмоний тайёргарлик машғулотларида юқори натижаларга эришишида асқотди.

Шунингдек, Давлат чегараларини ҳимоя қилишда кўрсатган аъло хизматлари учун 2007 йилда Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг «Эсдалик нишони» ҳамда қўл остидагиларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 15 йил» кўкрак нишони билан тақдирланган. «Энг илғор мутахассис» танловининг республика босқичида қатнашиб, «Энг илғор взвод командири» номинациясида фахрли 1-ўринга сазовор бўлди.

– Мазкур танловда иккинчи бор иштирок этишим. Олдимга қатъий мақсад қўйиб, танловга пухта тайёргарлик кўрдим. Бунда юқори малакали офицерларнинг ёрдами катта бўлди. Танловда энг асосийси ғолиблик эмас, деб ўйлайман, чунки малакали офицерлардан кўпгина амалий билимларни эгаллаш, тажриба алмашиш келгуси фаолиятимда муҳим ўрин тутади. Бундан кейин ҳам улкан ютуқларни қўлга киритиб, соҳам бўйича билим ва маҳоратимни янада мустаҳкамлаб боришга ҳаракат қиламан.



Офицер Имомов танловнинг «Энг илғор гуруҳ командири» номинациясида ғолибликни қўлга киритди. Курсантлик пайтларида спорт бўйича кўплаб ютуқларга эришган. Жумладан 3 йил давомида тош кўтариш бўйича 80 кг вазнда Қуролли Кучларда фахрли 1-ўринни эгалаб келган бўлса, Умумармия ўйинларида ҳам 1-ўринга сазовор бўлган. Жисмоний тайёргарлик бўйича эришган ютуқлари сабаб 2007 йилда Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг «Эсдалик нишони» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 15 йил» кўкрак нишони билан тақдирланган.

– Мазкур танловда биринчи бор иштирок этишим, – дейди офицер Имомов. – Биринчи ва иккинчи босқичлардан муваффақиятли ўтиб, республика босқичига чиқдим. Ғолиблар сафидан жой олишим менга янада куч бағишлади, бундан-да юқори натижаларга эришишимга руҳлантирди, десам асло хато қилмайман.

Биламизки ҳарбийлик касбига меҳр қўйган, Ватанни ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилган, тинчлигимиз ва сарҳадларимиз дахлсизлигининг посбонлари бўлмиш ҳарбий хизматчилардан матонат ва фидойилик, мардлик ва садоқат, кучли ирода ва шижоат талаб этилади. Бугунги танлов ғолибларининг қалбида эса бу туйғулар мужассам. Президентимиз асос солган мазкур танлов мана шундай мард ўғлонларни кашф қилмоқда.

**Аҳрор ОЧИЛОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Муаллиф суратга олган.**

Конкурс по стрельбе и управлению огнем артиллерии

## ПОЗДРАВЛЯЕМ ПОБЕДИТЕЛЕЙ!

**Согласно приказу начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан в течение 2008 года управлением артиллерии ОШ ВС совместно с редакцией газеты «Ватанпарвар» проводился конкурс по стрельбе и управлению огнем артиллерии.**

Конкурс показал высокий уровень знаний офицеров-артиллеристов по основным положениям боевых уставов артиллерии, Правил стрельбы и управления огнем, Курса подготовки артиллерии.

По итогам победителями конкурса по стрельбе и управлению огнем артиллерии названы: **майор Нурпейис Сарибаев** – I место; **капитан Отабек Холбаев** – II место; **подполковник Сахатдилла Аскаров** – III место. Призерам вручены: цифровой фотоаппарат, DVD-плеер, чайный сервиз.

Также активное участие в конкурсе приняли подполковник Х. Саттаров, капитан С. Махмудов, старший лейтенант Н. Латипов и лейтенант И. Жураев.

Поздравляем победителей конкурса, внесших весомый вклад в достойную встречу Дня защитников Родины и празднование 17-й годовщины Вооруженных Сил Республики Узбекистан. Желаем им новых успехов в воинской службе.

А для всех читателей сообщаем, что данный конкурс будет проводиться и в 2009 году. Следите за нашими публикациями, среди которых будут и очередные серии задач.

**Наш корр.**

# БАЙРАМГА ТУҲФА

«Энг илғор қўшилма»

## ЧЕГАРАЛАРИМИЗ ҲИМОЯСИ – ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

**Чинакам мардлик, фидойилик йўлини танлаган посбонлар кун сайин янгиланаётган миллий армиямизни янада шакллантириш, мудофаа қудратимизни мустаҳкамлаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш йўлида бор куч ва билимларини, имкониятларини ишга солиб, шу Ватан меҳри билан ёниб яшамоқдалар.**

Маълумки, Қуролли Кучларимизда турли танловлар ўтказиш анъанага айланиб улгурган. Ўқув йили якуни бўйича ҳам қисмлар ва бўлинмалар ўртасида жанговар шайлик ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда энг юқори натижани қайд этган жамоалар илғорлар сафидан жой олишади. Мақоламизда 2007-2008 ўқув йили якунларига кўра «Энг илғор қўшилма» дея эътироф этилган чегарачилар жамоаси ҳақида сўз юритмоқчимиз.

– Бундай улкан натижа посбонларимизнинг ўз касби ва вазифасига бўлган чексиз меҳри ҳамда жанговар шайликни оширишга қаратилган эътиборда, деб биламан, – дейди офицер Фахриддин Саломов. – Шунингдек, қисмда посбонлар учун яратилган зарур шарт-шароитлар ҳам илғорлик сари етаклади, бизни. Юрт ҳимоячиларининг мукаммал билим олишлари ва юксак маҳоратга эга бўлишлари учун барча имкониятлар етарли. Офицер ва сержантлар таркиби ўз соҳаларининг ҳақиқий билимдонлари, улар қўл остидаги посбонларга соҳа сир-асрорларини пухта ўргатиб, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб келишмоқда. Бундан кейин ҳам бор билимимиз ва имкониятимизни ишга солиб, олға интилиб, ҳамиша илғорлар сафида бўлишга ҳаракат қиламиз.

Дарҳақиқат, қўмондонлик томонидан барча ишларнинг оқилона ташкил қилиниши, посбонларнинг вазифаларига виждонан ёндашишлари натижасида ҳарбий қисм юқори кўрсаткичларга эришди. Бунда чегарачилар касбий билимларини доимий ошириб, ўзларига ишониб топширилган қурол-аслаҳа, ҳарбий техникани доимий шай ҳолатда сақлаши, ҳарбий мулкни кўз қорачиғидек асраши, ҳар томонлама чиниқиб, тобланиб боришлари муҳим омил бўлди.

Ҳарбий қисмда касбининг фидойилари талайгина. Шахсий таркибнинг Ватанимиз ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадлари дахлсизлигини таъминлашга қўшаётган ҳиссаси, давлат чегараларини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш вазифаларини бажаришдаги фидокорлиги ва мардлиги айниқса, таҳсинга сазовордир. Ҳозирги кунда қисмда 2-даражали «Шон-шараф» ордени, «Жасорат» медали, «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 10 йил» кўкрак нишони, «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» кўкрак нишони, «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» кўкрак нишони, биринчи ва иккинчи даражали «Чегара қўшинлари аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланган ҳарбий хизматчилар талайгина.

Кичик командир ва аскарларнинг дам олиши учун замон талабларига мос қилиб қурилган бинода барча шарт-шароитлар яратилган. Дам олиш, спорт билан мунтазам равишда шуғулланишлари учун замонавий тренажёр зали ва спорт анжомлари посбонлар ихтиёрида. Шахсий таркиб ижтимоий-сиёсий тайёргарликда, жанговар шайликда доимо илғорликка интилиши замирида тарбиявий ишларнинг самарадорлигини оширишга бўлган юксак эътибор ётади.

– Мен ҳарбий хизмат ҳақида унча кенг тасаввурга эга эмасдим, – дейди оддий аскар Икром Убайдуллаев. – Ҳарбий қисмга келганимдан сўнг, тўғрисини айтсам, мен ва сафдошларим бу ердаги шарт-шароитларни кўриб, ниҳоятда қувондик. Ҳукуматимизнинг бундай эътиборидан жуда хурсандмиз ва албатта, билдирилаётган юксак ишончни оқлашга интиламиз.

Ҳарбий қисмда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда турли тадбирлар, учрашувлар, адабиёт кечалари мунтазам ўтказиб бориляпти.


– Посбонларимиз режага асосан, тоғли чегара ҳудудларида доимий равишда жанговар ўқув машғулотлари олиб бораяпти, –дейди офицер А. Ҳамдамов. – Тоғдаги пана-пастқам жойлар, сўқмоқ йўллар, ғорлар ва даралар жиддий назоратдан ўтказилади. Ҳарбий хизматчилар қўйилган топшириқни аъло даражада, сергаклик ва ҳушёрлик билан бажарадилар. Мардлик ва жасурлик намуналарини кўрсатадилар.

Тоғнинг ўзига хос иқлими – об-ҳавоси, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини хизмат давомида эътиборга олиш талаб қилинади. Чегарачилар ёзнинг саратон жазирамасида ҳам, қаҳратон қишнинг совуғида ҳам жанговар хизматини шараф билан ўтаб келмоқдалар.

– Тоғда хизмат қилишнинг гашти бор, – дейди офицер Баҳодир Зиёдуллаев. – Тоққа чиқиш осон, тушиш қийин. Ҳар бир қадамни ўйлаб босиш керак. Тошлар жойидан кўчиши мумкин. Йўналиш пухта режа асосида амалга оширилмас экан, манзилдан адашиб қолиш ҳеч гап эмас. Шу боис барча машғулотлар, назарий ва амалий машқларни талабчанлик билан олиб бораяпмиз.

Юксак масъулиятни зиммаларига олиб хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг матонати, маҳоратини кўриб чегараларимиз дахлсизлигига, садоқат билан қўриқланаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Ишончимиз комилки, жамоа посбонлари Она Ватан ҳимояси, юрт осойишталиги ва халқимиз тинчлиги йўлида камарбаста бўлиб, билдирилган юксак ишончни ёруғ юз ила оқлайдилар, ҳамиша илғорлар сафида бўладилар.

**Майор Раззоқ ШОЙМАРДОНОВ.**
**Муаллиф суратга олган.**



Ёш офицерлар – Қуролли Кучларимиз келажаги

## УНГА ҲАВАС ҚИЛАДИЛАР...



**Юртимизда умидли, ғайрат ва шижоатни ўзига касб қилган ёшлар талайгина. Уларни кўрганда, суҳбатларини олганда баҳри дилинг очилади, эртанги кунга кўнглингда ишонч уйғонади. Қувонарлиси, бундай фидойилар Қуролли Кучларимиз сафларида кўплаб топилади. Офицер Норбек Калдибеков тўғрисида ҳам шундай мулоҳазаларни билдириш мумкин.**

Қаҳрамонимиз 1998 йилда Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юртини тамомлаб, МХХ Чегара қўшинларида фаолиятни бошлаган. Билим юртида ўз касбининг жонкуярлари ва усталари бўлган устоз офицерлардан соҳага доир билимларни мукаммал ўзлаштирган ёш командир уларни амалда қўллаб ютуқларга эришмоқда. Ҳарб илмини пухта эгаллаган, ҳарбийликни шунчаки касб эмас, балки шон-шараф иши деб биладиган, зиммасидаги вазифаларини сидқидилдан адо этадиган офицер тез орада командирлар ва юқори қўмондонлик назарига тушди.

2000 йилнинг ёзи... Норбек ўша кунларни бир умр эсдан чиқармайди... Мамлакатимиздаги тинч-фаровон турмушга, тотувлигимизга, муқаддас истиқлолимизга кўз олайтирган бир гуруҳ ғаламислар тоғли ҳудудлардан юртимизга суқилиб кирдилар. Ўзгалар тинчлигини бузишни касб қилган ғаразгўйлар хатти-ҳаракатига чек қўйиш, уларни сарҳадларимиздан улоқтириб ташлаш мақсадида юрт ҳимоячилари жалб этилди. Ана шу шунқорлар сафида лавҳамиз қаҳрамони ҳам бор эди. Босқинчиларга қарши мардонавор курашган, уларни сарҳадларимиздан улоқтириб ташлашда шижоат намунасини кўрсатган ўғлон давлатимизнинг юксак мукофоти – «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Бу мукофот қаҳрамонимизга катта куч бағишлади, десак муболаға бўлмаса керак. Эътибордан руҳланган йигит маҳоратини шакллантириб, посбонларни мардлик, садоқат руҳида тайёрлашга киришади. У нафақат жанговар, ижтимоий-сиёсий, жисмоний тайёргарликка, балки жамоада дўстона муҳитни қарор топтиришга ҳам эътибор қаратди.

Гуруҳида қатъий интизом, интилувчанлик, касбга садоқат каби юксак хислатларни қарор топтирган, маҳорати ва билимларини оширишга ҳаракат қиладиган офицер 2003 йилда Қуролли Кучларимиз миқёсида анъанавий тарзда ўтказиладиган «Энг илғор мутахассис» танловининг «Энг илғор взвод командири» номинациясида ғолиб бўлди. Айни пайтда жамоада жанговар тайёргарликка масъул офицер Норбек Калдибеков ҳамон изланишда. Ҳарбий қисм шахсий таркибининг 2008 йилдаги ўқув йили якуни бўйича юқори натижаларга эришишида унинг ҳам муносиб улуши бор. Профессионал армиямизнинг равнақига ўз ютуқлари билан ҳисса қўшишдек эзгу мақсадни кўзлаган қаҳрамонимиз билан хайрлашиш олдидан уни касб байрамимиз – Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимиздан қутладик.

**Майор Зулфиқор АМОНОВ.**

ИСТИҚЛОЛ

Ғолиблар ҳақида ҳикоялар

# ЕТУК ОФИЦЕРЛАР КАМОЛ ТОПМОҚДА

**Юртимизнинг барча гўшаларида Ватан ҳимоячилари кунини муносиб кутиб олиш ва нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилаётган айни кунларда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида байрамона руҳ ҳукмронлик қилмоқда. Чунки билим юрти ўтган ўқув мавсуми якунларига кўра Мудофаа вазирлиги тизимида ўтказилган «Энг яхши олий ҳарбий таълим муассасаси» кўрик-танловида фахрли биринчи ўринга муносиб топилди.**

## ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Мудофаа вазирлигига қарашли Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти Қуролли Кучларимиз сафларига кўплаб етук малакали офицер мутахассислар етказиб бераётган олий ҳарбий таълим муассасаларидан саналади. Бугун ушбу билим юртида таҳсил олган ва юрт осойишталиги йўлида хизмат қилаётганлар сафида маҳоратда, матонатда ва жасоратда намунали, Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган юксак салоҳиятли офицерлар талайгина. Улар изидан бораётган бугунги курсант – эртанги офицерлар ҳам билим юртининг шонли анъаналарини муносиб давом эттириб, қадрдон ўқув муассасаларининг илғор натижага эришиши йўлида бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қиладилар.

Билим юртида эртамизнинг муносиб давомчилари, истиқлол ҳимоячилари саналган бўлажак офицер-командирлар таълим-тарбия олишмоқда. Билим юрти ҳузурида услубий марказ, офицер кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети ҳамда қатор тўгараклар фаолият кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мавжуд кафедралар, барча шароитлари муҳайё қилинган ўқув синфлари ва ётоқхоналар, замонавий техник воситалар, компьютерлаштирилган тренажёрлар, спорт зали, кутубхона, энг сўнгги русумдаги технологик жиҳозлар, компьютерлар ва жанговар техникалар курсантлар ихтиёрида. Курсантларга катта илмий ва ҳаётий тажрибага эга бўлган офицерлар ҳамда Қуролли Кучлар хизматчиларидан иборат профессор-ўқитувчилар сабоқ беришади. Шунингдек, билим юрти мамлакатимиз ва хориждаги тегишли илмий муассасалар билан ҳам соҳага доир кенг ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган.

– Бугун билим юртимизда ўқув-тарбия жараёни тубдан ўзгартирилган, – дейди билим юрти бошлиғи полковник Муҳиддин Бойбусов. – Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ислом Каримов: **«Бугун катта мамнуният билан шуни қайд этиш лозимки, ҳарбий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва тарбиялашнинг ўзига хос, нодир тизими яратилгани туфайли Қуролли Кучларимизнинг деярли бутун қўмондонлик ва сержантлар таркиби тўлиқ янгиланди...»** деган эди. Бу борада билим юртида ҳам катта ишлар амалга ошириб келинмоқда. Кўзланган бош мақсад, бугунги кун талаблари даражасидаги замонавий билимларга эга офицерларни етиштириш. Бунинг учун куч ва имкониятларимиз етарли, шарт-шароитлар талаб даражасида. Турли хил тўгаракларда курсантлар мустақил тайёрланишиб, билим, кўникмаларини бойитишмоқда. Бундан ташқари билим юрти ўқитувчилари ўртасида мунтазам равишда танловлар ўтказиб келинади. Ғолиблар моддий ва маънавий рағбатлантириладилар. Булар билан бир қаторда билим юртини битириб кетган собиқ курсантларнинг хизматдаги фаолиятларини ҳам доимо ўрганиб, суриштириб борамиз. Ҳарбий қисм командирлари билан боғланиб, битириб кетганларнинг хизмати ва улар ҳақида маълумотлар олинади. Тегишли тартибда ўрганиб чиқилиб, камчиликлар тўлдирилади, ибратли томонлари ҳаётга татбиқ этилади.

## ИЛҒОРЛАР ИЧРА ИЛҒОР

Капитан Шокир Хайиров етакчилигидаги ўқув взводи посбонларини ҳақли равишда «илғорлар ичра илғор» десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Негаки, билим юртининг фахри саналган мазкур взвод курсантлари ортда қолган ўқув мавсумида билим савияси, тиришқоқлиги, тартиб-интизоми, интилувчанлиги билан барча соҳаларда пешқадамликни қўлга киритиб, билим юрти миқёсида энг илғор взвод, деган номга муносиб топилишди.

Албатта, взвод шахсий таркиби бундай нуфузли натижага осонгина эришгани йўқ. Профессионал асосдаги армияга муносиб бўлиш учун ҳар бир посбон бор куч ва ғайратини сафарбар этиб, жанговар шайлигини оширди. Касбий маҳоратни ошириб бориш, ўқиб-изланиш ва энг муҳими, барча сафдошларнинг бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиши ўз самарасини кўрсатди.

– Юксак натижага эришишда жамоа ҳар бир аъзосининг муносиб ўрни бор, – дейди тарбиячи офицер Шуҳрат Асқаров. – Энг фаоллар сифатида курсантлар Ҳамза Жўраев, Дониёр Камолов ва Тоҳиржон Солиевларнинг номини алоҳида тилга олсак арзийди. Взвод миқёсида илғорликка эришган капитан Азамат Жўраев қўл остидаги гуруҳ шунқорлари фидойилиги эса таҳсинга сазовордир.

Ҳа, бўлажак командирлар нимага интилаётганини, бугуннинг талаблари ва қўйилаётган вазифаларнинг нечоғлик муҳимлигини жуда яхши билишади. Шу боис улар тиним билмай малакаларини ошириб боришмоқда. Бу эса осойишталигимиз янада мустаҳкамроқ кафолатланишининг гаровидир.

## МАШҒУЛОТЛАР ЮҚОРИ САВИЯДА

Бўлажак офицерларнинг ҳар томонлама мукаммал шаклланишларида уларга таълим-тарбия бераётган ўқитувчи-офицерлар ва командирларнинг хизматлари беқиёсдир. Шу боис ҳам устозларни улуғлаймиз, уларга доимо ҳурмат-эҳтиром кўрсатамиз.

Бу борада ўт очиш, тактика, муҳандислик, тарбиявий ишлар услубиёти, жисмоний тарбия ва спорт, тоғ тайёргарлиги, ҳаво десантчилиги тайёргарлиги, ҳарбий техникалардан фойдаланиш ва бошқариш, ахборот технологиялари, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар, табиий фанлар каби кафедралар ўқитувчилари фидойиликларини алоҳида тилга олиш мумкин. Улар сафида давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлганлари ҳамда кўплаб юқори даражали танловлар ғолиби бўлганлари ҳам кўпчилик.

– Офицерлик ғоят шарафли ва масъулиятли касб. Чунки офицер ёлғиз ўзининг эмас, балки барча қўл остидагиларнинг тақдирига масъул шахсдир. Шу боис у ғоят билимдон ва зукко, муҳим тадбирларни қўллай оладиган даражада заковатли, ўзгалар дарди билан яшайдиган фидойи инсон бўлиши зарур, – дейди билим юрти ўқитувчиси, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби Қуролли Кучлар хизматчиси Дамир Мусаев. – Биз бу ҳақда машғулотларда курсантларга иложи борича кенгроқ тушунча беришга ҳаракат қиламиз. Чунки бугунги курсантларимиз эртанги офицерлардир. Келажагимиз эгалари ҳам ана шу ёшларимиз. Уларнинг баркамол, етук ва комил инсон бўлиб вояга етишлари бугун бизнинг қандай таълим-тарбия беришимизга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

– Бизга ўз ишининг моҳир усталари бўлган ўқитувчи ва офицерлар соҳа илмидан таълим-тарбия беришади, – дейди курсант Халил Каримов. – Уларнинг сабоқларини қунт билан ўзлаштиришимиз эса эртага офицер сифатида хизматни бошлаганимизда қўл келишига шубҳа йўқ. Шу боис устозларимизнинг ҳар бир ўгитларига қаттиқ амал қилишга интиламиз.

Курсантлар ихтиёрида бўлган бой кутубхонада эса бир юз ўттиз мингдан ортиқ илмий ва бадиий адабиётлар мавжуд. Компьютерлаштирилган синфларда электрон дарсликлар каталогидан бемалол фойдаланиш мумкин.

## ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИГУЛИК

Бугун давлатимиз раҳбариятининг ғамхўрлиги ва эътибори туфайли курсантлар яшаш шароитларини яхшилаш борасида ҳам қатор қулайликлар яратилмоқда. Эски казарма ҳаётига барҳам берилиб, эртанги офицерларимиз шинам ва қулай ётоқхоналарда истиқомат қилишаётгани, ҳар икки кишига бир хона ажратилгани, стол-стул, шкаф, замонавий қимматбаҳо маиший воситалар улар ихтиёрига берилгани фикримизни тасдиқлайди.


Ҳа, курсантлар ётоқхоналарини кўздан кечирсангиз, ҳашаматли меҳмонхоналардан асло қолишмаслигига гувоҳ бўласиз. Шарт-шароитлар ҳавас қилса арзигулик. Хулоса қилиб айтганда, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти асл мардларни тарбиялайдиган, бағрига чорлайдиган намунали зиё масканидир. Ўғлонларимиз бу ерда тобланиб, мустаҳкам иродага, саботга эга бўлишларига, ўз ишининг моҳир усталари бўлиб етишишларига шубҳа йўқ.

**Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.**











# ПОСБОНЛАРИ

## ТИНЧЛИГИМИЗ ВА ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ҚАЛҚОНЛАРИ









Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 17 йиллигини тантанали нишонлаш арафасидамиз. Ўтган қисқа давр мобайнида Президентимиз раҳбарлигида Қуролли Кучларимизнинг барча тизимларини модернизация ва ислоҳ қилиш, улар фаолиятини қайта кўриб чиқиш ҳамда мувофиқлаштириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди. Шулар қаторида қўшинлар таркибини замонавий ҳарбий техника, қурол-яроғ, алоқа воситалари ва компьютер техникалари билан таъминлаш, ўз касбини профессионал даражада эгаллаган, ҳар қандай вазиятда тўғри қарор қабул қила олиш қобилиятига эга бўлган ҳарбий кадрлар билан жамлаш ишларига катта эътибор қаратилганини айтиб ўтиш жоиз. Қўшинларимизда ҳарбий ислоҳотлар бугунги кун талаблари даражасида олиб борилмоқда.

Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг ички ишлар идоралари ходимларининг касб байрами муносабати билан йўллаган байрам табригида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда республикамиз ҳудудида жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, Қоровул қўшинлари шахсий таркиби моддий техника базасини янада мустаҳкамлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қоровул қўшинларида кадрларни танлаш, уларни жойжойига қўйиш, ўқитиш ва тарбиялаш борасида самарали ишлар қилинди. Шахсий таркиб шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар билан бутланмоқда.

Ҳарбий хизматчиларнинг касбий маҳоратларини ошириш бўйича талай ишлар амалга оширилиб, офицер ва сержантларимиз Тошкент олий ҳарбий техника билим юртида, сержантлар тайёрлаш мактабларида ўз билим ва малакаларини янада мустаҳкамланиб, шахсий таркибни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, уларга замонавий ҳарбий техника ва қурол-яроғдан пухта фойдаланиш сир асрорларини ўргатишда муносиб ҳиссаларини қўшиб келяптилар.

Ҳарбийларнинг нафақат соғлом ва жисмонан бақувват, балки замонавий ҳарбий техникани бошқаришни ўзлаштирган, шу билан бирга юксак ақл-заковат, ирода, Ватани ва халқига садоқатли, интеллектуал салоҳиятга эга бўлишлари кераклигини англаган ҳолда ишларни ташкил қилганмиз.

Кейинги йилларда шахсий таркибнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга, уларни маърифатли, маънавий етук ходимлар сифатида тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Президентимизнинг Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги Фармойишига кўра жойларда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракати», Маънавият тарғибот маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, Ёзувчилар уюшмаси вакиллари ва санъаткорлар иштирокида «Ватанпарвар бўлиш, буюк аждодлар анъаналарини давом эттириш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи» мавзусида давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Айниқса, ҳар йили Қуролли Кучларимиз тизимида «Энг илғор мутахассис» кўрик-танловининг ўтказилиши ижобий самара бермоқда. 2008 йилда ўтказилган мазкур танловнинг якуний босқичида майор Д. Левин «Энг илғор батальон командири», капитан А. Солиев «Энг илғор взвод командири», катта лейтенант У. Якубов «Энг илғор гуруҳ командири», сержант Х. Умматов эса «Энг илғор сержант» номинацияларида ғолибликни қўлга киритдилар.

Ўтказилаётган мусобақалар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, йилдан-йилга жанговар хизмат аълочилари, билим ва тажрибали, касбини виждонан бажаришга мойил ҳақиқий ватанпарвар ҳарбий хизматчилар сони ошиб боряпти.

Ҳозирда муддатли ҳарбий хизматнинг нуфузи ошиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас, албатта. Уларнинг моддий таъминоти йилдан йилга яхшиланаётганлиги айниқса, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни гтаётган ҳарбий хизматчиларга берилаётган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги Қарорига мувофиқ ижтимоий-сиёсий ва жанговар тайёргарлик машғулотларида сафдошларига намуна бўлган муддатли ҳарбий хизматчиларнинг олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг юқори баллнинг 25 фоизи миқдорида имтиёз берувчи тавсияномаларга эга бўлишлари, фикримиз далилидир.

Муддатли ҳарбий хизматчиларнинг озиқ-овқат ва яшаш шароитларига ҳам катта эътибор қаратилган. Ёруғ, шинам ва барча қулайликларга эга бўлган ётоқхоналар, замонавий спорт зали ва анжомлари, кутубхоналар улар ихтиёрида.

Дарҳақиқат ҳарбий жамоаларнинг жанговар вазифаларни талаб даражасида бажаришлари кўпроқ уларнинг Умумҳарбий низомларга қанчалик амал қилишларига боғлиқ. Бу борада сержантларимизнинг алоҳида ўрни бор. Ҳукуматимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сержантларининг мақоми» тўғрисидаги Қарори Қуролли Кучларда сержантлар мавқеини кўтаришга, уларга нисбатан талаб ва имтиёзлар меъёрини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Сержантлар ўзларининг командирлик қобилиятлари ва сифатлари билан ажралиб туришлари, ҳарбий касбнинг мутахассиси, замонавий ҳарбий билимга эга бўлган аскарларни тарбиялашда асосий мураббий, фуқаролар ўртасида юксак ҳарбий маданият ва маънавият намунаси бўлишлари керак. Замонавий ҳарбий хизматчи энг аввало Ватанни, халқи олдидаги ўз бурчини ва унинг тинчлиги ҳимоячиси деган номни чуқур англаши ва ҳис қилиши лозим.

**Полковник Муҳаммаджон МУХТАРОВ,**
**ИИВ Қоровул Қўшинлари қўмондонининг**
**тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари.**

# ЎЗ КАСБИМДАН ФАХРЛАНАМАН



ИИВ Қоровул қўшинлари шахсий таркиби бугунги кунда ўз олдиларига қўйилган масъулиятли ва шу билан бирга шарафли вазифаларни сидқидилдан бажариб, улкан ютуқларга эришиб келмоқдалар.

Лавҳамиз қаҳрамони сержант Ҳамза Умматов билан олдиндан таниш бўлганимиз учун суҳбатимиз жуда самимий руҳда кечди.

– Ҳеч бир соҳада ўз касбини севмай, унга бутун вужудини бағишламай бирон-бир ютуққа эришиб бўлмайди. Мен ҳарбийликка ёшлигимдан ҳавас қилганман. Жиззах вилояти мудофаа ишлари бўлимидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилганимда, Ватан ҳимоячиси бўлганлигимдан қувончим ичимга сиғмаган. Муддатли ҳарбий хизматни Қоровул қўшинлари сафида ўтадим. Ўша вақтда олган пухта билимларим ҳозирда ҳам жуда қўл келмоқда.

Айни кунларда сержант Умматов взвод командирининг ўринбосари вазифасида хизмат қилиб келмоқда. Ундаги касбига бўлган қизиқиш, интилувчанлик каби хусусиятлар ҳамиша илғорлар сафида бўлишини таъминлайди. 2004 йилдан буён Қуролли Кучлар миқёсида ўтказилиб келинаётган «Энг илғор мутахассис» танловида иштирок этиб, «Энг илғор сержант» номинациясида фахрли ўринларни эгаллаб келяпти.

– Биринчи бор танловда қатнашганим билимим ва қобилиятимни синаш имконини берди, – дейди биз билан суҳбатда лавҳамиз қаҳрамони. – Бўш вақт топдим дегунча, қўлимга китоб олиб, билимимни янада мустаҳкамлашга ҳаракат қиламан. Айниқса «Қалқон» журнали ва «Ватанпарвар» газетасида турли мавзуда ёритилаётган янгиликларни, юртимизда ва Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга бағишланган мақолаларни мутолаа қилишни яхши кўраман.

2008 йилда Қуролли Кучлар миқёсида ўтказилган «Энг илғор мутахассис» танловида учинчи бор иштирок этган сержант «Энг илғор сержант» номинациясида фахрли биринчи ўрин соҳиби бўлди.

Ҳа, Қуролли Кучларимиз сафларида сержант Ҳамза Умматовдек ўз касбини севадиган, ҳурмат қиладиган ҳарбийларимиз қанчалик кўп бўлса, армиямиз мустаҳкам ва қудратли бўлиб бораверади.

**Катта сержант Баҳриддин ЛУТФУЛЛАЕВ.**

# АРМИЯ – ШКОЛА МУЖЕСТВА

## ГОРДОЕ СЛОВО – ЗАЩИТНИК РОДИНЫ

Защита Родины издревле считалась высокой и благородной задачей, важнейшей обязанностью гражданина страны. Приняв эстафету от своих далеких предков, мы и ныне считаем военную службу священным долгом и почетной обязанностью. А отважных и самоотверженных юношей, вступающих в Вооруженные Силы – цветом нации. И это правомерно, потому что надежная защита Родины сегодня, как никогда, требует людей политически зрелых, профессионально грамотных, мужественных и стойких, безгранично верных своей Отчизне и, конечно, мечтающих о подвиге во славу матери-Родины.

Да, юноша, уходящий на службу в Вооруженные Силы, мечтает о подвиге. Он уверен, что пройдет совсем немного времени и он, с едва скрываемой гордостью, сообщит своей матери, отцу или любимой девушке о том, что стал лидером в боевой учебе, научился «выкладываться» на занятиях, пересиливать себя в мелочах, стал спортсменом-разрядником, научился добросовестно и достойно нести службу. Чтобы жить полно, надо каждый день добиваться побед над собой. Тогда и подвиг во имя Родины будет вполне возможен.

Думаю, что в нашей стране едва ли найдется семья, в которой кто-то из ее членов не был бы связан с армией, с Вооруженными Силами, и потому в преддверии Дня защитников Родины и 17-летия Вооруженных Сил хочется сказать доброе слово о солдате, в целом **о солдатах, которые наряду с молодыми офицерами и сержантами, по образному выражению главы нашего государства, составляют костяк нашей армии.** И подчеркнуть: солдат – имя гордое и знаменитое, а его труд как никогда востребован обществом и государством.

Воинский труд солдата. Он достоин прославления в песнях, потому что на плечи солдата, военнослужащего ложится только ему посильная ноша – защита Родины, мира и спокойствия людей. Он – солдат нашей Отчизны, первым приходит на помощь оказавшимся в беде, пострадавшим от стихийных бедствий, помогает в уборке урожая, выступает как миротворец и как вооруженная сила государства. И самое главное – сегодня наш солдат в силу возложенных на него Конституцией страны высоких обязанностей нередко приобщен к решению стратегических задач. Именно он несет повышенную социальную ответственность за будущее страны, за безопасность Родины, за мир и спокойствие народа.

Все это ставит перед ним ряд важнейших как профессиональных, так и мировоззренческих задач, лежащих в русле главных проблем века: проблем обеспечения мира, стабильности и, если хотите, сохранения мировой цивилизации. Наш солдат прекрасно понимает насколько важны в сегодняшней обстановке в мире и регионе постоянная бдительность и высокая боевая готовность Вооруженных Сил, их способность сорвать любые сумасбродные планы вероятного противника, достойно ответить на любой вызов. Прекрасно понимает и другое, чтобы быть способным ответить на любой вызов надо быть профессионалом в самом высоком понимании этого слова, быть грамотным, самоотверженным, решительным и мужественным человеком, уметь тактически верно мыслить и эффективно действовать в любой ситуации.



Эти вопросы являются основными в жизнедеятельности Вооруженных Сил и делают образ жизни нашего солдата наполненным высоким нравственным и общественно значимым содержанием. Это подтверждается и задачами, которые поставлены перед Министерством обороны Указом Президента Республики Узбекистан «О мерах по совершенствованию условий прохождения гражданами срочной военной службы в Вооруженных Силах Республики Узбекистан». В нем, в частности, говорится, что Министерству обороны необходимо обеспечить:

**– качественное освоение военнослужащими в период прохождения срочной военной службы программ боевой подготовки, военных специальностей, а также широкое внедрение современных форм и методик обучения, основанных на информационных компьютерных технологиях;**

**– дальнейшее повышение эффективности системы духовно-нравственного и патриотического воспитания военнослужащих срочной военной службы, службы мобилизационного призывного резерва, направленной на их физическое и нравственное возмужание, формирование цельного характера, твердой жизненной позиции, основанной на любви к Родине и готовности встать на ее защиту.**

Эти задачи говорят о многом, о широте и глубине подготовки солдата, о его профессиональном совершенствовании и духовно-нравственном росте.

Надо всем нам не забывать, что служба в армии ограничена короткими, я подчеркиваю слово «короткими», временными рамками. И чтобы за это время изучить и овладеть практическими навыками применения современного оружия и сложнейшей боевой техники, новейшей аппаратурой, компьютерными и информационными технологиями, необходимы повседневный упорный труд, постоянное пополнение своих профессиональных знаний, широкий общественно-политический кругозор, высокая общая, правовая и техническая культура. Всем этим должен обладать солдат. А в силу того, что многие виды современного оружия – коллективные, чтобы оно было в любых условиях боя безотказным, солдат должен знать и уметь выполнять не только свои обязанности, но и обязанности своего сослуживца, а в случае необходимости быть готовым заменить и командира. Вот и получается неразрывная цепь, требующая от солдата очень многого – постоянного наращивания профессионального мастерства, расширения военных и общественно-политических знаний, овладения смежными профессиями и качественного решения всех учебно-боевых задач. Эта же «цепь» создает благоприятные условия для усиления товарищеской спайки, укрепления дружбы в воинском коллективе, усиления взаимопонимания, взаимной поддержки и взаимопомощи как между военнослужащими, так и между солдатом и командиром.

В системе общественно-политической подготовки солдат повышает свой образовательный уровень, расширяет политический кругозор, превращает полученные знания в глубокие личные убеждения, нормы поведения. К услугам военнослужащего солдатские службы, библиотеки, дома офицеров, Центральный Дом офицеров Вооруженных Сил, Центральный музей. В распоряжении солдата – творческие кружки, ансамбли, великолепная спортивная база. Все это служит делу формирования воина как личности, выработке у него высоких духовно-нравственных, психологических и физических качеств, необходимых защитнику Родины.

Не зря говорят: армия – школа жизни, школа мужества, школа патриотизма и школа воспитания. Все это так, и потому к такой школе нужно не только готовиться, но и уметь учиться в ней, памятуя о том, что она, помимо профессионального, воинского мастерства, усиливает, ускоряет, завершает процесс формирования личности, закрепляет ее общественно-политические, духовно-нравственные, этические и физические качества и является школой выбора жизненной профессии. Мужество, стойкость, ответственность, взаимовыручка, чувство долга, достоинство и честь становятся реальным достоянием молодого человека. И, что особенно важно и ценно для армии, у воина вырабатывается чувство высочайшей ответственности за порученное дело. А дело это особой государственной важности – безопасность Родины, мир и стабильность в нашем родном доме – Узбекистане, мирный труд и спокойствие наших граждан.

**Анфим ХЛЫЗОВ.**

Ҳарбий аёлларимиз

# ВАЗИФАНИ БУРЧ ДЕБ БИЛАДИ

**Саломатлик – бебаҳо бойлик, дейишади. Инсон саломат бўлса, ишида унум ва барака бўлади, қувонч ва шодлик доимо ҳамроҳлик қилади. Айниқса, ҳарбий хизматчиларнинг саломатлиги жанговар шайликда муҳим ўрин тутади. Чунки тинчлик ва осойишталикка қалқон бўлаётган ҳарбийлар соғ-саломат бўлса, сарҳадларимиз дахлсиз, тинчлигимиз барқарор бўлади. Шу боис қай бир ҳарбий қисмда бўлманг, посбонлар саломатлигига катта эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўламиз. Лавҳамиз қаҳрамони, тиббий хизмат оддий аскари Олтиной Абророва ҳам мана етти йилдирки, ўз вазифасини аъло даражада уддалаб, ҳарбийлар саломатлиги йўлида хизмат қилмоқда.**

Биз ҳарбийликдек машаққатли касбни танлаган аёллар ҳақида мақола ёзмоқчи эканлигимизни айтганимизда, тарбиячи офицер Зиёд Мамажонов тиббиёт пункти хизматчиси, малакали ҳамшира Олтиной Аброровани тавсия қилди.

– Эгнига ҳарбий либос кийиб, жанговар хизмат машаққатларини енгиб ўтаётган аёлларни кўрганимизда, уларнинг иродасига, шижоат ва қатъиятига қойил қоламиз, –деди у. – Олтиной Абророва ҳам ўз зиммасидаги масъулиятли вазифани шараф билан уддалаётганлардан бири. У ўз касбини севади. Ширинсўзлиги, очиққўнгиллиги билан шахсий таркиб орасида ўзининг муносиб ўрнини топган. Энг асосийси, ўз соҳасининг билимдонларидан...

Олтинойда ҳарбийликка қизиқиш Гулистон тиббиёт билим юртида ўқиб юрган чоғларидаёқ пайдо бўлган. Айтишади-ку, астойдил ҳаракат қилсанг кўзлаган мақсадингга албатта етасан, деб. Мана шу ҳаётий ақидага амал қилган қаҳрамонимизнинг орзуси рўёбга чиқиб, бугунги кунда тиббиёт пунктида санитар-йўриқчи вазифасида хизмат қилиб келмоқда.

– Ҳарбий либос кийиб юрган аёлларни кўрганимда, уларга жуда ҳавасим келарди. Ўшандаёқ, албатта ҳарбий бўламан, деб кўнглимдан ўтказганман, – дейди қаҳрамонимиз. – Ушбу истагимни ота-онамга айтган эдим, улар ҳам фикримни қўллаб-қувватлашди. Вақтнинг оқар сувлигини қаранг, мана, шунга ҳам етти йил бўлибди. Айни дамда ўтган кунларимни мулоҳаза қилиб кўраяпман-у, ўз касбимдан ғурур ҳиссини туяяпман. Мард, жасур ўғлонлар билан бир сафда Ватан осойишталигини асрашга ҳисса қўшаётганимдан беҳад мамнунман.



Тиббий хизмат оддий аскари Олтиной Абророва хизмат жойига келиши билан ишни аввало посбонларни тиббий кўрикдан ўтказишдан бошлайди. Аскарларга керакли маслаҳатлар беради. Уларнинг тозалик ва шахсий гигиенага риоя қилишларини назорат қилади.

– Тозаликка эътиборли бўлиш турли касалликларнинг олдини олишга ёрдам беради, – дейди у. – Шу боисдан ҳам посбонлар орасида тозаликнинг, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишнинг аҳамияти катта. Биз шифокорлар посбонлар соғлиғини сақлашни юксак масъулият, бурчимиз деб биламиз.

Гувоҳ бўлганингиздек, тиббиёт пунктида фаолият юритаётган ҳамшира доимо посбонлар соғлиги учун қайғуриб, уларга ўзининг беминнат ёрдами ва маслаҳатларини бериб келаяпти. Албатта, унинг ўз устида тинимсиз ишлаши, устозларининг бой тажрибасини мукаммал ўргангани бу йўлда қўл келмоқда.

**Гулнора ТУРСУНБОЕВА.**

# АЙЁМ ШУКУҲИ

## ОЛИЖАНОБ ТУЙҒУ ЭЗГУ ИШЛАРГА ЙЎЛЛАЙДИ

Ватан ҳимоячилари куни арафасида жойларда қизғин руҳда кечаётган тадбирларни кузатиб, ватанпарварликдек олижаноб туйғу бизни юрт иқболи, истиқболи йўлидаги эзгу ишларга руҳлантираётганидан қалбинг қувончга тўлади. Бу улкан туйғунинг буюк аждодларимиз бой мероси, донишманд кексаларимизнинг ибратли ўгитлари, гўзал миллий қадриятларимиз, бой тарихимиз, бир сўз билан айтганда, миллий истиқлол ғоялари билан янада шаклланаётгани эртанги кунга умид, ишончни янада мустаҳкамлайди.

Маълумки, мамлакатнинг ўз миллий хавфсизлигини таъминлашга тайёрлиги етарли даражада қудратли сиёсий,иқтисодий ва ҳарбий салоҳиятнинг мавжудлиги билан бир қаторда, шунга мувофиқ келадиган тегишли ҳуқуқий базанинг такомиллашиб бориши билан ҳам ўлчанади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан «Мудофаа тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Қонунларнинг қабул қилиниши ва амалиётга татбиқ қилиниши бунинг яққол ифодасидир. Ҳарбий хизматни ўташ тизимини такомиллаштиришга қаратилган ана шу меъёрий ҳужжатлар қаторида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йил 20 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини кўрсатиш лозим. Ушбу Фармон муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини яхшилаш, қўшинларнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги ва сафарбарлигини янада самарали ташкил қилиш каби устувор мақсадларга қаратилган.

Фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини такомиллаштириш борасида кўрилаётган бундайин чора-тадбирлар бугун Қуролли Кучларни чақирилувчилар билан тўлдиришни сифат жиҳатидан яхшилаш имконини бермоқда, уларнинг жисмоний ва интеллектуал ривожланиш даражаси жиддий равишда ошишига, аҳоли орасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори тубдан ўзгаришига сабаб бўлмоқда.

Миллий армиямиздаги ислоҳотлар янги бир босқичга кўтарилганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Аниқроқ қилиб айтганда, армиямиз халқимизнинг, миллатимизнинг минг йиллар давомида шаклланган асл қиёфаси, азалий қадриятлари ва хислатларини ўзида мужассам этиб, матонатнинг, садоқатнинг, демакки, ватанпарварликнинг мактабига айланмоқда. Шунинг учун ҳам ёшларимиз учун Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш юксак мақсадга, том маънодаги шон-шараф ишига айланмоқда.

Мустақиллик йилларида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида бўлгани каби ҳарбий хизмат, мудофаа ва хавфсизлик соҳасида ҳам улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир профессионал миллий армиянинг шаклланиши ҳар биримизга фахр ва ифтихор бағишлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 декабрдаги «Ватан ҳимоячилари кунига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида»ги Фармойишининг ижроси бўйича Хоразм вилоятида бир қанча ишлар амалга оширилди. Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши ва мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти фахрийлари иштирокида Урганч шаҳар кенгаши базасида тадбир бўлиб ўтди. Қолаверса, Урганч техника мактабида, ўқув муассасалари, маҳаллаларда Президентимизнинг «Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир», «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли рисолалари асосида маъруза ва суҳбатлар, шунингдек, спорт мусобақалари, фахрийлар билан учрашувлар ўтказиляпти. Ҳар бир сабоғимиз ёшларни ватанпарварлик, садоқат, эл-юрт олдидаги бурч ва мажбуриятни тўлақонли ҳис қилишга қаратилиши, келажагимиз давомчиларини шу руҳда тарбиялашимиз даркор. Вилоятда мавжуд 84 та ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида, 532 та умумтаълим мактабларида Фармойиш талабларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқилган режалар асосида кўлами кенг ишлар ва тадбирлар амалга оширилмоқда. Жойларда халқимизнинг жаҳонга машҳур сиймолари, буюк саркардаларимиз, миллий озодлик ҳаракати йўлбошчилари, уларнинг фидойиликларини тарғиб қилишга, садоқат, юртпарварлик туйғусига йўғрилган суҳбатлар, кечалар ўтказиляпти.


Шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, биз ўз куч ва қудратимизга таяниб, ота-боболаримизнинг асрий армонларини рўёбга чиқариш, ўзимиз истаган порлоқ келажакни қуриш, ҳеч кимга қарам ва тобе бўлмаслик учун, истиқлолимизни, эл-юртимизни ҳар қандай хавф-хатардан сақлаш учун, бизга



ёвуз ният билан кўз олайтирадиганларга муносиб зарба бериш учун миллий армиямизни ташкил этдик ва шакллантирмоқдамиз. Бугун баралла айта оламизки, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, сарҳадларимиз дахлсизлигининг мустаҳкам қалқони бўла оладиган, ҳар жиҳатдан қудратли, қурол-яроғ ва маҳорат бобида ҳеч кимдан кам бўлмаган Қуролли Кучларга эгамиз. Мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллигининг, кенг миқёсдаги демократик ўзгаришлар ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг, муқаддас заминимизда тинчлик ва осойишталикнинг ишончли кафолати бўлган Қуролли Кучларимиз билан ҳар қанча фахрланишимиз, ғурурланишимиз мумкин.

**Эгамберган КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати мудофаа ва хавфсизлик қўмитаси аъзоси,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони, Урганч автомобил ва йўллар коллежи директори.**

## ВАТАННИНГ БИР ЗАРРАСИ



Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нега одам туғилиб ўсган жойига ўхшайди? Шаклу шамойили, бўй-басти дейсизми, кўриниши, жуссаси, туси дейсизми, юриш-туриши, овози, таровати қуйиб қўйгандек ўз юртига монанд бўлади. Дунёнинг турли бурчакларида яшаётганлар ҳеч бири-бирига ўхшамайди. Кўз-қовоқлар бошқача, юз тузилиши, бурун-қулоқ бошқача...

Бу саволга жавоб битта: ҳар ким ўз Ватанининг фарзанди, унинг бир заррасидир.Зуваласи туғилган юрти тупроғидан олинган, қорилган. Шунинг учун ҳам биз Ватанни она деймиз, ота деймиз. Ҳар кимнинг уйи–Ватан, ҳар кимнинг куйи–Ватан. Туғилган қишлоғи–Ватан, туғилган маҳалласи–Ватан! Қўни-қўшни, қариндош-уруғ, ёру биродарнинг дийдори–Ватан! Аслида ҳам шу – Ватан она юрт дегани.

Ўзбекистон деган жаннатмонанд юрт бизнинг Ватанимиз. Биз қаерда бўлмайлик юриш-туришимиз, кўринишимиз, хатти-ҳаракатларимиз билан ўзга юрт одамларидан ажралиб турамиз. Сабаби аён: биз Ўзбекистонда туғилганмиз, Ўзбекистонда камол топганмиз, топяпмиз.

– Қаерликсиз? – деб сўрашса:

– Ўзбекистонликман! – деймиз ғурур билан.

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар биримиз Ватан ҳимоячиси ҳисобланамиз. Бу Асосий Қонунимизда ҳам ўз ифодасини топган. Мана, ўн етти йилдирки, 14 январни Ватан ҳимоячилари кунини умумхалқ байрами сифатида нишонлаб келяпмиз. Бу байрам менинг, сенинг, унинг, барчамизнинг байрамимиз. «Шу азиз Ватан – барчамизники» бўлгандан сўнг унинг ҳимоячиси ҳам барчамиз-да.

Мустақиллик йилларида ҳамма соҳаларда бўлганидек Қуролли Кучларимизда ҳам ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шуни ишонч билан айтиш мумкин: ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Бугунги кунда Ватан ҳимоячиси деган шарафли ва масъулиятли касбни эгаллаб офицер, сержант, аскар бўламан деганларнинг сони кундан-кунга ортиб бормоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 20 ноябрда «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони эълон қилинди. Мазкур муҳим ҳужжат муддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлик дастурларини, ҳарбий ихтисосларни сифатли ўзлаштириб олишини, шунингдек, ахборот-компьютер технологияларига асосланган таълимнинг замонавий шакл ва услубларини кенг жорий этишни, муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчиларни, сафарбарлик чақируви захираси хизматчиларини жисмоний ва маънавий камол топтириш, уларда Ватанга муҳаббат ва унинг ҳимоясига шай туриш руҳига асосланган мукаммал характерни, қатъий ҳаётий дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилган маънавий-ахлоқий ҳамда ватанпарварлик тарбияси тизимининг самарадорлигини янада оширишни таъминлашга қаратилгани билан улкан аҳамиятга эга.

Ҳа, аскарларнинг жанговар шайлиги янада оширилади. Демак, Ватан ҳимояси янада мустаҳкамланади.

– Ватан ҳимоячиси эканлигимдан беҳад мамнунман, – дейди Мудофаа вазирлигининг масъул ходими офицер Ваҳобжон Расулев.–Ватан тинчлигини сақлаш, унинг дахлсизлигини, озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш, бу йўлда ҳатто жонни ҳам аямаслик –олий бурч. Бу бурч Ватанимизнинг ҳар бир фуқаросига тегишли. Шу маънода 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни байрами фақат устига ҳарбий либос кийиб юрганларнинг эмас, ҳамманинг байрамидир. Ана шу қутлуғ байрам билан барчани муборакбод этаман.

– Бир неча чет мамлакатларда хизмат сафарида бўлганман, – дейди офицер Муҳаммаджон Шайимқулов. – Ҳар сафар ўзга юртларда самолётдан тушишим билан юрагим безовта бўла бошлайди. Дори ичиб кўраман, шаҳарларини томоша қиламан. Барибир безовталик мени тарк этмайди. Сафардан қайтиб, Ватаним тупроғига қадам қўйишим билан ўша безовталик ўз-ўзидан йўқолиб кетади. Ана шунда ҳар одам фақат ўз заминида, ўз юртида тинч, хотиржам яшашига амин бўлдим. Биз ким бўлишимиздан қатъи назар фақат ўз Ватанимизга тегишлимиз. Ватанимизнинг бир заррачасимиз. Томчи йиғилиб уммон бўлганидек, заррачалар йиғилиб тоғ бўлади. Ҳар биримиз Ўзбекистон деганда оёққа турсак, Ватанимиз ҳимояси тоғдек мустаҳкам бўлади.

Муҳаммаджон тўғри айтди: ҳар биримиз Ватанимизнинг бир заррасимиз – шаклу шамойилимиз, бўйи бастимиз ўзимизга хос, жуссамиз, кўринишимиз ўзимизга хос. Биз озод ва обод Ўзбекистон деган ҳур Ватанда фаровон яшаяпмиз. Бу кунларнинг қадрини баланд тутишимиз керак. Ватан ҳимоячисининг қуроли – сергаклик, ҳушёрлик, огоҳлик.

**Абдураззоқ ОБРЎЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

# ОИЛА ГУЛШАНИ

## ҲУРМАТ, ИШОНЧ ИЛА ҲАЁТ НУРАФШОН

Касбим сабаб кўплаб ҳарбий оилалар билан суҳбатлашиш, яқиндан танишишга муяссар бўлганман. Ҳар бир оиланинг ўзига хос яшаш тарзи, ўзига хос иқлими бўлиши сир эмас. Бироқ эр-хотин ўртасидаги доимий аҳиллик, рўзғор тўкинлиги ва ободлиги учун бирдек ҳаракат қилишнинг асосий сабаби ўзаро ишонч, бир-бирининг фикрини тушуниш ва ҳурмат қилиш эканлигини ҳис қилиб тураман. Бунинг асосини шубҳасизки меҳр ва муҳаббат ташкил этади.

Босиқ ва мулойим Нодирахон ва табиатан сўзамол, киришимлик Пардабой билан суҳбатимиз кўнгилли кечди. Ушбу жуфтлик билан уларнинг ҳаётидаги энг қувончли кунда, яъни шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Пардабой Тўйчиевга «Жасорат» медали топширилган кунларда суҳбатлашган эдим. Президентимиз Фармонига кўра Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги муносабати билан тақдим этилган бу юксак мукофот лавҳамиз қаҳрамонига Конституциямиз қабул қилинган байрам кунларида топширилди. Кўзларида қувонч порлаб турган ҳарбий оила бек ва бекасининг ўша онлардаги ҳаяжонини тушунса бўлади.

– Ҳарбий соҳада хизмат қилиб кўп нарсага эришдим, – дейди юксак унвон соҳиби фаолияти ҳақида сўз кетар экан. – Аввало севган касбида хизмат қилиш, ўрин топиш инсон учун катта бахт. Қолаверса, мустақил юртнинг муносиб ҳимоячиси бўлишдек шарафли ном ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Шу сабабли касбимнинг қай даражада масъулиятли эканлигини ҳар доим ҳис қилиб тураман. Давлатимиз томонидан хизматда эришган ҳар бир муваффақиятимизнинг эътироф этилиши эса, биз ҳарбий либос эгаларига нисбатан ҳурмат ва эътибор намунасидир. Менинг ҳам хизматим муносиб тақдирланиб Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги ва 15 йиллигида кўкрак нишонлари билан мукофотланган эдим. «Жасорат» медали эса мен учун катта совға бўлди. Бу эътибор оила аъзоларимга ҳам қувонч келтирди. Айниқса, ҳарбий соҳага меҳри баланд ўғилларимнинг фахрланишларини кўрсангиз эди. Турмуш ўртоғимнинг эса эришган ютуқларимда муносиб ҳиссаси бор. Чунки оилада тинчлик, аҳиллик бўлсагина, рўзғорда қут-барака, хизматимизда унум бўлади. Келгусида олдимга қўйган мақсадим юрт ишончини фидойилик ила оқлаш, доим Миллий армиямизга муносиб Ватан ҳимоячиси бўлиш.

Ҳарбий хизматчиларни спорт машғулотларисиз тасаввур этиш қийин. Негаки, ғайрат, шижоат, матонат талаб этадиган бу соҳа теран жисмоний тайёргарлик талаб этади. Пардабойни эса ҳарбий спортчи дейишга ҳақлимиз. У спортнинг бокс, кураш турлари билан доимий шуғулланиб, мусобақаларда иштирок этиб туради. Унинг оиладаги беклик масъулиятига тўхталадиган бўлсак, Нодирахоннинг турмуш ўртоғига боққандаги мамнун қиёфасидан муҳаббатни, оиладаги меҳр-оқибатни англаш қийин эмас. Чунки у севимли рафиқа, меҳрибон она. Ушбу хонадонда вояга етаётган уч ўғлон – Фарҳод, Фурқат, Мусурмонжонлар ота-онанинг орзу рўёби, келажак умиди. Ўзаро суҳбатлардан англаб етдимки, фарзандлар оталари изини босадиган, офицерлар сафини тўлдирадиган ўғлонлар бўлса ажабмас.



Буюк файласуфлардан бири «Рафиқаси билан муросага келолмаган одамни дўст тутма», деган экан. Нега деганда оиласини, аёлини бошқарадиган, тарбиялайдиган бу эркаклардир. Бу борада ҳарбий оила бекасининг фикри қандай?

– Аёл бахти фақат севган одамига турмушга чиқишда эмас. Балки, оила қурганидан сўнг умр йўлдошининг муҳаббатига сазовор бўлишдадир, – дейди Нодирахон бир оз тортинчоқлик билан. – Ҳарбий оилага муносиб бека бўлишим, рўзғорнинг пасту баланд томонларини эгаллашимда эса турмуш ўртоғимнинг ўрни катта. Ҳар қандай вазиятда бир-биримизни тўғри тушунишга ҳаракат қиламиз, ҳамма вақт уларга суяниб яшайман.

Ҳа, оилани асровчи сеҳрли боғлиқлик ҳам ўзаро ҳурмат ва ишончни асраш, умр йўлларида бир-бирига суяниб яшашдир. Мен бу бахтли жуфтлик тимсолида ҳаётнинг мана шу ҳақиқатини ҳис қилдим.

**Зулфия ЮНУСОВА,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ**
**суратга олган.**

# ЭЗГУ МАҚСАДНИ КЎЗЛАБ

**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий қисм ва муассасалар ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари билан ишлаш, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, улар орасида маънавий-ахлоқий, тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш бугунги куннинг энг асосий вазифаларидан. Хусусан, Доно Абдуллаева етакчилик қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмасида ҳам айнан ҳарбий оилаларни ижтимоий, ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг соғлиғи ва яшаш шароитларини янада яхшилаш борасида бир қатор самарали тадбирлар амалга оширилаяпти. Ушбу тадбирлар бўлинма томонидан белгилаб олинган махсус режа асосида олиб борилмоқда.**



Унга кўра, ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш, уларга ҳар томонлама кўмак, маслаҳат бериш, оилаларда келиб чиқадиган баъзи низоларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, оила аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ота-оналар ва уларнинг фарзандлари билан тарбиявий ишларни олиб бориш кенг йўлга қўйилган. Шу билан бирга, ҳарбий оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва шу орқали тиббий маданиятни ошириш мақсадида турли спорт тадбирларини ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

– Оила – жамиятнинг негизини ташкил қилади. Шу боисдан ҳам унда камол топаётган фарзандларнинг ҳар томонлама баркамол ва комил инсон бўлиб вояга етиши нафақат ота-онанинг, балки жамиятнинг ҳам ютуғи, – дейди биз билан суҳбатда қисм ҳарбий хизматчиларининг оила аъзолари билан ишлаш бўлими бошлиғи Доно Абдуллаева. – Бугун давлатимиз томонидан ёш оилаларга ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Биз ҳам ҳарбий шаҳарчада истиқомат қилаётган оилаларнинг яшаш шароитларини имкон қадар яхшилашга, уларга қулайлик яратишга интилаяпмиз.

Шаҳарчамизда яшаётган оилаларнинг аксарият қисмини ёш оилалар ташкил қилади. Шу боисдан ҳам уларнинг ўзларини тиклаб олишлари учун эътибор ва ғамхўрлик зарур. Ана шундай пайтда бундай оилаларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжини ўрганиб чиқиб, улардаги мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этишга ҳаракат қилаяпмиз. Ёш оналарга маслаҳатлар, йўл-йўриқлар берилади. Ҳозирда ҳарбий шаҳарчамизда яшаётган оилаларда барча шароитлар муҳайё. Аёллар ва болалар соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун тез-тез белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтказиб турилади. Ҳарбий оила фарзандларининг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун ҳам шароит яратганмиз.

Аёлларни иш билан таъминлаш масаласини ҳам ижобий ҳал этишга интилаяпмиз. Олий маълумотга эга бўлган аёлларимизни эса эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштираяпмиз. Бўлинмамиз томонидан бу ерда истиқомат қилаётган оилаларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун мунтазам равишда давра суҳбатлари ва кечалар ўтказиш анъанага айланган. Бу борада жорий йилда бажарилган ишлар таҳлили хусусида тўхталадиган бўлсак, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шу билан бирга улардаги миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизга бўлган ҳурмат ва муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида «Оилада тиббий маданиятни ошириш» дастури юзасидан тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, ҳар бир байрам ва улуғ саналарга бағишлаб албатта барча ҳарбий қисм ва муассасаларда турли маданий-маърифий тадбирлар, кўргазмалар, ижодий учрашувлар ўтказилмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир ҳаракатимиз ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ўртасида маънавий-маърифий, ахлоқий-тарбиявий ишларни такомиллаштириш, уларга керакли чоғда ижтимоий ёрдам ташкил этиш ҳамда ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жараёнларида фаол иштирок этишга қаратилган.

Ҳарбий шаҳарчада истиқомат қилаётган хонадонлардан биридамиз. Остонадан қадам қўйишимиз билан эшик ва деразаларга илинган бежирим пардаларга нигоҳимиз тушди. Ҳайратимизни кўрган Доно опа: – Бу пардаларни хонадон бекаларининг ўзлари тикишган, – дея изоҳ берди. – Боя айтиб ўтганимиздек, шаҳарчада истиқомат қилаётган бекаларнинг бўш вақтларини унумли ўтказишлари учун бичиш-тикиш тўгараклари очилган. Тўгаракка раҳбарлик қилаётган Нозигул Назарова ва Дилноза Ортиқовалар ҳам ҳарбий оила бекалари.

Ўзини Дилноза Ортиқова деб таништирган бу аёлни қўли гул тикувчи десак арзийди. Дилнозанинг турмуш ўртоғи шартнома бўйича хизмат сержанти Орзиқул Ортиқов мана бир неча йилдирки, ҳарбий соҳада хизмат қилмоқда. Дилноза Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежини тамомлаган. Шундай бўлса-да, тикувчиликни севимли машғулоти деб билади. Айни вақтда унинг тўгарагида бичиш-тикишни ўрганган аёллар ўзлари мустақил уст-бош, чойшаб ва пардалар тикиб, хонадонларини обод қилмоқда.

– Онам тикувчи бўлгани учун менда ҳам тикувчиликка қизиқиш ёшлигимда пайдо бўлган, – дейди биз билан суҳбатда Дилноза. – Бир неча йил ҳуқуқшунослик соҳасида фаолият юритдим. Турмушга чиқиб, фарзанд тарбияси билан банд бўлганимдан сўнг онамнинг касбини давом эттира бошладим. Бу ердаги аёлларнинг тикувчиликка бўлган қизиқишини кўриб, уларга ҳам тикиш сирларини ўргатишга киришдим. Энг биринчи шогирдларим қўшниларим бўлади. Аввалига тўгарак аъзолари уч-тўрт нафар бўлган бўлса, ҳозирда уларнинг сони ўндан ошиқ. Машғулотларни аёлларнинг бўш вақтларига қараб белгилаймиз.

Нозигул Назарова ҳам худди дугонаси каби эзгу ишга бош қўшганлардан. У шаҳарча аёлларига тикувчилик билан бир қаторда касаначилик сир-асрорларини ҳам ўргатмоқда.

– Аёл кишига ҳам қирқ ҳунар оз, – дейди у. – Ҳунарли аёл ҳар доим турмуш ўртоғининг энг яқин кўмакдоши бўлиб келган. Шаҳарчамизда истиқомат қилаётган аёлларнинг деярли ҳаммасида тикишга иштиёқ баланд. Буни машғулотлар давомида ҳам кўраман. Ўзим «Машҳура» бичиш-тикиш курсида таҳсил олганман. Энди эса курсда ўрганганларимни бу ердагиларга ўргатаяпман. Бундан жуда ҳам хурсандман.

Мана, ҳарбий шаҳарчада истиқомат қилаётган хонадон бекаларининг бўш вақтларида нима ишлар билан машғуллиги билан танишдик. Ҳа, аёл нафақат руҳият меъмори, балки йўқдан бор қилувчи ҳунарманд ҳамдир. Зеро, ҳунарли аёлнинг оиласи учун қилган ишлари ҳар доим ҳам бошқаларга ўрнак бўлиб қолади.

– Эндиликда шаҳарчада соч турмаклаш курсини ҳам очишни режалаштирганмиз, – дейди Доно Абдуллаева. – Биз ушбу тўгаракни ҳам бекаларнинг қизиқишларини инобатга олган ҳолда ташкил қилаяпмиз. Мақсадимиз, ҳарбий оилалар учун қулай шароит яратиш экан, бунда бекаларнинг қизиқиш ва истакларини ҳам ҳисобга олишимиз керак. Шундагина кўзлаган мақсадимизга етамиз.

Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш ушбу бўлим бошлиғидан аввало маънавий етуклик, ҳаракатчанлик ва эътиборлиликни талаб этади. Биз Доно опанинг сўзларини тинглаб, ишини кузатиб унинг ўз вазифасига муносиб эканлигига амин бўлдик.

Бир сўз билан айтганда, бўлинма томонидан амалга оширилаётган ибратли ишлар талайгина. Чунки улар шу орқали ҳарбий оилаларнинг турмуш тарзини, жамиятда тутган ўрнини мустаҳкамлаш учун замин яратишмоқда. Зеро, Ватанимизда ўз ҳаётини армия билан боғлаган инсонларнинг фидокорона хизмати юксак қадрланади. Шу боисдан ҳам ҳарбий хизматчиларнинг ҳаёти ва уларнинг турмуш шароитларини янада яхшилаш учун янги-янги имкониятлар яратилаяпти. Ҳарбий оилаларга бундай шарт-шароитларнинг яратилаётгани бу – давлатимизнинг Ватан ҳимоячиларига кўрсатаётган ғамхўрлигининг ёрқин ифодасидир. Буни сезиб туриш, ҳарбийларнинг жанговар руҳини кўтаради, уларни янги ютуқларга, муваффақиятларга чорлайди. Демакки, жанговар шайликни оширишга хизмат қилади.

**Гулнора ҲОЖИЕВА.**

# МАСЛАҲАТ

## КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ ВА МЕҲНАТНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

**Касб касалликларининг келиб чиқиш сабаблари, турлари, профилактикаси ҳақида маълумот берсангиз.**
**Кичик сержант Аброр ТУРСУНҚУЛОВ.**

Қуролли Кучларимиз шахсий таркибининг соғлиғини муҳофаза қилиш нафақат тиббиёт хизмати ходимларининг, балки турли бўғиндаги командирларнинг ҳам асосий вазифасидир. Маълумки, ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳарбий хизматчилар соғлиғига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга қарши тадбирлар тўплами ишлаб чиқилган. Шахсий таркиб соғлиғининг муҳофазаси ва жанговарлигини сақлаш меҳнат гигиенасининг асосий вазифасидир.

Меҳнат қилиш давомида инсон организмига таъсир кўрсатадиган, ишлаб чиқаришнинг салбий омиллари натижасида юзага келадиган ўзгаришлар касб касаллиги деб аталади.

Касб касалликлари ишлаб чиқаришда, иш жойларидаги ҳавонинг чангланиши, газ, шовқин ва тебранишлар таъсиридан ҳамда ҳаво ҳарорати, босими ва намлигининг ўзгариб туриши натижасида пайдо бўлади. Ишлаб чиқаришдаги салбий омилларнинг организмга узоқ муддат таъсир этиши оқибатида касб касаллигига чалиниш, иш қобилиятини вақтинча ёки бутунлай йўқотиш мумкин.

Ҳарбий хизматчиларнинг доимо соғлом бўлишлари ва жанговар қобилиятларини йўқотмасликларида шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш ҳам катта роль ўйнайди. Яъни тана ва қўлни тоза сақлаш, овқатланишдан олдин қўлни доимо совунлаб ювиш, иш ва яшаш жойини ҳамда ҳарбий либосларни озода тутиш, вақтида овқатланиш ҳамда хизмат ва дам олиш жараёнини тўғри ташкиллаштириш шахсий гигиенанинг асосий талаблари ҳисобланади.

Классификация бўйича ўткир ва сурункали касб касалликлари мавжуд бўлиб, ўткир касб касалликлари асосан кутилмаганда бошланиб, бир марталик салбий омил таъсирида, сурункали касб касалликлари эса ишлаб чиқариш жараёнида инсон организмига номақбул омилларнинг узоқ муддат давомида кам миқдордаги концентрациялар таъсирида келиб чиқиши мумкин.

Касб касалликлари клиник белгилари кўп вақтларда симптомларсиз кечади. Беморнинг иш жойи ва ишлаш шароитлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлгандагина касалликнинг касбга боғлиқлигини аниқлаш мумкин.

Айрим касб касалликлари алоҳида рентгенологик, функционал, гематологик ва биохимик ўзгаришлар каби аниқ симптомлар комплексига эга бўлади.

Шунингдек, тиббиёт муассасалари ходимлари ҳам касб касаллигини орттириб олиш бўйича юқори хавфли гуруҳга киради. Тиббиёт ходимларининг касалланиши ва профилактик тадбирларни тўғри ташкил қилиш мақсадида диагностик скрининг ўтказилганда турли даражадаги гемоконтакт гепатитлар билан касалланиш ҳолатлари аниқланган.

Бундан ташқари меҳнат нотўғри ташкил қилинган муассасаларда электромагнит нурланишлар, рентген, гамма нурлар, нейтрон ва протон нурланиш ҳамда юқори частотали тебранишларнинг систематик таъсири остида хизмат қилувчи хизматчиларда ҳам касб касалликлари кузатилади.

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)га аъзо ҳар бир мамлакат касб касалликларининг моҳиятига қараб уларнинг профилактикаси ва касалланганларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларини ишлаб чиқади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги Қарорига асосан республикамиз ҳудудида учрайдиган касб касалликлари рўйхати тузилган бўлиб, барча зарарли иш омиллари натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган касб касалликлари рўйхати кўрсатиб ўтилган. Ушбу касалликларга қуйидагилар киради:

– заҳарли кимёвий моддалар таъсирида пайдо бўладиган касалликлар;

– саноат аэрозоллари ва чанглари таъсирида пайдо бўладиган касалликлар;

– физик таъсирлар натижасида пайдо бўладиган касалликлар;

– алоҳида аъзолар ва тизимларнинг жисмоний зўриқиши ва толиқиши туфайли келиб чиққан касалликлар;

– биологик омиллар натижасида келиб чиқадиган касалликлар;

– кимёвий синтетик моддалар (шу жумладан пестицидлар), дори-дармонлар, вакциналар, биологик табиий моддалар, ўсимлик ва ҳайвонот чанглари таъсирида пайдо бўладиган аллергик касалликлар;

– иш жойида канцероген моддалар таъсирида пайдо бўладиган янги ўсимталар.

Халқаро меҳнат ташкилотининг баҳолашича, ҳозирги кунга келиб дунёда ҳар йили касб касалликлари ва ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар натижасида 2 млн. киши ҳалок бўлмоқда.

Ушбу салбий ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида шахсий таркиб орасида мунтазам тушунтириш ишлари олиб бориш, касб касаллигининг асл моҳиятини тушунтириш зарурдир.

Касб касалликларининг олдини олиш тадбирларидан кўзланган асосий мақсад, бу ноқулай иш шароитида хизмат қилувчи хизматчиларни чуқурлаштирилган даврий тиббий кўрикдан ўтказиб туриш, касалликка шубҳа қилинганларни эса зарарли омиллар билан боғлиқ бўлган ишдан вақтинчалик ёки батамом четлатиш, ҳамда бошқа лавозимга ўтказиш лозим. Бундан ташқари, шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш, иш ва дам олиш вақтларининг кетма-кетлигини аниқ белгилаб бериш зарурдир.

**Тиббий хизмат майори**
**Бахтиёр УМИРЗАҚОВ,**
**тиббий хизмат катта лейтенанти**
**Жамшид ҚУТЛИЕВ.**

Саломатлик сирлари

## ҚАНЧА ВАҚТ УХЛАШ КЕРАК?

Ушбу саволга аниқ жавобни замонавий фан ҳалигача аниқлай олган эмас. Ҳар хил фикрлар, тахминлар билдирилади. Аммо барча учун бирдек қўллаш мумкин бўлган қоиданинг ўзи йўққа ўхшайди. Бироқ ана шу мавзудаги тадқиқотлар олимлар учун ҳам, бошқалар учун ҳам қизиқарли эканлиги табиий. Японияда Нагон университети олимларининг фикрича, уйқу инсон саломатлигини, узоқ умр кўришини таъминлашда жуда катта аҳамиятга эгадир.

Бу борада изланишлар олиб борган тадқиқотчилар Японияниг 45 та туманидан 110 минг кишини жалб қилган ҳолда текширувлар ўтказишди. Улар олинган натижаларни қайта-қайта синчковлик билан ўрганишга киришдилар: уйқунинг касалликлар ёхуд ўлим билан боғлиқлик жиҳатлари нимада? Шу нарса маълум бўлдики, сутка мобайнида олти соатдан етти ярим соатгача ухлайдиганлар энг соғлом кишилар экан. Ўлим ҳодисаси бу тоифадаги кишиларда жуда кам учрайди. Сурункали равишда уйқусизлик дардига йўлиққанлар жиддий хавф-хатарга учрашлари аниқ. Кимки 4-5 соатдан кам ухласа, ўз умрининг 1,6 марта қисқаришига сабабчи бўлиши мумкин. Бу маълумотлар замирида азалий қонуният борлигини инкор эта олмаймиз: тўлақонли дам ололмаган кишининг танаси дармонсизланиши табиий ҳол. Тадқиқотларнинг яна бир ҳайратомуз жиҳати бор. Бу кўпчиликнинг тўйиб-тўйиб ва кўпроқ ухлаш керак, деган фикрига тамоман зиддир. Муттасил равишда суткасига 9-10 соат ухлаш умрни 1,7-1,9 баробар камайтиришга олиб келиши мумкин экан. Уйқуни яхши кўрувчилар ўртасидаги ўлим кўрсаткичининг юқорилиги сабабларини тушунтириш осон. Шуни назардан қочирмаслик керакки, узоқ ухловчиларнинг аксарияти соғлигида жиддий муаммоси бўлган кишилардир.

Кўпчилик олимларнинг тахминига қараганда эса, уйқунинг давомийлиги унчалик ҳам муҳим эмас. Уйқунинг қаерда, қандай ҳолатда бўлиши, демакки, сифати соғликка, жумладан, кишининг «ички биологик соати»га таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳар бир киши ўзининг наслий жиҳатдан шаклланган уйқуси ва тетиклик ритмига ҳам эга. (Бу ҳаммага таниш бўлган ҳолат – «сўфитўрғай» (тонгда уйғонувчи) ва «бойўғли» (кеч турувчи)нинг уйқусини эслатади). Ана шу ритмнинг бузилиши оқибатида тез-тез юрак-қон томирлари, асаб, эндокрин, умумий маънода дезинхроноз деб айтиш мумкин бўлган касалликлар келиб чиқади. Шуни билиш муҳимки, дезинхроноз соғлик учун хавфли бўлиб, у организмнинг қувватини кескин тушириб юборади, сурункали касалликларга дучор этади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиб айтиш мумкинки, сиз учун одат тусига кирган соғлом турмуш тарзидан ҳеч қачон чекинманг, уйқудаги жойингиз ўзгармагани маъқул, шунда сиз хотиржамгина чарчоғингизни чиқарасиз. Сизнинг қанча вақт ухлашингизни эса организмингиздаги эҳтиёж ҳал қилади. Танангиздаги «мен» сизга ҳамиша уйқу бобида сигнал бериб туради. Ҳар қалай меъёрида ухлаган яхши.

**С. ПЎЛАТОВ тайёрлади.**

Сўраган экансиз

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

**Нега ҳар йили айнан 14 январда Ватан ҳимоячилари кунини байрам қиламиз?**
**Бекзод ҚОСИМОВ, ўқувчи.**

1991 йилнинг 31 августида «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида» ги Қонун қабул қилиниб, бу муҳим ҳужжат ёш республикамизга ҳарбий сиёсатни амалга ошириш ҳуқуқини берди. Мазкур Қонун, «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги баёнот ўз Қуролли Кучларимизни тузишимиз учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатларга 1991 йилнинг 6 сентябридаги Мудофаа ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисидаги Фармон билан пойдевор қўйилди. Кейинчалик Президентимиз Фармонига мувофиқ Мудофаа ишлари вазирлиги Мудофаа вазирлигига айлантирилди.

1992 йилнинг 14 январида Республика Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида» ги қарори қабул қилиниши тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бунга кўра, мамлакатимиз ҳудудидаги ҳарбий қисм ва муассасалар республика тасарруфига олинди. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 29 декабрдаги Қонунига биноан 14 январь Ватан ҳимоячилари куни сифатида белгиланди.

## АРМИЯМИЗ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Миллий армиямизнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этадиган қандайин меъёрий ҳужжатлар бор?**
**Шерзод НОРБОЕВ, талаба.**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Олий Кенгашнинг 1992 йил 3 июлдаги ўн иккинчи чақириқ ўн учинчи сессиясида қабул қилинган «Мудофаа тўғрисида» (Олий Мажлиснинг 2001 йил 11 майдаги иккинчи чақириқ бешинчи сессиясида янги таҳрирда қабул қилинди), «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» (Олий Мажлиснинг 2002 йил 10 декабрдаги иккинчи чақириқ ўнинчи сессиясида янги таҳрирда қабул қилинди)ги қонунлар, Умумҳарбий низомлар асосида Қуролли Кучларимиз ҳуқуқий базаси яратилди.

Қолаверса, 1995 йил август ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий доктринаси (кейинчалик Мудофаа доктринаси деб қайта номланди) мамлакатимизнинг ҳарбий соҳадаги сиёсатини белгилаб берди.

**Ш. ТОЛМАСОВ тайёрлади.**

# ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

## БЕШ КУНЛИК ОБРЎ

Латифхўжа ака қишлоқ аҳли ўртасида калондимоғлиги, мансабпарастлиги билан донг таратган эди. Дадам у ҳақда сўз очилса, «иймонини пулга сотганлардан», дея «таъриф» берарди. Ҳали ёш бола бўлганимиз учунми, бу гапнинг маънисига унчалик тушунмаган эканмиз. Аммо у кишини кўрганда, мешдай қорнию, доим қип-қизил бўлиб турадиган юзига ҳам ҳайрат, ҳам яширин бир ҳадик билан тикилардик. Мана шу кўриниш унинг жисми исмига монанд эмаслигини ошкора намойиш қилиб турарди...

У узоқ вақт қурилиш трести бошлиғи бўлиб ишлади. Мансаб пиллапоясидан кўтарилгани сайин қишлоқда бўладиган тўй-маракаларга қўшилмай қўйди. Ўзи тўй қилса, яқин-атрофдаги бир-икки қўшнидан ташқари ҳеч кимни тўйга чақирмасди ҳам. Фарзандлари ҳам отасидан андоза олиб, бошқаларни оёқ учида кўрсатадиган, камситадиган бўлишди. Тагларида қўша-қўша машиналар, данғиллама уй-жойлар. Ҳар кимнинг ҳаваси келадиган шароитда улғайишди улар. Аммо бу беш кунлик дунёда кишидан қоладигани яхши амаллару эзгу ишлар эканлигидан бехабар эди, бу бандаи ожизлар. Латифхўжа ака синов дунёсида бойлик ҳам, мансаб ҳам бир-кунмас бир кун қўлдан кетишини ўйламасди. Аксинча, мансаб одамнинг кўнглига бойлик қутқусини солади, деганларидек, янаям кўп бойлик тўплашга берилди. Порахўрлик қилиб, бошқаларнинг ҳожатини чиқарадиган бўлди. Натижада эса бор мол-мулкидан, ишидан айрилди. Энг ачинарлиси, узоқ йиллик умрини панжара ортида ўтказишига тўғри келди.

...Вақт пешин бўлиб қолган. Чилла қуёши борлиқни қиздиради. Бекатда улов кутиб турган Латифхўжа акага кўзим тушди. Қориндор гавдасини айтмаганда олдинги виқору савлатдан асар ҳам қолмабди. Кийимлари ҳам юпунгина. Ҳаво иссиқ бўлгани учун қизариб, бўғриқиб кетган, дастрўмоли билан тинимсиз артинар, буклоғли газета билан бетоқат бўлиб елпинарди. Анча вақтгача кузатиб турдим. У бекатда узоқ туриб қолди. Автобус келарди, чиқмасди. Гўё тиқилинч автобусда семиз гавдаси эзилиб қоладигандек. Яна анча вақт ўтди. Бир пайт оқ рангли «Матиз» «ғийқ» этиб нарироқда тўхтади. Таниши бўлса керак, бекатга эндигина келган болалик аёл хурсанд бўлиб машина томон юрди. Бироқ ундан олдин Латифхўжа ака ичкарига ўзини урди. Аёлнинг жаҳли чиқиб нари кетди. Ҳайдовчи ҳам бир хўмрайдию «Ҳа майли, пулини оларман» дегандай ўтиришига қаршилик қилмади.

Машина жойидан жилди... Унинг аҳволини кўриб хаёлга чўмдим. Ким эди-ю, ким бўлди. Вақтида давлат машинасида юриб даврон сурган эди. Одамларга креслога ястанганча буйруқ берарди, йўловчи машинада юришни ўзига ор деб биларди. Бир кун келиб, оддий одамлар қаторига қўшилишини хаёлига ҳам келтирмасди. Давранинг тўри уникийди. Амал қурсин, эски чопон экан. Бугун у кийса, эртага бошқаси илиб кетади. У шўрлик эса ёпинчиқсиз қолаверади. Латифхўжа ака ҳам шу аҳволга тушди. Мансаб билан қўшилиб машина кетди. Бисотида қолган бор бойлигини ҳам бебош болалари кўкка совуришди. Агар у бошқалар каби ҳурматга ҳурмат билан жавоб берганда, яхши фазилатлар соҳиби бўлганида ҳаёти ҳам бошқача бўларди. Чунки бойлик, нафс ҳеч кимга вафо қилмаган. Ҳар гал шулар ҳақида ўйлар эканман, бир воқеа ёдимга тушади. Ривоят қилишларича, қадим замонда тоғда бир овчи яшаган экан. У ҳар куни Арслонбоб тоғидаги ёнғоқзорларда ов қилиб кун ўтказаркан. Бир куни овчи найза ва камонини елкасига осиб ёнғоқзорга келибди. Ўтлоқлар орасига бир нечта тузоқ ҳам қўйган экан. Бориб улардан хабар олибди. Баҳайбат дарахтларнинг қуюқ шохлари тоғ шамолида денгиздай шовуллайди. Ўрмонга ошён қурган минг-минглаб қушлар тинмай вижирлайди. Овчи тузоқлардан бирига борди-ю, олтин рангли бир қуш илинганини кўриб, севиниб кетди. Уни қўлига олиб, томоша қилибди. Во дариғ! Шунақаям ажойиб қуш бўладими?! Агар бозорга олиб чиқиб сотсами, бу ноёб қуш бир дунё пул бўлади. Ўз режасидан хурсанд бўлиб, митти қушни халтасига сола бошлабди. Шу пайт у тилга кириб:

– Эй, одамзод! Ёмон ниятингдан қайт! Сезиб турибман, мени сотиб пул қилмоқчисан. Менга раҳминг келсин. Ошёнимда болаларим кутиб турибди. Яхшиси, мени қўйиб юбор, эвазига сирли бир гап айтаман. Бу гапим сенга бойлик келтиради, – дебди.

Бойликни эшитиб, овчининг кўзлари ўйнаб кетибди ва: – қанақа сирли гап экан? Тезроқ айт! – дебди ҳайратдан ёқа ушлаб.

– Аввал қўйиб юбор! – ёлворибди қуш.

Овчи қушни қўйиб юборибди. У эса «пир» этиб учиб, дарахт шохига қўнибди ва овчига қараб шундай дебди.

– Эй одам, лақма экансан! Мени бекорга қўйиб юбординг. Агар сўйиб қорнимни ёрганингда товуқнинг тухумидай олмосга эга бўлардинг!

– А?! Товуқнинг тухумидек олмос?! – Овчи шошиб қушни нишонга олибди. Яраланган қуш тап этиб ерга тушибди. Овчи оёғи тагига тушган қушни қўлига олганида қуш яна тилга кирибди.

– Эй, нодон инсон, – дебди у. – Бойликнинг қутқуси кишининг кўзини кўр қилиб қўяди, деб бежиз айтишмас экан. Сен ҳам ҳозир шу аҳволга тушдинг. Нафсга берилиб, ақлинг билан ҳисоблашмадинг ҳам. Лекин адашаяпсан. Бирон ишни қилишдан олдин мулоҳаза қилсанг бўларди. Ўйланмай қилинган иш наҳот ташвиш келтиришини билмасанг?! Ахир мен миттигина қуш бўлсам. Тухумдай олмос қорнимга сиғмаслигига ақлинг етмадими? Билиб қўй, мен ўлмайдиган қушман. Отдинг, мана кўриб турибсан, ўлганим йўқ. Сирли гапни энди айтаман, қўйиб юбор!

Овчи беихтиёр кафтларини ёзиб қушни қўйиб юборибди. Читтак бояги шохга қўнибди-да:


– Эй одам! Сенга гапим шу – балойи нафсга берилма! Етти ўлчаб бир кес. Чунки бойлик ҳеч қачон ҳаловат олиб келмайди. Шуни доимо ёдингда тут, – дебди-ю, учиб кетибди.

Қиссадан ҳисса шуки, нафс балоси инсонни ҳар кўйга солади. Фақат ақл билан унинг тузоғидан қутулиб қолиш мумкин.

**Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.**

# МУҲАББАТДАН ЯРАЛГАН ОЛАМ

Уларнинг болалик уйлари бир-бирига кўриниб турар эди. Салималарнинг ҳовлиси сал қуйироқда, Бакирларники эса адирнинг юқорироғида эди. Болалик шўхликлари ортда қолиб, дунё бошқа рангларда кўрина бошлаган лаҳзаларда нигоҳларда ёшликнинг энг беғубор ҳислари акс эта бошлади. Сочлари этагини ўпадиган, бир гапириб ўн куладиган, қувноқ Салимани узоқдан кузатиш Бакир учун жуда ёқимли ҳол эди. Бу ҳолат қиз учун ҳам бегона эмасди. У ҳовлида, боғда бирор юмуш билан банд бўлиб юрганида ҳам юқори ҳовли томондан ўзини кузатаётган ўткир нигоҳларни қалб кўзи билан кўра оларди.



Бу тотли лаҳзаларнинг ўтиб кетганига ҳам анча йиллар бўлди. Наҳотки, ўша телба ошиқ Бакир эди? Шаҳар ҳаётига кўника олмадимикан? Мен қаерда хато қилдим? Бу саволларни Салима ўз-ўзига ҳар куни неча бор беради. Ўйлаб ўйига ета олмайди. У қувноқ ёш жувондан кўзлари бир нуқтага узоқ тикилиб қоладиган, ўзини одамлардан олиб қочадиган, одамови аёлга айланиб қолганини сезмай ҳам қолди. Болаларининг каттаси етти , кичиги уч ёш. Бакирнинг аҳволи иккинчи фарзанди туғилибди ҳамки ўнгланмади. Йўқ, бу кетишда бўлмайди. Аёл қатъий бир қарорга келди...

Улар ажрашиб кетдилар. Тинчгина яшардилар-ку, деб ажабланганлар кўп бўлди. Бу «тинчлик» эрта қартайган аёлнинг юз-кўзларида, ҳеч ким кўришга қодир бўлмаган нозиккина қалбида ўчмас изларини қолдирди.

Ҳаёт кутилмаган тасодифларга тўла. Яқинда кўрганим ота-болаларнинг шод-хуррам қиёфалари мени ҳам қувонтирган бўлса, ҳам таажжубга солди. Улар билан саломлашиб турганимда Бакирнинг аёли Салима келиб қолди. Аввалги паришон, асабий ҳолатидан асар ҳам йўқ. Юз-кўзида, ҳаракатларида мулойимлик, хотиржамлик акс этиб турибди. Йўлимиз бир экан, гаплашиб кетдик. У ҳайронлигимни бир қарашдаёқ сезган экан. Йўл-йўлакай бўлиб ўтган воқеаларни қисқагина қилиб айтиб берди.

Ичиб, кўча-кўйда ағанаб ётадиган Бакирнинг олдига болалари тез-тез келиб туришарди. Аслида у ювош табиатли, бировдан ёрдамини аямайдиган, болаларига меҳрибон киши. Ароқ даҳшатли нарса-да, одамни не кўйларга солмайди. Бадмаст оталари атрофида гирдикапалак бўлиб ётган болаларини ойиси мажбурлаб етаклаб кетарди. Бу ҳолат ҳар қандай киши қалбини ларзага солади. Улар барибир оталарининг олдига қочиб келардилар. Унинг келишини эшик тагида пойлаб турардилар. Судралиб, зўрға келаётган оталарига қараб югуришларини кўрсангиз эди. «Ҳар кимники ўзига» деб шунга айтсалар керак-да. Отанинг аҳволига қараб бўлмасди. Кийимлари осилган, кир-чир, иркит бир кимсага айланиб бўлганди.

Худди шундай кунларнинг бирида болаларини қидириб келган аёл кўчада бир-бирини суйишиб турган ота-болаларнинг қаршисидан чиқди. Кичик ўғлининг қўлидан тутган ойисига каттаси ялинди:

– Ойижон, дадамни ўрниларига ётқизиб чиқайлик.

– Ўзи бемалол бориб ёта олади, сен ташвишини қилма, – деди зўрға ғазабини босиб Салима.

– Йўқ, йўқ, ўзлари коридорда ётиб қоладилар, коридор совуқ, касал бўлиб қоладилар, – деб дадасига интилди болакай.

Аёл боласига ён бераркан, эрига нафратини яшира олмади:

– Кошки сиз шу норасидаларнинг меҳрига арзисангиз?!

Ҳаяллаб қолган ўғлининг орқасидан чиққан Салима уй ўртасида ҳўнграб йиғлаганча боласини бағрига босиб турган Бакирнинг қучоғидан ўғлини секин тортиб олди. Болакай беш-олти қадам юрар-юрмас орқасига ўгирилганча деди:

– Дадажон, йиғламанг, биз яна келамиз...

Айнан шу куни Бакир биринчи марта уйига ҳушёр қайтганди. Ота-онасининг панду насиҳатлари, ёр-дўстларининг инсофга чақиришларига қарамай оиласининг барбод бўлишига сабаб бўлган ичкиликдан ўзини тиёлмай юрган йигит бирданига ўзгарди. Болаларининг чексиз меҳри гўё мўъжиза яратган эди. Бундай мўъжизага қараб муборак ҳадисларимиз ҳақиқатига яна бир бора тан берасиз. «Бир-бирингизга бўлган муҳаббатингизни ошкора айтинг, зеро Аллоҳ муҳаббатли бандаларини севгувчидир».

**Назокат НОДИРШОҲОВА.**

# ФАН-ТЕХНИКА

## НАНОМАЙСА – СОЧ ТОЛАСИДАН ҚАНЧА ИНГИЧКА

**«Ватанпарвар» газетаси саҳифаларида профессор Мансурхон Тоировнинг нанотехнологиялар борасидаги туркум мақолаларини синчиклаб ўқиб чиқдим. Мазкур қизиқ ва долзарб мавзу юзасидан ўзимда ҳам фикр-мулоҳазалар туғилди. Шу сабабли уларни сиз муштарийлар билан баҳам кўришга қарор қилдим.**

Сўнгги йилларда нанотехнологиялар янги-янги соҳаларни қамраб олмоқда. Айтиш мумкинки, бугунги кунда наноиндустрия фан ва техника тараққиётини навбатдаги босқичга олиб чиқди ва бунинг аҳамиятини ўтган асрнинг 50-йиллари бошида ярим ўтказгичларнинг амалга татбиқ этилишига қиёслаш мумкин.

Дастлаб олимлар тажрибалар давомида атомлардан ҳар хил ёзувлар ва шакллар яратишга эришишди. Кейинчалик нанотехника аниқ мақсадга мўлжалланган конструкция ва механизмлар (нанороботлар) яратиш билан шуғуллана бошлади. Шу аснода инсон сочидан бир неча минг марта кичик бўлган нанотрубкалар (нанонайчалар ёки наноқувурчалар) пайдо бўлди ва улардан нанодвигателлар ва шунга ўхшаш механизмлар яратила бошланди.

Нанотехнология аста-секин ҳамма соҳаларга кириб борди ва кейинги пайтлар нанотехнологиялар деб кўпликда айтила бошланди.

Наногенераторлар яратила бошланганидан сўнг уни тиббиётда қўллаш истиқболи пайдо бўлди. Яқин келажакда «нанороботврачлар» инсон организмига киритилиб, ундаги турли касалликларни даволаш, вируслар билан курашиш ва аъзоларни яшартиришда хизмат қилади.

Яна бир диққатга сазовор янгилик – бу «наногазон» ёки «наномайса»нинг яратилиши. Янгилик муаллифларининг таъкидлашича, йўғонлиги 200–300 нм (соч толасидан минг баробар ингичка) бўлган кремний таёқчаларидан иборат «майса»нинг устига суюқлик томизилса, томчи оқиб кетмайди, балки шарсимон шаклда тураверади. Томчини «майса» сирти бўйлаб хоҳлаган йўналишда думалатиш мумкин. бундай ажойиб хусусиятга эга бўлган ушбу материал кўплаб кимёвий лабораториялар ишини енгиллаштириши мумкин. Айтайлик, «наномайса»га бемор қонини томизиб олиб, уни тўлиқ ва аниқ биохимик анализ қилиш мумкин. Бундан ташқари «наномайса»дан аккумулятор батареялари хизмат муддатини оширишда, микропроцессорларни совутишда ва бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Нанотехнология олдида инсон гени устида изланиш олиб боришда фойдаланиш истиқболи ҳам турибди. Таниқли Белл лабораторияларида ДНК жуфтининг кетма-кетлигини ҳисоблашда нанотехнология имкониятлари ўрганиляпти ва ҳозирча яхши натижаларга эришилмоқда.


Буюк Британия соғлиқни сақлаш вазири Бэн Брэдшоу вазирлик расмий сайтида мамлакат тиббий муассасалари каталогини яратишдек қизиқ ташаббус билан чиқди.

Вазирнинг таъкидлашича, сайтга кирувчилар интернетдан қаерда, қанақа даволаш муассасаси фаолият кўрсатаётганини билиш, қолаверса қайси шифокорга мурожаат қилиш имкониятига эга бўлмоғи лозим.

«Одамлар Интернет орқали бошқаларнинг ҳам фикрлари билан танишиб, қайси шифокорга маслаҳатга бориш, қайсига бормаслик кераклигини билиб олишади», деди вазир ўз интервьюсида.

Шуни ҳам айтиш лозимки, тиббиёт тизими ҳақидаги салбий фикрлар ҳам сайтдан олиб ташланмайди.

## «GEO EYE-1» СУНЪИЙ ЙЎЛДОШИ



«GeoEye-1» сунъий йўлдошининг эсплуатация муддати бошланиши ҳақида хабарлар йўқлиги билвосита унинг шу йил охиригача амалга ошмаслигидан далолат.

«GeoEye-1» компанияси вакилининг баёнот беришича, дастурлардаги носозликлар эксплуатацияни кечиктираётган экан. Таъкидланишича, муаммони ҳал қилиш мумкин, демакки сунъий йўлдошнинг тўла қувват билан ишга тушиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Аслида 2008 йилнинг декабрида мазкур муаммо ҳал қилиниши кўзда тутилганди. Бироқ орадан шунча вақт ўтсада, масала ечими мавҳум ҳолатда.

Мазкур космик аппарат 2008 йилнинг 6 сентябрида АҚШ ҳарбий базасидан учирилган бўлиб, унинг баҳоси 500 миллион доллардан кўпдир.

Айтиш жоизки, сунъий йўлдошдан тижорат мақсадларида ҳам фойдаланиш кўзда тутилган.

## САФИННИНГ САРГУЗАШТИ



Таниқли россиялик теннисчи Марат Сафин Австралиядаги турнирда кортга кўз ости кўкарган ҳолда чиққани ҳақида BBC маълумот тарқатган.

Мазкур мусобақада Хопман кубогини қўлга киритган теннисчи бу ҳолатга шундайин изоҳ берган: «Москвада кўнгилсиз ҳодисага учрадим».

«Дастлаб унинг нега кеч келгани, бунинг устига мусобақани бир кун кеч бошламоқчи бўлаётганини тушунмадим. Кейин эса сабабини англаб етдим», дейди турнир ташкилотчиси Пол Макнами.

Қизиғи шундаки, Интернет сайтидаги хабарнинг сарлавҳасидаёқ теннисчининг Москвада муштлашгани ҳақида маълумот тарқатилган.

## ПЛЕЙЕР ҲАЁТИНИ САҚЛАДИ




Швейцариялик қутқарувчилар Альп тоғи курортида адашиб қолган икки нафар ёш французни қутқаришди.

«Ipod» дея номланувчи плейернинг экранидан таралиб турган нур қор остида қолганларнинг жонига оро кирди.

Қутқарилган заҳотиёқ ҳар иккиси музлаш ташҳиси билан касалхонага жўнатилди. The Daily Mirror газетасининг ёзишича, ҳозирда улар ҳаёти ва саломатликларига ҳеч нарса дахл қилмаяпти.

Маълум бўлишича, адашганлар Савоьин курортидан йўлбошловчисиз саёҳатга отланган. Қайтиш йўлини эса йўқотиб, тоғнинг икки минг метр баландлигида қолиб кетишган. 15 градус совуқда мобиль телефоннинг қуввати ҳам фақат рақамлар теришгагина етган.

Буни қарангки, жабрланувчилардан бирида mp3 форматидаги плейер бор экан. Ундан таралган нур эса қутқарувчилар эътиборини тортган.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

## МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



### Обстрелы с территории Ливана

Израиль подвергся ракетному обстрелу с территории Ливана: близ города Нагария прогремело несколько взрывов. Пресс-службы Армии обороны Израиля и полиции подтверждают факт ракетного обстрела с ливанской территории, передает NEWSru Israel. По данным радиостанции «Решет Бэт», в районе Нагарии и Кабри разорвались не менее четырех «катюш». Несколько израильтян получили легкие ранения.



### «Новогодний оптимизм» иссяк

Сильным падением главных индексов завершили свою работу ведущие фондовые рынки Евросоюза. Тем самым с бирж исчез оптимизм по поводу перспектив мировой экономики в новом году, который царил на них шесть предыдущих сессий подряд, сообщает ИТАР–ТАСС. Лидерами падения стали акции автостроительных, горнодобывающих и энергетических компаний.



### Самый дорогой город

Столица Анголы – Луанда – признана самым дорогим городом в мире. Жизнь там никогда не считалась дешевой, однако совсем недавно ангольская столица обошла Токио, говорится в исследовании, опубликованном лондонской консалтинговой компанией «ECA International». Данные приведены по 270 городам планеты.



### Под юбилей – новая эмблема

В 2009 году французская автокомпания «Citroen» празднует 90 лет существования марки. По такому поводу руководство концерна планирует официально представить вместе с новой моделью еще и новую эмблему. Как передает AutoExpress, первым автомобилем 2009 года с новой эмблемой станет компактный минивэн «C3 Picasso», чья премьера прошла в рамках Парижского автосалона осенью 2008 года.



### Пляж с кондиционером

В Объединенных Арабских Эмиратах проектируется отель, в котором сервис достигнет фантастического уровня. Отдыхающие будут нежиться на пляже, обдуваемом кондиционерами. Еще только запланированный к постройке в Дубае отель Palazzo Versace начинает удивлять будущих клиентов предполагаемым сервисом. Уникальный пляж должен стать незаменимой частью 12-этажного отеля класса люкс, постройка которого обойдется в 609 миллионов долларов и закончится лишь через год с лишним.



### Претендентов – 281

281 картина претендует на получение престижной премии «Оскар» в категории «лучший фильм» по итогам 2008 года. Основной особенностью нынешней гонки за «Оскарами» является отсутствие явных фаворитов. Аналитики предсказывают «максимально открытое соревнование» в борьбе за золотыми статуэтками, передает ИТАР–ТАСС.

(www.NEWSru.com).

# ВАЗИЯТ

## МАЪДУЛЛАНИНГ ЖАСОРАТИ

**Шундай инсонлар бўладики, яшаб ўтган ҳаёти билан ўзгаларга бир умрга ибрат бўлади. Яна шундайлар борки, жонини хатарга қўйиб бўлса-да, эл-юрт, инсонлар тинчлиги учун курашадилар ва халқнинг олқиши, дуоси ва эҳтиромига сазовор бўлишади. Замондошимиз Маъдулла Нормуродов билан содир бўлган ҳодисани ўрганар эканмиз, унинг ана шундай халқ меҳрини қозонган, эл корига камарбаста бўлишни одат қилган инсонлардан эканига амин бўлдик.**

### ЁЗ ЁМҒИРИ

Қашқадарёда 1998 йилнинг июль-август ойлари олдинги йилларга нисбатан анча иссиқ келди. Шоҳимардон воқеасидан ропа-роса бир ой ўтиб, яъни 1998 йилнинг 8 август куни Яккабоғ туманининг тоғли ҳудудлари тепасида тўсатдан пайдо бўлган булутлар тўдаси кучли ёмғир ёғишидан дарак бериши саратонда ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаганди. Кундуз соат 15-16 лар атрофида кучли ёмғир шаррос қуйди, кейин дўлга айланиб, унинг қалинлиги 30-40 сантиметрни ташкил этди.

Маъдулла Нормуродов тоғда ўтлаётган йилқилардан хабар олгани келганида осмон тип-тиниқ, бегубор эди. Тушдан кейин Эшакмайдон тепалиги томонидан ёпирилиб келаётган улкан булутлар галасига кўзи тушди. «Бу қора булутлар бир балони бошламаса-я» – дея кўнглидан ўтказди Маъдулла. Жала қуймасдан олдин бу ерни тарк этмоқчи бўлиб, отига қамчи урди. Бир чақирим нари-берисида пастликка томон энмасдан ёмғир томчилай бошлаган эса-да, у юришда давом этаверди. Еру кўкни ларзага келтириб, момақалдироқ гумбурлаб, чақмоқ чақди. Орадан кўп ўтмай ёмғир тинимсиз ёғиб, шиддатли тус олди. Бора-бора жалага, жала дўлга айланди. Қишлоқ аҳлининг айтишича, дўлнинг катталиги худди какликнинг тухумидай бўлган.

### ОТ ФАЛОКАТНИ СЕЗДИ

Маъдулла ўзини улкан арчанинг панасига олиб, дўл тўхташини кутишга мажбур бўлди. Шиддат билан ёғаётган дўл зарбидан дарахтларнинг шохлари ҳам синиб тушарди. Бу ҳол Маъдулланинг кўнглига ғулғула солди. Жонивор от ҳам буни сезгандек, ҳадеб пастликка тушишга интилар, устма-уст кишнаб, тинмай ер тепинар ва юганини узгудек бўлиб қишлоқ томон талпинарди. Орадан ярим соатча чамаси вақт ўтиб, дўл тина бошлади ва зум ўтмай қуёш чарақлаб чиқди. Ҳадемай тизза бўйи ёққан дўл қуёш нурининг иссиқ тафтига дош беролмай, эриб сувга айланди. Дара узра тўлиб оқаётган сел ҳайқириб, пастлик томон оқа бошлади. Буни кўрган Маъдулла бирор фалокат рўй беришини сезиб, отини қистаганча қишлоғи томон йўналди. У йўл-йўлакай пастга энаркан, бундан етти йил илгари кучли кўчки рўй бериб, икки дарани сунъий равишда туташтирган манзилга етиб келганида даҳшатли манзарага кўзи тушди. Бу ерда жуда катта ҳажмда сув тўпланиб улгурганди. Йиғилиб қолган сув дастлаб сунъий тўсиқдан ошиб ўта бошлади. Ана-мана дегунча кўчкидан ҳосил бўлган омонат тўсиқ ўрнидан силжиди...

Шу заҳоти йилқибоқар Маъдулла отига қамчи босди. Жонивор ҳам буни сезгандай елдай учди. Улар қишлоққа селдан олдин етиб келиб, аҳолини бу хавф-хатардан огоҳ этдилар.

Бундай мудҳиш манзаранинг гувоҳи бўлган Гулдара қишлоғилик Нишон Исматов шундай ҳикоя қилади:

– Умримда селнинг шовқинини эшитмаган эдим. Тоғ томондан ажабтовур ваҳимали шовқин келди. Аввалига самолёт ёки вертолёт дара устидан учиб ўтаётгандир, дея ўйладик. У ёқ, бу ёққа қарадик, ҳеч нарса учмаяпти-ю, бироқ ваҳимали сурон кучайгандан кучаярди. Шундоққина Гулдарасой бўйлаб от чоптириб келаётган йигитга кўзимиз тушди. У овозининг борича: «Қочинглар-ов, сел келяпти, сел...» – деганидан сўнггина бояги ваҳимали товуш ҳарсанг тош аралаш оқиб келаётган сел-бўтаниики эканини пайқабмиз. Дарҳол бу хавфдан қишлоқни огоҳ этиб, ўзимиз ҳам қирга қараб қочдик. Ҳалиги йигит эса сой бўйида жойлашган қуйи қишлоқлар аҳолисини огоҳ этгани отини қамчилаганича ўқдай учиб кетди. Орадан кўп ўтмай, сел Маъдулланинг орқасидан кимўзарга мусобақалашаётгандек ёпирилиб келди ва рўпарасида дуч келган дов-дарахт борми, кўприк борми, барини ўз домига тортди. Қишлоқдошимиз Эштўхтар бобонинг сой бўйидаги беш сотиҳга яқин экинини пайҳон қилиб, текислаб юборди. Қишлоқнинг корига яраб турган сув тегирмони ҳам унинг «ўлжа»сига айланди. Яхшиямки, тегирмон ичида ухлаб ётган икки киши Маъдулланинг қичқиригидан уйғониб, тепалик томон қочиб, жон сақлашга зўрға улгуришди.

### ҚОЧ, СЕЛ КЕЛАЯПТИ!

Маъдулла Нормуродов от чоптириб, қўшни қишлоққа етиб келди ва овозининг борича: «Қочинглар, сел келаяпти...» дея қичқирди. Биринчи бўлиб буни қир устида жойлашган тиббиётхона фельдшери Нурали Узоқбоев эшитди ва у ҳам баланд товушда қишлоқ аҳлини сел келаётганидан огоҳ этди.

От чоптириб келаётган Маъдулла навбатдаги қишлоқ кўпригига яқинлашганда сал нарироқда бир-бирлари билан қувлашмачоқ ўйнаб чўмилаётган олти-етти чоғли болаларни кўрди-ю, жиловни улар томон бурди. «Қочинглар, сел келяпти, оқиб кетасанлар, тез сувдан чиқинглар!..» дейишига қарамасдан бу гапга ишонмаган болалар чўмилишда давом этарди. Ахири, Маъдулла болалар устига от солиб, уларнинг орқасига бир-икки қамчи туширди. Ёзнинг оташ иссиғида бундай ҳодисани кутмаган болалар узоқдан аждарҳодек пишқириб, дарёнинг икки қирғоғини тўлдириб келаётган қоп-қора лойқа аралаш селни кўриб қир томон ура қочишди.

Терга ботган от жонивор Қирққиз яқинидаги кўприкка етиб келганида бу ерда ҳам уч-тўрт бола бамайлихотир бир-бирига сув сепишиб чўмилишарди. Маъдулла буларни ҳам бу ердан ҳайдаб чиқарди. Болалар кийимларини қўлларига олиб қочишга зўрға улгуришди.

Йигит яна йўлида давом этиб, қабристон яқинига келиб қолганида важоҳатли сел буларга етиб олди ва отнинг сийнасигача кўтарилди. Кучли сел отни суриб, қабристон атрофини ўраб турган симтўрга тақади. От бир-икки кишнади-ю, учинчи уринишда симтўрдан сакраб ўтди. Хатарсиз жойга чиқиб олгач, яна пишқириб елди. У гўёки ўқдай учди ва селдан ўзиб ҳансираганча кейинги қишлоқ – Кўкжарга етиб келди. Маъдулла кучли бақириқ ва қичқириқдан томоғи бўғилиб қолганлиги ва отнинг ҳолдан тойганлигига қарамай, бу қишлоқни ҳам ўз вақтида хавфдан огоҳлантириб улгурди. Ҳар дақиқа, сония ғанимат. Охирги қишлоққа селдан олдин улгуриш керак. Маъдулла шу хаёл билан Дарё қишлоғига қандай етиб келганини сезмай ҳам қолди. Зудлик билан қишлоқ аҳолисини кутилмаган селдан хабардор қилиб, фалокатдан сақлаб қолишга сабаб бўлди.

### ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНИ

Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманига хизмат сафарига отландик. Табиий офат юз берган қишлоқларни ўз кўзимиз билан кўрдик. Замонамиз қаҳрамони йилқибоқар йигит Маъдулла Нормуродовнинг мислсиз жасорати ва халқпарварлиги туфайли кўплаб кишиларнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Бирорта ҳам инсон ҳалокатига йўл қўйилмади. Буни ҳақиқий жасорат, матонат деса бўлади. Шу қишлоқда яшовчи оқсоқолларнинг айтишича, бундан 102 йил илгари шундай табиий офат юз берган экан.

– Маъдулланинг жасорати ҳақиқатан ҳам таҳсинга сазовор, чунки у тўртта, яъни Гулдара, Кўкжар, Қайрағоч, Дарё қишлоқларида яшайдиган мингдан зиёд аҳоли ҳаётини сақлаб қолишга беқиёс ҳисса қўшди, – дейди бизга ҳамроҳлик қилган Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи майор Бурҳон Турдиев. – Унинг бу олижаноб хизматлари бизга яхшигина сабоқ бўлди. Бундай жойларда табиий офат юз бериши мумкинлиги ҳақида аҳолини ўз вақтида огоҳлантириб қўйганмиз. Афсуски, баъзи оилалар орасида «ота-боболаримиз шу ерда яшаб, кўним топганлар», деб кўчишни истамайдиганлар ҳам учраб туради...

### ТАЪРИФИГА СЎЗ ОЖИЗ


– Отнинг хосиятини таърифлаш учун сўз ортиқчалик қилади. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, қишлоқларни огоҳ этгани шу қорабайирим ўқдай учиб, ўн чақирим нари-берисидаги йўлни босиб ўтгунча, роса терга ботди. Ҳар қандай синчи чавандоз жониворнинг кайфиятини ҳам, тушкун ҳолатини ҳам яхши билади. Отнинг фазилати бисёр. Ўшанда арчанинг панасига ўтиб, дўлнинг тўхташини кутдим. Бир нарсани сезган бўлса керакки, от дўлнинг шиддат билан ёғишига қарамасдан юганини узгудек бўлиб қишлоқ томон интиларди. Шундан кейингина отнинг раъйига қарашга мажбур бўлгандим. Бир фалокат бўлишини от мендан олдин сезган экан. Худди шундай бўлди ҳам. Сел бизга етиб келиб, қабристон симтўрига тақаб қўйганида ҳам от жон ҳолатда ундан ошиб, хавфсиз жойга чиқиб олиши билан қўшни қишлоқ томон учди. Агар шу қорабайирим бўлмаганда, қўлимдан нима ҳам келарди, – дейди Маъдулла.

Орадан кўп ўтмай, яна бир хушхабарнинг гувоҳи бўлдик. Маъдулла Нормуродов Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги байрами муносабати билан Президентимизнинг Фармонига асосан «Жасорат» медали билан муносиб тақдирланди.

**Азамат СУЮНОВ.**

## АЪЛО НАТИЖАЛАР – БАЙРАМГА СОВҒА

**Ҳадемай шарафли соҳа вакилларининг касб байрами – Ватан ҳимоячилари кунини қарши оламиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 декабрдаги «Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида»ги Фармойиши ижросини таъминлаш юзасидан жойларда кўплаб тадбирлар амалга оширилаётир. Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг барча вилоят ва туман кенгашларида ҳам бу қутлуғ байрамга муносиб ҳозирлик кўрилмоқда.**



Жойларда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти туман кенгашлари томонидан спортнинг қатор турлари бўйича ўтказилаётган мусобақалар, ёшларни спортга фаол жалб этиш, билимини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш, уларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашга қаратилган давра суҳбатлари, маданий-маърифий тадбирлар шулар жумласидандир.

Хусусан, Олтинкўл туман кенгаши ташаббуси билан Олтинкўл иқтисодиёт коллежида иккинчи курс талабалари ўртасида ҳаво милтиғидан отиш бўйича мусобақа ўтказилди. Унинг очилиш қисмида Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Г. Ботирова, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши раиси Ф. Низомов, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти туман кенгаши раиси Р. Ҳакимовлар иштирок этишди. Қизиқарли ва кўтаринки руҳда ўтган мусобақа ғолиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Навбаҳор туман кенгаши қатор ҳамкор ташкилотлар иштирокида ўқувчилар ўртасида ҳарбий кўпкураш бўйича мусобақа ўтказди. Унда 15 та жамоа ғолиблик учун баҳс олиб борди. Сафда юриш, узунликка сакраш, граната улоқтириш, тўсиқлар оша сакраш, турникда тортилиш, ҳаво милтиғидан отиш, 100 метрга югуриш каби еттита шартдан иборат мусобақа қизиқарли ва ҳаяжонли вазиятларга бой бўлди. Ғолиблар ташкилотчилар таъсис этган совға билан тақдирландилар.

Бухорода ҳам бу борада қатор ишлар амалга оширилди, тадбирлар ўтказилди. Вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари ташаббуслари билан ташкиллаштирилган мазкур тадбирларда мутасадди ташкилотлар вакиллари билан бир қаторда ўқувчи-ёшлар, спортчилар ҳам фаол иштирок этишди. Ўқ отиш, ҳарбий кўпкураш, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича туман ва клуб миқёсида ўтказилган мусобақалар ғоятда қизғин, шиддатли кечди ва йиғилганларда катта тассурот қолдирди.

Нурота туман кенгашида ҳам байрам арафасида ҳаво милтиғидан отиш, минифутбол, волейбол, арқон тортиш ва бир қатор халқ ўйинлари бўйича қизиқарли мусобақалар ташкил этилди. Мусобақаларнинг очилиш маросимида ташкилотнинг вилоят кенгаши раиси Б. Бобоназаров, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши раиси М. Фахриддинов, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари А. Муҳаммедов, туман «Нуроний» жамғармаси раиси А. Раҳимов, ўқув-спорт техника клуби бошлиғи Д. Асановлар сўзга чиқишиб, иштирокчиларга омад тиладилар.

Зарафшон шаҳар кенгашида умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасалари ўқувчилари иштирокида ҳаво милтиғидан отиш бўйича шаҳар биринчилиги бўлиб ўтди. Ўзини ҳар томонлама кўрсата олган ва ғолибликни қўлга киритган ёш спортчилар шаҳар кенгашининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Бундан ташқари, «Шунқорлар» ҳарбий спорт ўйинлари ўтказилди. Унда 10 та жамоа ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Якуний натижаларга кўра «Алпомиш» жамоаси биринчи, «Ватан ўғлонлари» жамоаси иккинчи, «Умид» жамоаси эса учинчи ўринни қўлга киритдилар.

**Жамшид НИЁЗОВ.**

# QUTLUG‘ SANA

Qishki mavsum o‘quv mashg‘ulotlarida

## SAFDOSHLARIGA IBRAT BO‘LIB




Oddiy askar Nizomiddin Sayfiyev o‘qchi vazifasida xizmat qiladi. Namunali posbonning xizmati boshlanganiga uncha ko‘p bo‘lmagan ersada, u tirishqoqligi, mehnatkashligi, bilimdonligi bilan komandirlar e’tiboriga tushib ulgurgan.

Mavsumga qadar, dala-o‘quv mashg‘ulotlariga jiddiy tayyorgarlik ko‘rilgani bois, askarlar jismoniy, taktik, ijtimoiy-siyosiy tayyorgarliklardan o‘z bilim va ko‘nikmalarini shakllantirib, harb ilmidan olgan saboqlarini amalda tobora mustahkamlab borishmoqda.

...Jangovar qurollardan o‘q otish nuqtasi. Oddiy askar Sayfiyev komandirning buyrug‘ini kutmoqda. Xizmati davomida ofitser va serjantlardan o‘zlashtirgan harb ilmining sir-asrorlari, bilim va ko‘nikmalari, tajriba va mahorati bugun yana bir bor o‘z so‘zini aytdi. Komandirning buyrug‘i yangragach, oddiy askar harakatlanayotgan nishonni mo‘ljalga oldi. Bunda u albatta, shamolning qaysi tomondan esayotganini va tezligini, nishonning harakat yo‘nalishini hamda oraliq masofani inobatga olib, o‘t ochdi. Endi ikkinchi, joyida turgan nishonni mo‘ljalga olishi kerak. Ushbu nishonning yerdan faqat yuqori qismigina ko‘rinib turibdi. Salgina xatoga yo‘l qo‘yilsa, mo‘ljal noaniq bo‘lishi mumkin. Buni yaxshi anglagan posbon guruh komandiri kichik serjant Hayot Nuriddinovning otish tayyorgarligi bo‘yicha olib borgan mashg‘ulotlarini yodga oldi va orttirilgan ko‘nikma o‘z so‘zini aytdi. Ofitser Najmiddin Qurbonov oddiy askar Sayfiyevning otish tayyorgarligini a’lo bahoga topshirgani bilan tabriklab, uni safdoshlariga o‘rnak qilib ko‘rsatdi. Bu posbonning xizmati mobaynida jangovar tayyorgarlik mashg‘ulotlarida qo‘lga kiritgan ko‘plab yutuqlaridan bir lavha, xolos.

Oddiy askar Sayfiyev armiyaga qadar Samarqand Olimpia zaxiralari kollejida tahsil olib, sportning milliy kurash turi bilan shug‘ullangan. 2004 yilda yoshlar o‘rtasida o‘tkazilgan O‘zbekiston chempionatida ishtirok etib, o‘z vazn toifasida faxrli birinchi o‘rinni egallagan. Xizmati mobaynida ham jismoniy tayyorgarlik mashg‘ulotlarida yaxshi natijalarga erishib kelayapti. Jumladan, 16-ommaviy sport ko‘rigida 100 va 1000 metr masofalarga yugurish, turnikda tortilish, chaqqonlik mashqlarida yuqori natijalarni qayd etib, safdoshlariga yana bir namuna bo‘ldi. Uning bu yutug‘i munosib baholanib, «Harbiy sportchi» ko‘krak nishoni bilan taqdirlandi.

– Men armiyaning haqiqatan hayot maktabi ekanligiga xizmatga kelib, yanada amin bo‘ldim, – deydi oddiy askar. – Xizmatga o‘z ishtiyoqim bilan kelganman. Qisqa vaqtda er yigit armiyada nimalarni o‘rganishi va olishi kerak bo‘lsa, barchasiga erishdim. Eng asosiysi, milliy armiyamizining posboni, uni sodiq himoyachisi, degan sharafli nomga sazavor bo‘ldim. Buni men o‘zimga yuksak sharaf, deb bilaman.

Ha, yurtimning mana shunday mard va jasur, mahoratli va ishonchli posbonlari bor ekan, tinchligimiz va osoyishtaligimiz barqaror bo‘lajak.

**Ahror OCHILOV.**
**Bahrom ABDURAHIMOV suratga olgan.**

## AZAMAT YIGITLAR SAFIDA



Mamlakatimiz prezidenti Islom Karimovning Vatan himoyachilariga yo‘llagan bayram tabrigida shunday deyiladi: «Ezgu orzu-umidlar bilan mustaqil hayotga qadam qo‘yayotgan minglab yoshlar uchun armiya saflarida xizmat qilish ularning shaxs sifatida shakllanishida o‘ziga xos poydevor bo‘lmoqda, hayot yo‘llarini tanlashda, oliy ma’lumot shu jumladan, harbiy ma’lumot olishda keng imkoniyatlar ochib bermoqda. Bugungi kunda aynan mana shu yoshlar mamlakatimizning faol va puxta tayyorlangan kadrlar zaxirasini, O‘zbekiston kelajagining tayanchi va suyanchini tashkil etmoqda».

Darhaqiqat, bugun armiya deb atalmish hayot maktabi yoshlarimiz uchun ulkan imkoniyatlar eshigini ochmoqda. Ona yurt, xalq ishonchini oqlagan yigitlar uchun ish bilan ta’minlanish, mamlakatimizning nufuzli oliy o‘quv dargohlariga imtiyozli shartlar asosida qabul qilinishdek yuksak imkoniyatlar mavjud. O‘z navbatida mamlakatimiz ertasi bo‘lgan yoshlar ham bunday g‘amxo‘rlikni qadrlab, yurt kelajagi, taraqqiyoti uchun xizmat qilmoqni astoydil dillariga tukkanlari shubhasiz. Oddiy askar Jonibek Jabborovning qalbi ham ana shunday ezgu niyatlar ila limmo-lim.

Jonibekka mehnatkashlik, intiluvchanlik kabi fazilatlar bolaligidan hamroh. Chunki ota-onasi – Jabbor aka va Mohira opa farzandlarining komil inson bo‘lib voyaga etishlari, ularda odamiylikning eng sara fazilatlarini shakllantirish maqsadida farzandlarini bolaligidanoq to‘g‘rilikka, mehnatni sevishga o‘rgatishdi. Natijada oilada kamol topayotgan o‘g‘il farzandlar o‘ktamlikda, jo‘mardlikda havas qilsa arzirli insonlar bo‘lib etishdilar.

Jonibek harbiy xizmatga qadar Qashqadaryo viloyati, Kasbi tumanidagi kasb-hunar kollejining haydovchilik kursida tahsil oldi. Oradan hech qancha vaqt o‘tmasdan sog‘lom, bilimdon va mulohazali bu yigit tanlov mezonlarining barcha shartlarini muvaffaqiyatli bajarib, harbiy xizmatga loyiq topildi. Hozirda u harbiy qismda haydovchi vazifasida o‘z yigitlik burchini o‘tamoqda.

– Harbiy xizmatni boshlaganimga hali ko‘p vaqt bo‘lgani yo‘q, – deydi oddiy askar Jonibek Jabborov. – Lekin shunday bo‘lsa-da mana shu qisqa vaqt hayotimdagi eng unutilmas, sermazmun davr bo‘lyapti. Harbiy hayotga tezda ko‘nikdim. Zimmamdagi yigitlik burchimni bajarish uchun harakat qilayapman. Armiya yigit kishini chiniqtiradi, toblaydi, degan gaplarning naqadar to‘g‘ri ekanligiga amin bo‘layapman. Chunki men ham shijoat, fidoyilik fazilatlarini xizmat tufayli kashf qildim, ota-ona va yaqinlar mehrining naqadar aziz ekanligini tushundim. Muddatli harbiy xizmat davomida olgan saboqlarim o‘zimga bo‘lgan ishonchni yanada mustahkamladi. Tarbiyachi ofitserlarimiz esa menga bu borada juda katta tayanch bo‘lishmoqda. Ularning xatti-harakati, o‘zini tutishi, fidoyiligi sabab, sharafli kasb egalariga bo‘lgan bolalik havasim ulkan ehtiromga aylandi. Shu bois komandirlar ishonchini oqlash uchun mashg‘ulotlar davomida bilimimni har tomonlama oshirishga intilyapman. Buning uchun qismimizda sharoitlar yetarli. Kutubxonada kitoblar, vaqtli matbuot nashrlari, ma’naviyat va ma’rifat xonasida esa televizor, radio bizning ixtiyorimizda. Sport zali ham bor. Bizdan faqat xizmatni sifatli ado etib, puxta tayyorlanish talab qilinadi.

Bu yerda juda ko‘p do‘stlar orttirdim. Safdoshlarim Abdulla Mirzayev va Odil Jumayevlar bilan xizmatning ilk kunlaridanoq yaqin do‘st bo‘lib ketdik. O‘ylaymizki, harbiylikda o‘rganganlarimiz hayotda ham asqotadi.

O‘zingiz guvoh bo‘lganingizdek, sog‘lom muhitda o‘sib-ulg‘aygan, tarbiya topgan yigit uchun harbiy xizmat jismoniy va ma’naviy jihatdan yanada yuksalish va shakllanish davri bo‘lmoqda. Xalqiga, Vataniga sadoqatli, fidoyi insonlar bo‘lib shakllanayotgan mana shunday yigitlarning armiyada olgan bilimlari keyin ham asqotishini, ularning shaxs sifatida kamolga etishida harbiy xizmat muhim poydevor, tamal toshi vazifasini o‘tashini hisobga olsak, islohotlar samarasini yaqqol anglaymiz. Biz Jonibekning harbiy xizmatni a’lo darajada yakunlab, oilasi bag‘riga yorug‘ yuz bilan qaytishiga tilakdoshmiz. Zero, yurt ishonchini oqlagan farzandning kelajak yo‘llari ham hamisha ravon bo‘ladi.

**Gulnora HOJIMURODOVA.**

Garnizonlardan xabarlar

## SAN’AT IXLOSMANDLARI UCHUN AYNI MUDDAO

Toshkent harbiy okrugiga qarashli qism va bo‘linmalarda ham Vatan himoyachilari kuniga bag‘ishlab qator ma’naviy-ma’rifiy tadbirlar o‘tkazilmoqda.

O‘zbek milliy akademik drama teatri va Muqimiy nomidagi musiqali drama teatri aktyorlarining harbiy jamoalarga tashrifi, xalqimizning sevimli san’atkorlari bilan uchrashuvlar, samimiy muloqotlar shular jumlasidandir.

– Biz – harbiylar hamda oila a’zolarimiz uchun uyushtirilayotgan bunday tadbirlarning ma’naviy qadr-qimmati juda baland, – deydi tarbiyachi ofitser Akmal Oshiqov. – Chunki, san’at turi bo‘lmish teatrdan, maromiga yetkazib ijro etilgan badiiy chiqishlardan bahramand bo‘lish, go‘zallikdan zavq olish har bir tomoshabin ruhiyati va ichki dunyosini boyitadi, oziqlantiradi.

– El ardog‘idagi ijodkorlar bilan uchrashish, ular bilan suhbatlashish, – deydi harbiy xizmatchining turmush o‘rtog‘i Gulnora Elyorova. – Ularning hayot tajribasi, fikr-mulohazalaridan habardor bo‘lish biz kabi san’at shinavandalari uchun juda maroqli. Ana shunday ko‘ngilli uchrashuv tashkilotchilaridan minnatdormiz.

**Katta leytenant To‘lqin JUMANAZAROV.**

## НАСТРОЙ – НА ПРАЗДНИК

Сегодня в каждом гарнизоне, каждой воинской части идут активные приготовления к празднованию Дня защитников Родины. Военнослужащие подразделения старшего лейтенанта Умида Махмудова тоже намереваются внести свою лепту во всенародный праздник.

– Действительно, – говорит в беседе сержант Бахром Базаров, – в нашей части созданы все условия для творческого подхода к проведению торжественных мероприятий по случаю Дня защитников Родины. Каждый желающий представил свои предложения, разработали различные спортивно-массовые мероприятия, множество интересных викторин, сценических постановок с широким привлечением членов семей военнослужащих. Командование части поддержало все инициативы и оказало всемерное содействие.

Среди активных организаторов праздничных торжеств называют и фамилии рядовых Эркина Комилова, Азамата Эгамназарова, Жасура Очилова. Сегодня в свое свободное от должностных обязанностей время они в клубе в так называемом организационном штабе. Одним словом, работа кипит...

Все подчинено единой цели: сделать незабываемыми впечатления и отличное настроение празднования Дня защитников Родины в родной части, достойно встретить 17-ю годовщину Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

**Капитан Хасан МИРЗАЕВ,**
**корр. «Ватанпарвара».**

## INSON QO‘LI GUL

Markaziy harbiy okrugida O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarining 17 yilligiga tayyorgarlik ko‘rish va uni o‘tkazish rejasiga muvofiq Umumarmiya badiiy ijodiyot ko‘rgazmasining okrug bosqichi bo‘lib o‘tdi.

Ko‘rgazmada havaskor ijodkorlar – harbiy xizmatchilar va Qurolli Kuchlar xizmatchilari tomonidan taqdim etilgan xalq amaliy san’ati bilan bog‘liq asarlar namunalari namoyish etildi. Unga tashrif buyurgan harbiy xizmatchilar va ularning oila a’zolari tasviriy san’at asarlari, jumladan, portretlar, peyzaj, natyurmortlar, manzaralar aksi, haykaltaroshlik namunalari, o‘ymakorlik, milliy kashtachilik, zardo‘zlik namunalarini tomosha qildilar.

Ko‘rgazmaga taqdim etilgan ijod namunalari ichida ayniqsa, shartnoma bo‘yicha xizmat kichik serjanti Yusuf Otabekovning tabiat manzaralari tasvirlangan suratlari hamda mo‘tabar zot ona sharafiga ishlagan haykali, shartnoma bo‘yicha xizmat kichik serjanti Sherzod Ortiqovning naqsh o‘ymakorligi bo‘yicha asarlari, harbiy xizmatchilarning oila a’zolari bilan ishlash bo‘limi boshlig‘i Dono Abdullayevaning milliy kashtachilik, biser va zardo‘zlik bo‘yicha, harbiy qism kutubxonasi mudirasi Xolida Egamberdiyevaning portret, natyurmort va manzaralarni aks ettirgan asarlari ko‘pchilikda katta qiziqish uyg‘otdi.

Tanlovga taqdim etilgan asarlarni har tomonlama o‘rganib chiqqan hakamlarning xulosasiga binoan Qurolli Kuchlar xizmatchilari Dono Abdullayeva va Xolida Egamberdiyevalar Umumarmiya badiiy ijodiyot ko‘rgazmasining yakuniy bosqichida ishtirok etadigan bo‘lishdi.

Nozik didli, mahoratli, go‘zallik va san’at shaydosi bo‘lgan hamda xalqimizning boqiy an’analarini munosib davom ettirib kelayotgan qo‘li gul ijodkorlarga kelgusi bosqichda ham omad yor bo‘lishini tilaymiz.

**Mayor Shavkat HOSHIMOV.**

# ЖАРАЁН

Мудофаа ишлари бўлимларида

## САРАЛАНАР ЎҒЛОНЛАР, АЛПЛАР

**Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани мудофаа ишлари бўлимида навбатдаги чақирувга саралаш босқичларига қизғин тайёргарлик кўрилиб, шу кунларда йигитлар тиббий кўрикдан ўтказилянти.**

– Туман ҳокимининг буйруғига мувофиқ чақирувга тайёргарлик ишларини бошлаб юборганмиз, – дейди мудофаа ишлари бўлими бошлиғи подполковник Самандар Бозоров. – Шу кунларда ҳарбий билим юртлари ва лицейларига ҳужжат топшириш мақсадида ариза ёзган, шунингдек, навбатдаги муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларимиз тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

Мудофаа ишлари бўлими биносига кирар эканмиз, у ердаги шароитлар бизни қувонтирди. Чақирилувчиларга тушунтириш ишлари олиб бориш хонаси, ота-оналар ва маҳалла фаоллари билан суҳбат ўтказиш хоналари, Қуролли Кучларимиз тарихи, бугуни акс эттирилган плакат ҳамда чақирилувчиларга керак бўлган маълумотлар, ахборотлар дарҳол эътиборни тортади.

Шифокорлар учун махсус хоналар ажратилган бўлиб, зарур тиббиёт анжомлари ва ускуналари билан таъминланган.

– Чақирилувчиларнинг аксарияти муддатли ҳарбий хизматга боришни хоҳлашади, – дейди чақирув комиссияси бош шифокори Лола Баҳрамова. – Йигитларни тиббий кўрикдан ўтказиш жараёнида уларнинг шу кунгача оғриган хасталиклари билан тўлиқ танишиб чиқамиз. Бунда жойлардаги оилавий шифохоналарнинг ёрдами жуда катта бўлмоқда. Шунингдек, чақирилувчиларни шу ернинг ўзида психолог, ички касалликлар, асаб касалликлари, кўз, жарроҳ, бурун, томоқ, қулоқ, тиш, тери касалликлар бўйича малакали шифокорлар тиббий кўрикдан ўтказиб, керакли маслаҳатлар бериб, зарур чоралар кўрилмоқда.

Ўғлонларни ҳарбий хизматга тайёрлашда мактаб, лицей, коллежлар билан бир қаторда маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва фаолларининг ҳам ўрни каттадир. Туманда бу борада сезиларли ишлар олиб борилмоқда.

– Туман ҳокимининг буйруғига асосан, – дейди ҳоким ўринбосари, чақирув комиссияси раиси Дониёр Мадиримов, – маҳалла раислари чақирув ёшига етган йигитлар ва уларнинг ота-оналари билан доимий алоқада бўлиб, мудофаа ишлари бўлими ходимлари билан биргаликда суҳбатлар, тушунтириш ишларини олиб боришмоқда.

Шунингдек, чақирув комиссияси таркибига туман ички ишлар бўлими масъул ходими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари вакиллари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, туман болалар спортини ривожлантириш бўлими мутахассислари, турли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари киритилган. Улар чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлар олиб боришади.

Туманда фаолият юритаётган маҳаллаларда бу борада бир қанча ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Мудофаа ишлари бўлими ходимлари иштирокида маҳалла гузарларида чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари билан доимий учрашувлар ўтказилиб борилмоқда. Уларга Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ва хизматдан резервга бўшатилган ёшларга ҳукуматимиз томонидан берилаётган имтиёзлар тўғрисида етарли маълумотлар берилмоқда.

Яқинда, мана шундай давра суҳбатларидан бири тумандаги «Обиназир» маҳалласида бўлиб ўтди. Унда чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналарига Президентимизнинг 2008 йил 20 ноябрдаги Фармони юзасидан кенг тушунчалар берилиб, бу янгиликнинг афзалликлари ҳақида тўхтаб ўтилди.


– Бугунги йигитлар армияда хизмат қилишни ўзи учун шарафли вазифа деб билишади, – дейди чақирилувчи Азиз Мирзаҳмедовнинг онаси Замира опа. – Менинг ўғлим ҳам бир неча йилдан буён ўзини ҳарбий хизматга тайёрлаб келмоқда. Шунингдек, молия касб-ҳунар коллежида таҳсил олиб, чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанидан илк ҳарбий билим ва кўникмаларни эгаллади. Фарзандимнинг эл-юрт корига камарбаста бўлиб, Ватан ҳимоясидек шарафли ишга бутун вужуди билан талпинаётганини кўриб, қалбим қувончга, ғурурга тўлмоқда.

– Менда ҳарбий хизматга қизиқиш мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ пайдо бўлган, – дейди чақирилувчи Нодир Жалилов. – Кейин маданият касб-ҳунар коллежида ўқидим. Бу ерда чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанидан олган сабоқларим қалбимда ҳарбийлик касбига ҳавас уйғотди. Шу сабаб биринчилардан бўлиб муддатли ҳарбий хизматни ўташга чоғландим.

– Тиббий кўрикдан ўтган йигитлар, – дейди мудофаа ишлари бўлими масъул ходими майор Бахтиёр Тўражонов, – кейинги босқичлар асосида сараланиб олинади. Уларнинг биринчи навбатда жисмоний тайёргарликлари текширилади. Бунда ўғлонлар 100 ва 1000 метрга югуриш, турникда тортилиш каби синовлардан ўтадилар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказидан тақдим этилган тест саволлари асосида чақирилувчининг интеллектуал салоҳияти ва билим даражаси имтиҳон қилинади.

Ишончимиз комилки, ўз олдига эзгу мақсадларни қўйган бугунги чақирилувчилар мустақил юртимизни шараф билан ҳимоя қилиб, масъулиятли вазифаларини ва билдирилаётган юксак ишончни ёруғ юз ила ўтайдилар.

**Аҳрор ОЧИЛОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Комолиддин ТЎРАЕВ олган сурат.**



## ЖИСМИМИЗ ИЧРА ЯШАР ЖОНДАЙ ВАТАН



Ватан мудофааси... Ватан ҳимоячиси... бу икки иборани ўйлаганимда халқимизнинг ярашимли бир феъли ёдимга тушади.

Биз болажон халқмиз. Оилада фарзанд туғилса, ҳамма тенг суюнади. Ким суюнчи олган, ким суюнчи берган. Аёлларимиз бир-бирини муборакlаб йўқлашади, эркакларимиз бўлса хурсандчилигини жўралари билан баҳам кўриб, чойхона паловга тайёргарликни бошлаб юборишади.

...Эмишки, оилада қиз туғилса ҳовлининг йўлу йўлаги, ўчоқбошиси энг аввал қувонаркан. Йўлу йўлакдаги гулу райҳонлар бу қизгина кун келиб бекамиз бўлади дея, супургию хокандози эса эгамиз бўлади, дея қувонса керак-да.

Ўғил бола туғилса-чи... Бу қувончнинг гулдураги далаю даштлардан, боғу роғлардан, сарҳадлар, тоғлардан келаркан. Далалар бизни кетмонлайди, тупроғимиз кўчади деса, тоғлар, сарҳадлар ҳимоямизда туради, ёғийман деганнинг уни ўчади деркан. Ёғийман деганнинг уни мардликни кўрганда, жасоратга йўлиққанда ўчади, ахир.

Олтинкўл туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи майор Эркинжон Ғаффоровнинг мана бу гаплари худди фикримни қувватлагандай бўлди. Унинг айтишича, бугунги энг муҳим вазифа чақириққача бўлган ўсмирларнинг юрагида мудофаа деган улуғ, ҳимоячи деган шарафли туйғуни уйғота олиш.

Ҳар кўнгилга ғайрату ҳаяжон, меҳру муҳаббат оилада, болаликдан сингийди деб биламиз, тўғри, аммо ўсмирлик шундай даврки, туйғулар, ҳислар бесарамжонроқ, қўнимсизроқ ҳолатда бўлади. Таъсир кучининг мўлжалини тўғри олиб йўналтирсангиз осон кечади. Ўсмирликни инсон умридаги энг мураккаб давр, деб айтишгани шундандир. Мураббийлар буни ҳар доим ҳисобга олиши даркор.

Айтайлик, бирор коллежда ёки мактабда ўз соҳасининг етук мутахассислари билан учрашув ўтди, бола уларга ҳавас қилади, кўнглида орзу пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам кабинетда ўтириб ишлашдан кўра, чақириққача бўлган ёшлар ҳузурига чиқиб туришни афзал билган туман мудофаа ишлар бўлимлари ходимлари тўғри йўл тутган бўладилар.

Яқинда Олтинкўл туманининг Қўштепасарой қишлоқ фуқаролар йиғинида шундай учрашувлардан бири бўлиб ўтди. Унда мудофаа ишлари бўлими масъул ходимлари иштирок этишди. Улар хизматга чақирув ёшидаги йигитлар, уларнинг ота-оналари, устозлари билан учрашдилар.

Топдиқ қишлоғидаги 48-умумтаълим мактаби битирувчилари билан бўлган учрашувда эса бўлимнинг чақириққача ёшларни тайёрлаш бўлинмаси бошлиғи капитан Шерзодбек Бозорбоев, захирадаги подполковник Баҳодиржон Орифжонов, кичик сержант Жамолиддин Мирзаев, Дониёрбек Мамадалиевлар иштирок этишди.

Учрашув жуда қизиқарли ўтди. Ҳарбий хизмат, Қуролли Кучларимиздаги янгиланишлар, ҳарбий хизматчилар учун яратилаётган имтиёзлар, шарт-шароитлар ҳақидаги суҳбатлар савол-жавобларга уланиб кетди.

Ватан нима, у қандай неъмат, унинг муҳаббати кишини қандай улуғликларга чақиради, юракка қандай ҳайратлар сола олади, назаримда учрашувнинг мазмунмоҳияти мана шу йўналишда ўтди. Сездим, анча-мунча ёшларнинг юраги гупуриб, ҳарбийликка ҳаваси уйғонди. Ўзини аскар, юрт посбони деб тасаввур қилиб энтиккан бўлса ажаб эмас. Бизга мана шу ҳолат зарур ахир. Чунки ҳарбийнинг юрагида муҳаббати бўлмаса, ундан ҳимоячи чиқмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматини ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан муддатли ҳарбий хизматга йилда бир марта чақириладиган бўлди. Олтинкўл туман мудофаа ишлари бўлими ходимлари бу Фармон ижроси бўйича жиддий ишлар олиб бормоқдалар. Ҳар нарсанинг бошланиши бироз мураккаброқ бўлади, шунинг учун бу борада янги режалар тузишди. Кузги ва баҳорги вазифалар яхлит бажариладиган бўлди. Демак, ишлар кўлами ортди. Туман соғлиқни сақлаш бўлими билан ҳам қелишиб олинган. Учрашувлар, турли савол-жавоб кечаларини янаям кўпроқ, таъсирчанроқ ўтказиш, бу учрашувларга албатта шифокорлар ҳам таклиф қилиниши режалаштирилди.

Олтинкўл иқтисодиёт коллежи чақириққача бўлган ёшлар билан ишлаш кафедраси бошлиғи Жамолиддин Абдуллаев билан ҳам гаплашдим. Бу ердаги ҳар бир тадбир, машғулотларнинг бориши қатъий режа асосида экан. Турли кўрик-танловлар, интеллектуал ўйинлар ҳам асосан ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашга мослаштирилган экан. Муҳими, улар туман мудофаа ишлари бўлими билан доимий ҳамкорликда ишлаётгани, зарур ҳолатда бўлимдан кўмак олиб иш юритишлари мақсадлар якдиллигидан нишонадир.

Туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Камолот» ЁИҲ, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти билан мудофаа ишлари бўлимининг ҳамкорлиги янада мустаҳкамланиши яхши самара бериши кўп бора синалган. Ахир бугунги Ватан ҳимоячиси ҳар жиҳатдан соғлом, спорт билан дўсту биродарликни йўлга қўйган, кези келса транспорт воситаларини бошқара оладиган, бир сўз билан айтганда, баркамол инсон бўлиши керак, ахир. Ҳали айтганимдек, ўсмирнинг мардона ўғлонга айланиши осон кечмайди.

Мана ўтган йили тумандан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган Иззатулло Аҳмедов, Ҳаётбек Паттаев каби ўғлонларнинг ота-оналарига Мудофаа вазирлиги раҳбарияти томонидан ташаккурномалар келди. Фарзанд ўстириб унинг кетидан раҳмат, ташаккурномалар олсанг... ота-онага бундан ортиқ қувонч борми. Аслида бу ҳаммамиз учун ҳам жуда қувончли. Юртбошимиз айтганларидек, шу азиз Ватан барчамизники.

Бу азиз Ватан сарҳадларини муҳаббати буюк, ёвқур, жасоратли ўғлонлар ҳимоя қилаётганини ўйлаб яшаш қандай яхши. Бундай Ватаннинг оналари бахтиёр, оталари хотиржам, осмони тиниқ, замини тинч, боғ-роғлари гўзал, дастурхонлари тўкин бўлади. Шоирлари эса, бу Ватан мадҳи учун ташбеҳ топиб яйрайдилар.

**Замира РЎЗИЕВА.**

# АДАБИЁТ

Эркин САМАНДАР

# СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН

**(Тарихий романдан парча)**

## ИККИНЧИ ҚИСМ

### БИРИНЧИ БОБ

**(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).**

1

Ибн Ҳожиб Деҳли султони Шамсиддин Элтутмиш даргоҳига кириб борганида ҳали Синд саваши давом этаётган эди.

Илк учрашувдаёқ Ҳожиб кўрдики, Элтутмиш ҳар нарсага қизиқувчи ва ишонувчи одам. Яхши гапдан ҳам, ёмон гапдан ҳам тез таъсирланиб кетгувчи. Матал-мақолни, ҳикматни севгувчи. Тарихни кўп ўқувчи ва уққувчи.

Унинг Хоразмшоҳлар тарихини ҳам яхши билиши Ибн Ҳожибга қўл келди. Саройдаги икир-чикирларни гапира туриб, ўзининг буюк боболари Хоразмшоҳ ғазабининг қурбони бўлганликларини ҳикоя этгач эса, Элтутмишнинг раҳм дарёси тошиб, «қувғинда юрган Ҳожиб»га илтифот устига илтифот кўрсатди. Ер берди, от берди, ўзига маслаҳатгўй қилиб тайинлади.

Бугун эрталабданоқ Элтутмиш маслаҳатгўйини ўз ҳузурига чақиртирган, суҳбат султон Жалолиддин ҳақида кетмоқда эди.

Аввалги суҳбатлардан Ҳожибга маълумки, Элтутмиш Жалолиддинга хайрихоҳ, унинг ақли ва жасоратига тан беради. Чингизга бас келгувчи бирдан-бир султон деб билади уни. Чингиз от бошини Ҳинд сори бурар эса, султон Жалолиддинга таяниш нияти ҳам борга ўхшайди. Не қилиб бўлса ҳам, уни бу йўлдан қайтармоғи даркор Ҳожиб.

– Мени маъзур тутгайсиз, султон, – деди Ибн Ҳожиб тавозе билан, – Жалолиддинда сиз айтқанчалик куч қайдин бўлғай, билурсиз, они маликлар тарк айлаган, аскари нари борса, ўн мингдин ошмас, ҳаёти қил устинда тургай.

– Билурмен, – деди Элтутмиш, – султон омон-эсон дарёни кечиб ўтар эрса, мен унга имдод айлагаймен. У Ҳинд ила Чингиз ўртасида маҳкам қалқон бўлғай.

Ибн Ҳожиб ичидан зил кетди. Элтутмишга таъзим айлай туриб, ўз режасининг тезроқ бажармоғи шартлигини ўйлади.

2

Учча (ҳозирги Бхавалпур штати, дарё қирғоғидаги шаҳар) минорасидан қалъа ҳокими Кубача дарё сорига тикилиб турар. Савашнинг Чингизхон фойдасига тугаётганидан хабар топгани сабаб, дарё канорига кўз-қулоқ бўлиб турмоқда эди. Соҳилнинг қарийб ҳар қарич ерига биттадан навкар қўйган, Жалолиддин аскарлари ўтгундай бўлса, ушлаб олиш ва янчиб ташлашга фармон берган. Кубача Чингизхондан ҳам кўпроқ султон Жалолиддиндан қўрқар, у Ҳиндни ғорат этади деб ўйлар, шундан безовта эди.

Ҳозир соҳилга ўзи боришга жаҳд этган асно Элтутмиш маслаҳатчиси ташрифидан хабар беришди. Элтутмишнинг давлати кенг, қўли узун бўлганидан Ҳинд ҳукмдорлари сардорига айланган, ҳокимлар сиёсат ишларида унинг билан ҳисоблашишга мажбур эдилар. Шу важдан бўлса керак, Кубача соҳилдан хабар олишни кейинга қолдирди.

Кўп ўтмай Ибн Ҳожиб унинг ҳузурида ҳозир бўлди.

3

Вазир Шамсулмулк султон онаси ва ҳарамини кемада жўнатгач, иккинчи кемада ўзи дарёни кечабошлаган эди. Синднинг ярмига етиб-етмай кемаси чўккач, бурдуққа кўксини берганча қалқиб-қалқиб бордию оқим изнига тушиб қолди. Тўлқинлар уни олатасир олакетди.

Баногоҳ азим бир тўлқин ўркачи билакларига зарб билан урилиб, бурдуғини юлқиб олгач, вазир ҳарчанд сузишга уринмасин, дарё уни ўз қаърига торта бошлади.

Шунда шиддат билан оқиб келаётган болакайга кўзи тушиб қолди ва жон ҳолатда унга талпинди. Оқим ўзи болани яқинлаштириб келди. Вазир унинг бурдуғидан ушлашга улгурди.

– Бурдуғимни олманг, – ҳўпиқиб унга ёлборди бола, – сизга ҳам етар, менга ҳам. Олманг. Ушланг.

Бурдуқни болакайдан тортиб олиш Шамсулмулкнинг хаёлига ҳам келмаган эди. Нияти бурдуққа тираниб олмоқ эди, холос. Айни шундай қилди. Икковлон гўё бир чўпнинг икки учини ушлаган мисол ютағон тўлқинлар ҳамласига чап бера-бера ўлар ҳолатда соҳилга чиқиб олишди.

Бош устларида дафъатан бир тўп қора танлилар пайдо бўлишди.

4

Бир чақиримча пастда икки жувон ҳам дарё чангалидан юлқиниб соҳилга чиққанча беҳол ётарди, унинг бири Гулбегим, иккинчиси эса Қорасоч эди.

Уларнинг тепасига ҳам бегона одамлар бостириб келишган эди.

5

Ибн Ҳожиб мақсадга кўчди.

– Шамсиддин Элтутмиш ҳазратлари султон Жалолиддинга хайрихоҳ эрурлар, билурсиз, – деди Кубачага син солиб. – Тақдир тақозо этур эрса, султонни қўлламоқликка сизни ҳам даъват этурлар.

Бу таклиф Кубачага ёқмаслигини Ибн Ҳожиб яхши биларди. Кубачанинг жавоби айни у кутгандай бўлди.

– Элтутмиш жаноби олийларига эҳтиромимиз бениҳоя. Ул зоти аъзам сўзига қулоқ тутмоқлик ва амал қилмоқлик бизнинг бурчимиз эрур. Аммо мен султон Жалолиддин борасида бошқа фикрда эрурмен. Ўйим шулки, султон бизга ҳеч маҳал эш бўлмагай.

Мабодо, Ибн Ҳожибнинг ўрнида Элтутмишнинг бошқа элчиси бўлганида Кубача ўз фикрини бу қадар очиқ айтмаган бўларди, сабабки, Деҳли султони таклифига қарши чиқмоқлик ўртада низо қўптирмоғи тайин эди. Элтутмишнинг ғазаби қаттиқлигини у яхши биларди. Аммо Ибн Ҳожибга гапнинг индаллосини айтса бўлар, буни Кубача билар...

Ибн Ҳожиб ҳам Кубачани ўрганишга улгурган эди. Унингча Кубача довюрак одам. Ақли расо. Шундан куч-қуввати ошиб борар. Уччадан ташқари, Синд, Калор, Нандан, Садусан ва Пешавор каби қалъалар унинг қаламравида. Аммо, бутун давлатини йиғиштириб келганда ҳам Элтутмиш бойлиги ва қувватининг ярмича келмас. Шул сабаб ундан ҳайиқар. Унинг сўзига юрмоқликка мажбур. Бу эса Ибн Ҳожиб режасига путур етказмоғи аён.

Аслида султонни қўллашга Кубачани даъват этмоқлик фикри Ибн Ҳожибнинг ўзидан чиққан ва Элтутмишга бу маъқул келиб уни Уччага жўнатган эди.

Энди Ибн Ҳожиб ўзи ўйлаб топган бу имкондан фойдаланмоғи, не қилиб бўлса-да, Элтутмишни султон Жалолиддинга тескари қилиб улгурмоғи даркор. Бу йўлда Кубача қўл келар. Ибн Ҳожиб бунга ишонар.

Суҳбатнинг давоми Ибн Ҳожиб ишончининг асоссиз эмаслигини кўрсатди. Кубача зудлик билан Элтутмиш ҳузурига борадиган, Жалолиддин хавфини унга ўзи тушунтирадиган бўлди.

Ибн Ҳожиб енгил тортиб деди:

– Сизга дилимни ёрмоққа журъат айладим, сир тутилмоғига ишонурмен ва камина сиз, жаноби олийлари хизматига ҳамиша тайёрдурмен...

Кубача мийиғида кулди.

6

Ҳиндулар ўз тилларида бир-бирига гал бермай вижирлашиб, оқ соқолли салобатли киши (Шамсулмулк)ни бир томонга, жингалак соч ҳушрўй болакай (Амин Маликнинг ўғли Ҳайдаршоҳ)ни бошқа ёққа олиб кетишди.

7

Бундан муқаддам, Кубача ҳали соҳилга одам қўймасидан олдин яладор Йигит Малик ва Сойиржа Паҳлавонларни дарёдан олиб ўтишган, Тўғонбекнинг Нандан ўрмони ичидаги яширин аслаҳахонасида даволашаётган эди.

«Қўл-оёқли йигит» Қамбарнисони табиб ўзига дастёр қилиб олган, хизмат буюргани-буюрган эди. Аскар, гиёҳларни қайнат, аскар, докани ушла ва ҳоказо.

Қаршибекнинг ўлими боис ўзини қўярга жой тополмай юрган Қамбарнисо учун табиб топшириқлари баайни тинчлантирувчи дори эди. Бир оз бўлса-да, дардини эсдан чиқариб, юпанч бағишлар эди.

Бунинг бошқа сабаби ҳам йўқ эмасди. Табиб ёнида Йигит Малик олдига кирди дегунча жисми-жонида қандайдир енгиллик сезар, Парвондаги бир ҳолат беихтиёр эсига тушарди. Ўшанда Йигит Маликнинг билагини ўз елкасида кўриб, тафтидан ёниб кетадигандай бўлган эди-ку.

Айни ўша билаги яраланган эди Маликнинг. Энди ҳар куни билакдаги докани янгилаш керак ва ҳар куни хаёли гулхан атрофига кетишини қўймас эди.

Хотиранинг бу ўйинидан ўзи уялиб кетар, яхшиям ичдаги нарса ичда қолар, мабодо ични кўрсатадиган бир кўзгу бўлса, «шармандали ҳол»ни ошкор этса, бу дунёда бош кўтариб юролмасди Қамбарнисо.

8

– Сен қолиб тур, йигит, – деди бир куни Йигит Малик Қамбарбекка.



Табиб чиқиб кетгач, очиқ чеҳра билан уни яқинроқ ўтиришга таклиф этди.

«Йигит»нинг юзлари лов қизаргани учунми ё бошқа сабабданми, Малик кулди.

– Аскар деган ҳам ийманчоқ бўларми, – деди кўзи билан кўрпачани кўрсатиб. – Ўтир.

Сўрининг нари бетида ётган Сойиржа Паҳлавон (оёғидан ўқ егани боис ҳали ўрнидан туролмаётган эди) тортинчоқ аскарга далда берган бўлди.

– Савашдаги ботирлигинг қайга кетди, аскар, саркарда ўтир деганидан кейин, дарҳол ўтир-да. Худди қиз боладай солланасан-а...

Дадилланди Қамбарнисо, айтилган жойга чўккалади.

– Ҳаммасини эшитдим, – мулойимлик билан гап бошлади Малик, – аканг Тўғонбекни гапга солган эрдим, дилини ёрди менга. Мушкул кунлар ўтибдур бошларингдин. Отанг ҳаётмийўқми ҳануз номаълум эркан.

Қамбарнисонинг ич-ичидан хўрсиниқ келди. Уни босиш учун ютинган бўлди. Кўз ўнгидан падари бузруквори ўтди. Ичидан бир нидо келди. Оламда бормисан, бечора отагинам?! Кимдан сўрай, қайдин ахтарайин Сени!

Аскарнинг нохуш ўйга толганини кўрган Малик:

– Бошни тошдин қаттиқ дегайлар, йигит, – деди кўнгил бериб ва соғ қўлини аскарнинг тиззасига қўйди.

Қизнинг сўлиган ёноқлари бирдан аноргa айланди.

– Ана, ана, ҳозир ўзунгга келдинг, – деди Йигит Малик ва қўшиб қўйди, – аммоки, юзингда ҳардам андуҳ кўрамен. Андуҳ одамни ейди, аскар.

Ниҳоят, тиззадан қўлини олди. Қиз шукр, деб қўйди ичида.

Шундан кейин Малик ўзининг бошига тушган оғир савдоларни гапира кетди. Отаси Мўмин Малик Алоуддин Хоразмшоҳ қўшинида лашкарбоши бўлгани, қорахитойларга қарши савашда ўққа учгани, бу аламга чидолмай хаста энаси вафот этгани, кечагина гуллаб турган хонадони худди илдизига қурт тушган дарахтдай тезда қуриб қолгани, шундан кейин кўрган машаққатлари ҳақида бир-бир сўйлади.

– Падари бузрукворим битта гапни тез-тез айтувчи эдилар, – деди сўнг Малик. – Яшасанг, енгиб яша, дердилар. Бул гап фақаттина ёвни енгишга тааллуқли эрмас, аскар. Билсанг, бу – ичингдаги ғулғулани, ғамни енгиб яша дегани эрур. Шунга амал қилиб кам бўлмадим, аскар.

Сўз тугаб, Қамбарнисо ўрнидан қўзғалган дам Малик шошма, дегандай ишора қилди. Қамбарнисо ўтирди. Шу дамда мабодо Малик кечга қадар ёнимда ўлтир деса, ўлтиришга тайёр эди. Бошларига тушган савдолардан кейин биринчи марта таскин эшитгани учунми ёки Маликнинг оҳанрабоси борми, ҳар қалай, кўнгли эриб борарди.

Кутилмаганда Малик Қаршибекдан гап очди: «Кўзимнинг олдида шаҳид кетди, – деди. – Қамбарбекни асра», деганини айтаркан, аскардан сўради:

– Шул қадар дўст эдинглармики, ўлаётиб бул гапни айтадур?

Қамбарнисонинг кўзларидан ёш тирқиради.

У не дейишни билмас эди.

**(Давоми бор).**

# МУАРРИХЛАР ТУРОН ЖАНГЧИЛАРИ ҲАҚИДА



Туркийлар от минишга, от устинда ҳар турли муомалага жуда усталар. Ўқ, ёй ва қилич ишлатишни жуда яхши биладилар. Қилич қойишларини турли зийнат ила зийнатлайдилар. Кўкракларига темир кийим киядилар. Аскарлик хизматига ярарлик йигитлар туркийларда энг ҳурматлидир. Одамларнинг қадр-қиммати ушбу, хусусан аскарликка истеъдоди ва маҳорати ила белгиланадир. Туркийлар жангда жон фидо этмак ила ифтихор этарлар.

**Чин муаррихи.**

Туркийлар отлиқ аскарлардир. Муҳораба ишларинда ғоят устадирлар. Бир котиб китоб-қоғозларини қидиргани каби туркий аскарлар ҳам ўз душманини шундай қидириб, тор-тор келтириб жун каби сочар. Агар Форс ва Ироқ ва Хориж қувватли бир киши бошчилигида йиғилса ҳам биргина туркийларга баробар кела олмас. Туркийларнинг ҳайвонга ва ерга оғирлиги ҳам йўқ кабидир. Бизнинг суворийлар олдиларинда ҳеч нарса кўра олмаганлари ҳолда улар ортиндан келажак нарсаларни ҳам сезиб, хабардор бўлиб борар. Туркий отлиқ бизни ов, ўзини арслон деб ҳисоб этар. Қўллари боғлиқ ҳолда пастга ташланса ҳам қийналмасдан юқорига чиқар. Эрта уйқуга ётмас. Уйқуга кетса-да қаттиқ ухламай сергаклик ила ётар...

**Араб муаррихи.**

Қадимги Эрон шоҳи Феруз Турон заминига ҳарб учун қўшин йиғишга ҳозирлик қилинг, дея амр этганида аскарлари «Шоҳимиз бизни жонларимиздан айиришни истайди. Бизни туркийлар қошига юбориб, талатиб, юртимизни мангулик уятга қолдиргунча, барчамизни у ёққа юбормай ўлдиртирса яхшироқ бўларди» дея зорланганлар.

**Форс муаррихи.**

# МАЪНАВИЯТ

## ЮРТНИ УНГА БЎЛГАН МУҲАББАТ ОБОД ЭТАДИ, АСРАЙДИ

Дунёда шарафли вазифалар жуда кўп, аммо улар ичида киндик қонинг томган Ватанингни ҳимоя қилиш шарафлилар ичра шарафлисидир. Негаки Ватан – бу инсонга ато этилган энг қутлуғ неъмат, ҳалол насибамиз, аждодларимиз уйғоқ руҳи кезиб юрган табаррук гўша, уларнинг нафаси уфуриб турган муқаддас тупроқдир!

Ватан унга бўлган муҳаббатдан юксалади, ардоқланади.

Ватан асл ватанпарварлар кўксида жон қадар эъзоз ва ҳимоя топади.

Жалолиддин Мангуберди шижоати, Амир Темур жасорати...

Булар кўксида Ватан деган қуёшни кўтариб яшаган инсонлардир. Шу боис улар қалбларимиз тўрида. Ватан тарихини нима безаб туради, деб сўрасалар, ҳеч иккиланмай шижоату жасорат, маърифату адолат, садоқату ҳимоят дегим келади.

Инсон маънавий оламининг кучи, қудрати унинг Ватан олдидаги бурчи, масъулиятини қандай англаб тушунишда ҳам намоён бўлади.

Бугун замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, миллий қадриятларимиз ва аждодларимизнинг жанговар анъаналарига таянган Қуролли Кучларимиз, юксак жисмоний тайёргарлик, интеллектуал салоҳиятга, руҳий-маънавий фазилатларга эга бўлган асл ватанпарвар аскар йигитларимизни кўрганда беихтиёр қалбда ифтихор туямиз. Негаки, бугунги кунда йигитларимиз учун ҳарбий соҳада хизмат қилиш Юртбошимиз таъкидлаганларидек, нафақат фахрли бурч, балки шон-шараф ишига айланмоқда.

Ўтган йиллар давомида Ватан ҳимоячилари кунини нишонлаш, байрам қилиш диёримизда қутлуғ анъанага айланди. Мустабид тузумдан мерос бўлиб қолган инсонни камситувчи «тартиб-қоидалар» ўрнида бугун юксак маънавий асосдаги, чинакам Ватан ҳимоячисига эъзоз намунаси бўлган эзгу анъаналар шаклланди. Бугун сержантлар тайёрлаш мактаблари, олий ҳарбий билим юртлари, жанговар шай турган ҳарбий қисмларимизни, ҳар томонлама етук посбон йигитларимиз шижоатини кўрганда бир зум ўтган йиллар кўз олдимиздан ўтади...

1991 йили 31 август куни Президентимиз Ўзбекистонни Мустақил деб эълон қилди. Ҳар қандай давлатнинг мустақиллигини эса биринчи навбатда унинг ўз армияси, Қуролли Кучлари ҳимоя қилиши керак. Юртбошимиз таъбири билан айтганда «Ўз истиқлоли ва озодлигининг қадрини билмайдиган, уни ҳимоя қилолмайдиган, бунга куч-қурби етмайдиган миллат ҳеч қачон эркин яшай олмайди, кимгадир итоат этишга, бўйин эгишга мажбур бўлади». Шу боис 6 сентябрь куни илк бор Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. 1992 йил 14 январь куни эса мустақил давлатимиз тарихидаги яна бир муҳим қадам қуйилди. Шу куни мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий қисм ва муассасалар Ўзбекистон юрисдикциясига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бу Қуролли Кучларимиздаги туб ислоҳотларнинг бошланиши эди. Бугунги кунда халқимиз тинчлиги ва хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини қалқон янглиғ ҳимоя қилиб келаётган Қуролли Кучларимизга боқиб ифтихорланамиз. Албатта, бу мураккаб ва оғир жараёнлар осон кечмаганини юракдан ҳис қиламиз.

Байрам билан бир-бирларини чин дилдан табриклаётган нафақат аскар ва офицерлар, балки талабалар, зиёлилар, олимлар, фахрийларни кўрганда юрагинг ёришиб кетади. Ахир бу байрам ҳам биз учун, бутун халқимиз учун Мустақиллик байрамидек азиз ва муқаддасдир...



Республика Маънавият тарғибот маркази, унинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимларининг Мудофаа вазирлиги билан, унинг таркибидаги таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар билан алоқалари тобора кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, яқинда марказ ходимлари томонидан вазирлик тизимидаги таълим муассасаларида миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар ўрганилди, таҳлил қилинди, керакли тавсиялар берилди.

Байрамни муносиб кутиб олиш учун ҳамкорликда Юртбошимизнинг «Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир», «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоблари мазмун-моҳиятини ҳарбийлар онги ва қалбига сингдиришга қаратилган тадбирлар, «Мен нечун севаман Ўзбекистонни», «Мардлар қўриқлайди Ватанни», «Аждодлар жасорати биз учун ибрат», «Ҳушёрлик ва сергаклик замон талаби» каби қатор мавзуларда таниқли олимлар, шоирлар, маданият ва санъат арбоблари, шунингдек фахрийлар иштирокида учрашувлар ўтказилмоқда.

Бу Ватан фидойилари байрами, бу Ватанни асрагувчилар байрами, бу Ватанни юксалтиргувчилар байрами, бир сўз билан айтганда бу Ватанни севгувчилар байрамидир. Демак, бу байрам барчамизники! Барчамизга Ватан ҳимоячилари куни муборак бўлсин, шу мўътабар номга сазовор бўлиб юриш ҳамиша, ҳар лаҳзада ҳар биримизнинг энг олий ва шарафли бурчимиз бўлиб қолсин!

**Минҳожиддин МИРЗО,**
**Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари.**

Туҳфа

## ВАТАН МАРДЛАРИГА ШАРАФЛАР БЎЛСИН

Аждодлар изига из босган норлар,
Ватан, халқи дея умри бедорлар,
Миллат шарафини тутгучи орлар,
Улуғ қадамлари музаффар бўлсин,
Ватан мардларига шарафлар бўлсин!

Шунчаки сўз эмас Ватан каломи,
У билан барҳаёт миллатнинг номи,
У билан собитдир инсон иймони,
Юрт дея ёнганлар ҳақназар бўлсин,
Ватан мардларига шарафлар бўлсин!

Дуо-ю қут билан эл кўкаради,
Элнинг не кори бор, эр кўтаради,
Онтига жон тикар юртнинг жўмарди,
Эгилмас бу қадлар зар камар бўлсин,
Ватан мардларига шарафлар бўлсин!

Кўҳна синоат бор, тан берган дунё,
Мардлари бор юртни қўллар ер, само,
Енгилмас куч-қудрат айлагай ато,
Ҳар ўғлон бу шаънга муяссар бўлсин,
Ватан мардларига шарафлар бўлсин!

**Зулфия НОСИРОВА.**

## В ДЕНЬ ЗАЩИТНИКА РОДИНЫ

День праздника январский настает –
Его родная армия встречает,
И с гордостью великий наш народ,
Его как общий праздник отмечает.

Задача у защитников такая:
В готовности своей высокой быть,
Ответственно и ревностно служить,
Достойно наш покой оберегая.

Защита – государственное дело,
И армии ясна задачи суть,
Чтоб никакая нечисть не посмела,
На мир и на стабильность посягнуть...

Но воины решимости полны,
На то у них весомые задатки!
В надежности защитников страны, –
И, значит, с этим все у нас в порядке!

**Николай БУРТЫШЕВ.**

## ҲАРБИЙ САНЪАТКОРЛАР ТУҲФАСИ



**Жонажон диёримизда Ватан ҳимоячилари кунини муносиб кутиб олиш ва нишонлаш учун ранг-баранг тадбирлар ташкиллаштирилаётганидан хабардорсиз, албатта. Юрт посбонлари эса намунали ва фидойи хизмати, жанговар вазифасига сидқидилдан ёндашуви, талабалар сари интилиши билан қутлуғ санага қизғин ҳозирлик кўраётгани ҳам бор гап.**

Маълумки, ҳар қандай байрамни кўнгилочар, маданий-маърифий тадбирларсиз, дилрабо куй ва қўшиқларсиз тасаввур қилиш қийин. Демак, саноқли кунлардан сўнг нишонланувчи тантанага юртимиз санъаткорлари, хусусан, ҳарбий санъаткорларимиз ҳам қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли ижодкорларининг айни пайтдаги бутун-диққат эътибори ҳам шунга, яъни, байрамни навбатдаги ижодий ютуқлар билан кутиб олишга қаратилган. Ансамблнинг бадиий раҳбари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист майор Шуҳрат Дадажонов билан суҳбатимиз ҳам шу хусусда бўлди.

– Биз – санъат аҳлининг байрам туҳфаси, табиийки, ижодимиз маҳсулининг тақдим этилишидир, – дейди у. – Айтиш жоизки, 14 январь арафасида ватанпарварлик руҳини ўзида акс эттирган, ҳарбий мавзудаги бир нечта янги қўшиқлар тайёрладик. «Ватан», «Ўзбекистон», «Қаҳрамонлар туғилган кун бу», «Байрамингиз бўлсин муборак», «Аскар мактуби» шулар жумласидандир. Эстрада йўналишидаги қатор қўшиқларни ҳам мухлислар ҳукмига ҳавола этишни режалаштирганмиз. Қўшиқларимизга уларнинг мазмунидан келиб чиқиб, ансамбль бош балетмейстери, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист истеъфодаги майор Зиёда Мадраҳимова томонидан гўзал рақслар саҳналаштирилган.

Ансамбль хонандалари ижро этувчи «Ҳарбийлар» қўшиғи Мудофаа вазирлиги Алоҳида ҳарбий намунали-кўргазмали оркестри билан ҳамкорликда яратилган. Байрамга тайёргарлик ҳақида фикр билдирилар экан, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси билан биргаликда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, уруш ва меҳнат фахрийлари, умуман кенг жамоатчилик учун жойларда ўтказилувчи концерт дастурларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Дарҳақиқат, «Туркистон» саройида ўтказиладиган тантанали тадбир – Қуролли Кучларимизнинг 17 йиллик тўйини нишонлаш маросимида ҳарбий санъаткорларнинг иштироки муҳим ўрин тутади.

**Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.**

## ФАЙЗЛИ ТАШРИФ

Юртимизда янги йил шодиёналари яна бир файзли байрамга уланиб кетади. Бу Ватан ҳимоячилари куни байрамидир. Мазкур байрам арафасида жойларда турли-туман маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири алоқачилар ҳарбий қисмида ҳам бўлиб ўтди.

Ўзбек миллий академик драма театрининг таниқли, эл суйган санъаткорлари – Ўзбекистон халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Зуҳра Ашурова, Абдурайим Абдуваҳобов, Тоҳир Саидовлар посбонларимиз ҳузурида бўлдилар. Улардан ҳар бирининг ўзбек театр санъатида ўрни бор. Уларнинг ҳар бири яратган образлари сабаб қалбимизга яқин, қадрдондирлар. Тадбирнинг ўзгача файз билан ўтганлиги ҳам шундан бўлса керак.

Элимиз ардоғида бўлган санъаткорлар ижод жараёнининг унутилмас, қизиқарли воқеалари ҳақида посбонларга сўзлаб бердилар. Кичик саҳна кўринишларини намойиш этдилар. Булар ўз навбатида йиғилганларга бир олам завқ-шавқ улашди.

– Севимли актрисамиз Зуҳра Ашурова ижодини катта қизиқиш билан кузатиб бораман, – дейди капитан Авазбек Маҳкамов. – Айниқса, улуғ саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти акс этган видеофильмда яратган Хонзодабегим образи кўпчиликнинг кўнглидан жой олгани шубҳасиз. Мазкур видеофильмни ҳаяжонланмасдан, шунчаки кўриб бўлмайди.

– Севимли актёримиз Абдурайим Абдуваҳобовнинг ташрифи барчамизни қувонтирди, десам муболаға бўлмайди, – деб ўз таассуротлари билан ўртоқлашади капитан Музаффарбек Маҳкамов. – Бу ҳолат гўёки болалик билан қайта юзлашишга ўхшайди. «Шум бола»дан завқланмаслик, ташрифидан қувонмаслик мумкинми, ахир. Бир сўз билан айтганда, актёрларимиз посбонларга унутилмас, қизиқарли, завқли лаҳзаларни бахш этдилар. Биз уларнинг бундан кейинги ижодларига ҳам муваффақиятлар тилаймиз, халқимиз кўнглига яқин, қадрли бўлган янги-янги образлар яратиб барчани хушнуд этаверсинлар.

Санъаткорлар иштирокидаги тадбир «жуда тез» ниҳояланди. Қаранг-а, файзли лаҳзаларда вақтнинг қанчалар тез ўтгани ҳам сезилмай қолар экан. Тадбир якунида санъаткорларга қисм қўмондонлиги томонидан миннатдорчилик изҳор қилинди.

**Назокат ҲОДИРШОҲОВА.**

# СПОРТ

Бокс

## БОКСЕРЫ НАЦЕЛЕНЫ НА УСПЕХ

В эти дни на учебно-тренировочной базе Янгиабад у узбекистанских мастеров кожаной перчатки проходят сборы по подготовке к международному турниру сильнейших, который в начале февраля пройдет в германском городе Галли.

На этих соревнованиях намечено участие представителей 25 стран мира, в том числе сильнейших боксеров из Кубы, России, Италии, Германии и других.

В составе национальной сборной Узбекистана на этих первых крупных соревнованиях наступившего года выступят и пятеро армейских атлетов.

– Наши мастера кожаной перчатки младший сержант Баходир Мамажонов, рядовой по контракту Эльшот Расулов, служащие Сардор Абдуллаев, Шерзод Абдурахманов и спортсмен МХСК Улугбек Холмуродов надеются только на успех.

– На это у них есть все шансы, – говорит тренер МХСК по боксу майор Уйгун Сиддиков. – У этих боксеров хватает и соревновательного опыта и настроя на победу. Так что есть уверенность, что наши армейские боксеры на турнире выступят результативно.

**Наш корр.**



Чемпионат Узбекистана

## ДОСТОЙНЫЙ ПОДАРОК АТЛЕТОВ

**На мажорной ноте завершили 2008 год боксеры армейского клуба МХСК, которые в декабре на чемпионате Узбекистана в Фергане стали чемпионами в семи весовых категориях.**

– Эти соревнования и были одним из этапов отбора в национальную сборную для участия в чемпионате мира, который пройдет в этом году в Италии, – рассказывает старший тренер МХСК по боксу майор Уйгун Сиддиков. – И тем отраднее, что наши бойцы подтвердили свой класс.

Итак, чемпионами Узбекистана стали рядовой срочной службы из СВВАКИУ Рафикжон Султанов (51 кг), Бахром Хидиров (54 кг), Хуршид Таджибаев (57 кг), Улугбек Холмуратов (64 кг), Бекзод Юнусов (69 кг), Шерзод Абдурахманов (75 кг) и Сардор Абдуллаев (свыше 91 кг).

Примечательно, что четверо из этой семерки принесли успех нашей команде МХСК и на чемпионате мира среди военнослужащих в Баку: Юнусов и Абдуллаев стали чемпионами, а Холмуратов и Султанов бронзовыми призерами. Так что ферганский ринг стал новым шагом на пути к вершинам мастерства для этих парней.

Одним словом, армейские боксеры преподнесли достойный подарок приближающемуся празднику – семнадцатой годовщине Вооруженных Сил.

**Майор Анвар КАСЫМОВ.**

14 января – День защитников Родины

## ДЛЯ ВСЕХ И КАЖДОГО

Военнослужащие Министерства обороны Республики Узбекистан принимают активное участие в подготовке и проведении всенародного праздника нашей страны – Дня защитников Родины. Совместно с местными органами власти, федерациями различных видов спорта и спортивными комитетами предприятий и учреждений в эти дни проводится немало интересных спортивных мероприятий.

Пример подают офицеры центрального аппарата Министерства обороны и Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан. Здесь в два этапа проходят соревнования по настольному теннису, шашкам, стрельбе из пистолета ПМ и волейбольный турнир. Победители будут определены и поощрены в дни празднования Дня защитников Родины.

Игровые виды спорта сегодня популярны не только среди военнослужащих, но и в их семьях. Первенства по волейболу, баскетболу и по другим игровым видам спорта проходят в каждом военном округе, вовлекая в занятия спортом многих офицеров, сержантов и солдат, их жен и детей. В ходе спортивных праздников традиционно вызывают большой интерес у зрителей различные эстафеты, каждый из этапов которых учитывает специфику воинских специальностей проходящих в данной части службу военнослужащих. Теннис, настольный теннис, перетягивание каната, национальная борьба кураш, гиревой спорт всегда популярны, и у мотострелков, и у танкистов, и у десантников.

Спортсменам МХСК, чемпионам мира и Азии, военнослужащим, активно занимающимся олимпийскими и военно-прикладными видами спорта, представителям ОСО «Ватанпарвар» всегда есть что показать, и чем порадовать зрителей. Проходящие показательные выступления армейских спортсменов, организуемые совместно с местными органами власти, отделами культуры и спорткомитетами хокимиятов, привлекают большое число зрителей и являются хорошей витриной популяризации здорового образа жизни и престижности военной службы.

Участие каждого военнослужащего в соревнованиях и состязаниях способствует созданию праздничной атмосферы и решает проблему организации содержательного досуга в каждом воинском подразделении. Массовое увлечение солдат, сержантов и офицеров спортом способствует воспитанию и формированию в них лидерских качеств, уверенности в себе, умения не бояться трудностей и настойчиво добиваться поставленных целей, командный дух и настрой на достижение победы.

Командирам, офицерам-воспитателям и спортивному активу воинских частей необходимо всемерно использовать патриотический подъем, накануне празднования Дня защитников Родины для активного вовлечения военнослужащих и членов их семей в спортивную жизнь воинских частей и гарнизонов. Каждое спортивное состязание – небольшой, но очень важный шаг в формировании военного профессионала, вклад в повышение боеготовности части и подразделения.

**Подполковник Абдукаххор АБДУРАХМАНОВ, начальник отдела физической подготовки и спорта Управления боевой подготовки ОШ ВС.**

# ШОГИРДЛАРГА ИБРАТЛИ УСТОЗ

**Ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, спортнинг техник ва амалий турларига фаол жалб этишда, шунингдек, бўлғуси Ватан ҳимоячиларини ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларнинг мард, жасур, фидойи фарзандлар бўлиб шаклланишларида мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ўрни беқиёс. Бу борада ташкилотнинг кўплаб салоҳиятли, қобилиятли, изланувчан ёшларни жалб қилган ўқув-спорт техника клубларида эришилаётган ютуқларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Албатта, бунда фидойи устоз-мураббийларнинг меҳнатлари алоҳида эътирофга лойиқ.**



Мақоламиз қаҳрамони Шариф Темиров ҳам кўп йиллардан буён Қашқадарё вилоятидаги Китоб ўқув-спорт техника клубига раҳбарлик қилиб келади. Ўзининг қатиққўллиги, ишбилармонлиги, шунинг баробарида, касбининг устаси сифатида ном чиқарган устоз-мураббийнинг шогирдлари, мана, неча йилдирки, вилоят миқёсида ўтказиладиган турли мусобақалар, спорт беллашувлари ва тадбирларида юқори ўринларни қўлдан бермай келишаётир. Бу эса қаҳрамонимиз бошчилигидаги аҳил жамоа хизматлари самараси, назаримизда.

Китоб ўқув-спорт техника клуби вилоятда ўзининг нуфузи, аъзоларининг уюшқоқ ва интилувчанлиги билан ажралиб туради. «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан ташкил этилган ҳеч бир мусобақа йўққи, уларнинг иштирокисиз ўтган бўлса. Сўзларимизни мазкур ўқув-спорт техника клубининг 2004–2007 йилларда фақат шоҳсупанинг юқори ўринларини эгаллаб келаётгани ҳам тасдиқлайди. Бундан ташқари, республика биринчиликларида терма жамоа сафида вилоят шарафини ҳимоя қилишда китоблик ёшларнинг ҳиссаси улкан.

– Ёшлар билан ишлаш, уларнинг орзу-истакларини, интилишларини юзага чиқариш ҳаётимнинг мазмунига айланган, – дейди биз билан суҳбатда Ш. Темиров. – Хурсанд бўладиган жиҳати, ўқув-спорт техника клубимизда ўтказиладиган машғулотлар орқали ёшларимиз ҳам чиниқадилар, ҳам билимларини бойитадилар. Энг муҳими, бўш вақтлари беҳуда ишларга сарф бўлмайди.

Қаҳрамонимизнинг ўзи моторалли ва авторалли устаси. Спортнинг ушбу турлари бўйича у кўп карра мамлакат чемпионатида совриндорлар сафидан жой олган. Шогирдлар ҳам устозларига муносиб бўлишга, ундан ҳамиша ўрнак олишга интиладилар. Хусусан, жорий йилда ўтказилган мамлакат чемпионатида мураббий бошчилигидаги И. Очилов, М. Усмонов, Ж. Темиров, Р. Муҳсинов, Э. Ғаниевлардан иборат вилоят жамоаси авторалли бўйича иккинчи ўринни эгаллади.

Китобликлар, бундан ташқари, дуатлон бўйича ҳам илғорлардан. Мазкур спорт турида вилоят биринчилигида 2005–2006 йилларда шоҳсупанинг энг юқорисидан жой олишган бўлишса, 2008 йилда иккинчи поғонага сазовор бўлганлар.

«От ўрнини той босар», деб бежиз айтилмаган. Шариф аканинг тўрт фарзанди ҳам ота касбини эъзозлаб, давом эттириб келишаётир. Тўнғич ўғил – Жасур автокўпкураш бўйича вилоятда тенгсиз деб топилиб, республика биринчилигида мусобақанинг махсус совринини қўлга киритган. Иккинчи ўғил Феруз эса дуатлон устаси. Ҳозирда у Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида таҳсил олмоқда. Ғолиб ҳам акаларидан ортда қолмасликка интилиб келмоқда. У бир неча йиллардан буён ўқ отиш бўйича вилоятда биринчиликни ҳеч кимга бермай келаяпти. Шунингдек, шарқ яккакурашларидан каратэ ва енгил атлетика сирларини ҳам жиддий ўрганмоқда. Айни пайтда у ўқ отиш бўйича маҳоратини ошириш билан бир қаторда, ёш спортчиларга мураббийлик қилаяпти. Кенжа фарзанд Жамшид ҳам ўқ отиш спортига меҳр қўйган.

– Ёш спортчилар билан ишлаш, уларда юксак касб малакасини шакллантириш бўйича мураббий Шариф Темиров мактаби вилоятда анча машҳур, – дейди мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қашқадарё вилоят Кенгаши раиси Зокир Раҳматов. – Спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш нафақат ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, шунинг баробарида, Қуролли Кучларимиз сафларига ҳар томонлама моҳир, билимли ва салоҳиятли посбонларнинг жалб этилишини ҳам таъминлайди.

Ёшликда олинган билим, ҳунар тошга ўйилган нақшдир, дейди донолар. Шариф Темиров бошчилигидаги жамоа учун ана шу сўзлар фаолиятларининг шиорига айланган.

**Абдуллоҳ НИЁЗОВ.**

# СПОРТ

Легкая атлетика

## ОРИЕНТИР – АЗИАТСКИЕ И ОЛИМПИЙСКИЕ ИГРЫ

**Под занавес минувшего года в Ташкенте в манеже Республиканского колледжа олимпийского резерва прошли международные соревнования по легкой атлетике памяти заслуженного тренера Республики Узбекистан Григория Майбороды среди юношей и девушек 1989 года рождения и моложе.**

О том, как выступили представители армейского спортклуба, рассказал старший тренер МХСК по легкой атлетике мастер спорта международного класса сержант Анвар Кучмуродов.

– На этих серьезных соревнованиях наши воспитанники завоевали всего лишь две бронзовые медали. Это Севара Кучмуродова (60 м) и Мустафо Рахманов (60 м). Они также на дистанции 200 м заняли четвертое место. А Евгений Липинский (400 м) и Аббос Ташметов (200 м) стали пятыми. Но все равно нас радуют результаты выступлений подопечных. Если учесть, что представителям армейского клуба всего лишь по 14-15 лет, а соперникам по 18-19 лет, и наши состязались наравне, то понятно какая достойная смена растет в армейском спортклубе.

Участие на этих соревнованиях вышеупомянутых молодых спортсменов явились как бы «смотринами» нашей молодежи перед первыми Азиатскими (2009 г.) и Олимпийскими играми (2010 г.) среди юношей 1992 года рождения, которые будут проходить в Сингапуре.

К этому времени, думаю, наши молодые легкоатлеты наберут соревновательного опыта, закалят армейский и спортивный характер и, конечно, будут в пике спортивной формы. Так что нашим юным легкоатлетам еще предстоит громко заявить о себе на главных стартах.

Хочется надеяться, что юные армейские спортсмены выступят результативно на Азиатских и Олимпийских играх в Сингапуре и по другим видам спорта.

**Записал майор З. ХАЙРИТДИНОВ.**



Армрестлинг

## ТРИ УЧАСТНИКА – ТРИ МЕДАЛИ

В последние дни минувшего года в Сырдарьинском областном центре городе Гулистане проходил международный турнир по армрестлингу под названием «Сырдарьинские богатыри». Выбор города Гулистана местом проведения столь крупных соревнований не случаен. Ведь именно здесь тренируются и проявляют спортивную деятельность восьмикратный чемпион мира Умиджон Ахмедов, трехкратный чемпион мира Фарид Усмонов, неоднократный призер чемпионатов мира Фарход Худояров.

На эти соревнования съехались сильнейшие рукоборцы из Казахстана, Кыргызстана, Таджикистана и со всех регионов Узбекистана.

В данных состязаниях, которые проводились в трех весовых категориях (до 90 кг, до 100 кг и +100 кг), приняли участие и трое армейских атлетов. Все трое завоевали медали.

Представители армейского спортклуба МХСК мастера спорта Бобур Бекчанов, выступавший в весовой категории до 90 кг и Константин Гржандо (+100 кг) удостоились золотых наград турнира. А третий спортсмен МХСК мастер спорта международного класса Камиль Керимов (100 кг) завоевал бронзовую медаль.

На пути к финалу нашего армейского атлета Камиля Керимова остановил лишь восьмикратный чемпион мира заслуженный мастер спорта Умиджон Ахмедов. Кстати, он и стал победителем этого международного турнира в весе до 100 кг.

В этом году у представителей армрестлинга богатый календарь соревнований: кубки и чемпионаты страны, мира, ряд международных турниров. Надеемся, что армейские атлеты в этих состязаниях будут в числе победителей и призеров.

**Майор З. НУРИДДИНОВ.**

Атлетический клуб будущего воина

## АТЛЕТИЧЕСКАЯ ГИМНАСТИКА – ЭТО СИЛА

### Развиваем мышцы спины


1. Исходное положение: основная стойка, гантели в вытянутых вверх руках (1). Наклонить туловище вперед с занесением рук к стопам (2) – выдох, в исходное положение – вдох.

2. Исходное положение: основная стойка, гантели в согнутых руках за головой (3). Наклонить туловище вперед (4) – выдох, в исходное положение – вдох.

3. Исходное положение: основная стойка, гантели в вытянутых вверх или опущенных руках (5). Наклонить туловище вперед с опусканием прямых рук вниз – выдох, в исходное положение – вдох.

4. Исходное положение: основная стойка, гантели в опущенных руках. Наклонить туловище вперед с занесением рук за спину (6) – выдох, в исходное положение – вдох.

5. Исходное положение: основная стойка, гантели в вытянутых в стороны руках (7). Наклонить туловище вперед с попеременным касанием левой рукой правой стопы, правой рукой левой стопы (8). Дыхание произвольное.



# МАДАНИЯТ

## ГЎЗАЛЛИКНИНГ РАНГЛАРДАГИ ЖИЛОСИ

**Гўзаллик – илоҳий неъмат. Унинг сеҳрига шайдо, муаттар исига сархуш бўлмаган инсон йўқ. Шу боисданми, ижодкорлар гўзалликни гулга ўхшатишади. Чунки гулни каттаю кичик эъзозлайди, авайлаб хонасининг тўрига қўяди. Унинг жилоси матоларда ва либосларда, турли буюмларда, хонадонларнинг безакларида ҳам ўз аксини топади. Шундан ҳам нафосат яратувчиларнинг қўлларини гулга қиёслашади. Нега? Чунки гулда зоҳирий гўзаллик мужассам. Гўзаллик фақатгина гулда эмас, табиатда ҳам, инсонларда ҳам, боринги бутун жонзотларда ҳам мавжуд. Фақат уни илғай олиш зарур. Мўйқалам соҳиблари ана шу хусусиятни ўз асарлари орқали ифодалашга интилишади.**

Рассомлар дунёни кўнгил кўзи билан кўриб, қалб ранглари билан идрок этади, дейишади. Ҳа, бу ижод аҳли ранглар орқали дунёни тасаввур қила олади. Ватанимиз тарихи, халқимиз урф-одатлари, бир сўз билан айтганда, миллийлигимизни бўй-басти билан кўрсатишга интилаётган мўйқалам усталарининг яратган асарларига назар ташласангиз рассом учун қалб кенглиги, тасаввур қамрови беқиёслиги муҳим жиҳат эканлигини англайсиз. Биз Тошкент гарнизони офицерлар уйида ташкил этилган рассом, Қуролли Кучлар хизматчиси Гулноз Умрқулованинг «Мен юртимни эъзозлайман» деб номланган кўргазмасини томоша қилар эканмиз, ушбу сўзларнинг нечоғлик ҳақиқат эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

Ватан ҳимоячилари куни олдидан ўтказилган ушбу кўргазмада ёш рассомнинг «Олтин куз», «Регистон», «Хива», «Зомин тоғлари», «Хаёлимда Япония», «Фориш шаршараси», «Оққушлар», «Ҳайдаркўл», «Бахмалда баҳор», «Буюк ипак йўли» каби картиналари намойиш қилинган бўлиб, уларнинг барчасида ёрқин рангларнинг фикр теранлиги билан уйғунлиги яққол кўзга ташланади.

– Олти ёшимдан буён расм чизаман, – дейди биз билан суҳбатда Гулноз Умрқулова. – Бобом ҳам, отам ҳам рассом. Шу боисданми, Ғаллаорол туманида ҳамма оиламизни, рассомлар сулоласи, дейишади. Мактабни битирганимдан сўнг Ботир Зокиров номидаги Жиззах санъат коллежининг безакчи-рассомчилик бўлимига ўқишга кирдим. Таҳсил давомида малакали устозлардан тасвирий санъат бўйича билим олдим. Уйда эса отамнинг ижод жараёнини кузатиб, ўзим учун керакли сабоқлар олишга интилардим. Биласизми, рассомларда истеъдоддан ташқари интилиш ва изланиш ҳам кучли бўлиши керак. Чунки шу фазилатлар орқали улар ўз ижодларини бойитиб боришади. Мен ҳам шу кунгача мана шу ақидага амал қилишга ҳаракат қилдим. Шу сабаб дизайн соҳасида ҳам бир қанча ишларни амалга оширдим. Аёллар ва эркаклар кийим-кечагининг қадимий ва замонавий кўринишларини акс эттирган фасонлар яратдим, мустақил равишда турли нарса-буюмларни мунчоқлар билан безатишни, макетлар ясашни ўргандим.

Рўпарамдаги расмларни синчиклаб томоша қиламан: улуғвор тоғларнинг йилнинг тўрт фаслидаги кўриниши, кўҳна Регистон ва Хива манзаралари, саҳродаги туялар карвони, қушлар тасвири... «Хаёлимда Япония» туркумидаги манзара беихтиёр хаёлимни тортди. Мавж ураётган денгиз, унда иккита елканли қайиқ сузиб кетаяпти, атрофда эса оқ чағалайлар чарх ураяпти. Денгиз қанча тўлқинланмасин, қайиқ ўз йўлида мағрур олға интилаяпти. Манзарани кузата туриб, кўз олдимга ҳаёт денгизининг бўрони-ю тўфонига қарши ўз йўлида матонат билан кетаётган инсон қиёфаси келди. Ҳа, ҳаёт ҳам бир денгиз. Унинг турфа хил синовлари, машаққатлари бор. Ана шу қийинчиликларга сабр-бардош ва матонат билан тик қараган инсоннинг кейинги манзили албатта шоду хуррамлик водийси бўлади. Рассом ушбу асар орқали ана шу ҳаётий ҳақиқатни маҳорат билан ифодалаб бера олган. Бундан кўриниб турибдики, Гулнознинг асарлари бадиий ифодавийлиги билан ўзига хос. Уларда рамзийлик, фалсафийлик ва мажозийлик уфуриб туради. Бунинг сабаби эса у асар яратишда ғоят қизиқарли ва ўзига хос услубни қўллайди. Бу эса асарнинг ифодавий имкониятларини кучайтиради.





Рассом асарлари қамрови йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Эндиликда унинг асарлари орасида ҳарбийлар ҳаёти акс эттирилган картиналарни ҳам кўриш мумкин. «Парашютдан сакраётган қиз», «Хизмат чоғида» деб номланган асарлар фикримиз далилидир.

– Ҳарбий соҳага қизиққаним боис Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида хизмат фаолиятимни бошладим, – дейди у. – Айни пайтда ушбу даргоҳда «Ёш қаламкашлар» тўгарагига раҳбарлик қилиш билан бирга расм чизишга қизиққан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг фарзандларига тасвирий санъат бўйича сабоқ бериб келаяпман.

Ҳис-туйғулари ва ўй-фикрларини асарлари орқали ифодалаб келаётган Гулноз Умрқулова бундан буён ҳам санъат ихлосмандларига қамрови кенг асарлар тақдим этишга ҳаракат қилади. Бу эса ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Зеро, яхши асар ҳамиша машаққатли ва тинимсиз меҳнат, изланишлар ҳосиласидир. Қаҳрамонимизда эса бу фазилатларнинг бари мужассам десак, янглишмаймиз.

**Гулнора МУРОДОВА.**
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.**



## ПОЧТА МАРКАЛАРИНИ ТЎПЛОВЧИ ИШҚИБОЗЛАР ВА ФИЛАТЕЛИСТЛАР ДИҚҚАТИГА!

2009 йил 14 январь Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамкорликда почта маркаларини махсус хотира сўндириш тадбирини ўтказади. Ушбу тадбирнинг тантанали очилиши жорий йил 14 январь куни соат 11.00 да «Тошкент почтамти» (Шаҳрисабз кўчаси, 7-уй) филиали биносида бўлиб ўтади.



## ВНИМАНИЮ ФИЛАТЕЛИСТОВ И ЛЮБИТЕЛЕЙ, КОЛЛЕКЦИОНИРУЮЩИХ ПОЧТОВЫЕ МАРКИ!

14 января 2009 года Узбекское агентство связи и информатизации и ОАО «Узбекистон почтаси» совместно с Министерством обороны Республики Узбекистан будет проводить памятное специальное гашение почтовых марок, посвященное Дню защитников Родины. Церемония торжественного открытия состоится 14 января 2009 года в 11.00 по адресу: г. Ташкент, ул. Шахрисабзская, 7, здание филиала «Тошкент почтамти».

ВНИМАНИЕ, КОНКУРС!

## 17-ЛЕТИЮ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ПОСВЯЩАЕТСЯ

В соответствии с планом по подготовке и празднованию 17-й годовщины Вооруженных Сил Республики Узбекистан в Выставочном зале Центрального музея Вооруженных Сил 9 января 2009 года открывается IX Всеармейская выставка художественного творчества военнослужащих, членов их семей, ветеранов Вооруженных Сил, учителей-воспитателей, учеников школ и воспитанников дошкольных образовательных учреждений Министерства обороны.

На выставке художественного творчества представлены живописные работы (тематические и жанровые), портреты, пейзажи, натюрморты, рисунки, графика, изделия народно-прикладного искусства, керамика, резьба по дереву, ганч, чеканка, ткачество, художественная вышивка, ювелирные работы.

Победителям и призерам выставки будут вручены дипломы и денежные премии.



## ВНИМАНИЮ КОМАНДИРОВ, ИХ ЗАМЕСТИТЕЛЕЙ ПО ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ РАБОТЕ И ПРЕДСЕДАТЕЛЕЙ ЖЕНСОВЕТОВ!

Организаторы выставки приглашают военнослужащих и членов их семей, и всех желающих посетить выставочный зал Центрального музея Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

**ВАТАНПАРВАР**

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги
Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

**МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ** – кенгаш раиси, **Раҳимжон НУРНАЗАРОВ, Баҳодир АЗИМОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ.**

**Бош муҳаррир подполковник К. МИРТАЛАУТДИНОВ.**
**Шу сонга масъуллар: майор А. УСМОНОВ, майор Х. ЗАЙНИЛОВ.**

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Телефонлар: навбатчи – 256 09 81; обуна бўлими – 256 03 46. Факс: 256 17 98.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳрир қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Р. Исламаев** ва **З. Хошимов** томонидан саҳифаланди.

**Газета жума куни чиқади.** **Адади** 27600.

**Нашр кўрсаткичи** 114. **Буюртма** № 1-6692.